

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

М.С. Раҳмонова, И.В. Солохина

Саҳифаловчи

Д. Х. Хамидуллаев

Муқова дизайнери

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Saydana-print» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент ш., Қамарнисо кўчаси, 3.

Босишга рухсат этилди 16.11.2012.

Буюртма №140.

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2012.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНING АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2012 йил, 3-сон

МУНДАРИЖА**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигига****К 21 годовщине независимости Республики Узбекистан***Икрамов Ш. Т.*

Ватан ва халқ манфаати йўлида хизмат қиладиган юксак малакали кадрлар тайёрлаш — асосий мақсадимиз.....3

Мамадалиев Ш. О.

Мустақиллик - сиёсий-ҳуқуқий қадрият.....8

Ҳуқуқий ислоҳотлар ва қонунчиликни такмиллаштириш

Правовые реформы и совершенствование законодательства

*Кабулов Р.,**Акрамходжаев Б.*

Об изменениях в институте отстранения обвиняемого от должности в ходе расследования уголовного дела.....12

Миразов Д. М.

Судга қадар иш юритиш устидан суд назоратини кенгайтириш.....18

Муродов Б. Б.

Жиноят процессида айблов институтини такомиллаштириш истиқболлари.....21

Тиллаев Т. Н.

Жиноят процессида фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатларини таъминлаш.....29

Тастанбекова Г. С.

Ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатлари.....35

Дусмухамедова Н. Н.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида бола ҳуқуқлари соҳасининг шаклланиши.....40

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари

Проблемы обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью

Қўлдашев Н. А.

Деликт мажбуриятлар ҳақида айрим мулоҳазалар.....45

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегия
Ш. Т. Икрамов (главный редактор),
Н. Т. Исмоилов (ответственный редактор),
А. А. Хамдамов, У. Х. Мухамедов,
Д. М. Миразов, О. Окюлов,
М. З. Зиёдуллаев, Б. А. Яров

Редакторы номера
М.С. Рахмонова, И.В. Солохина

Верстка
Д. Х. Хамидуллаев

Дизайн обложки
С. В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568

Решением Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 29 апреля 2011 года №172/5 включен в список научных журналов

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «Saydana-print». г. Ташкент, ул. Камарнисо, д. 3.

Подписано в печать 16.11.2012.
Заказ №140.

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2012.

Хусанов А.Д.
Осмотр как способ криминалистического обеспечения фиксации дорожно-транспортного происшествия49

Каримова Д.
Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларига доир айрим фикрлар.....53

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий омиллари

Социально-политические факторы развития гражданского общества

Джавакова К.В.
Общественный контроль — важнейшая предпосылка углубления демократических реформ.....57

Бердикулов С.Н.
Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг шаклланиш тарихига бир назар.....61

Ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш масалалари

Вопросы подготовки кадров для органов внутренних дел

Акрамбаев Х.М.
Ички ишлар идоралари ходимларида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда ҳарбий тарбиянинг аҳамияти.....69

*Арифходжаева И. Х.,
Жумаев О. М.*
Кейс стади методини юридик таълим муассасаларида қўллашнинг аҳамияти74

Хорижий тажриба

Зарубежный опыт

Бабаев А. А.
Коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва айрим давлатларнинг тажрибалари.....76

Қулматов Ш.А.
Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланишига оид айрим давлатлар қонунчилиги таҳлили80

Гордеев С. Н.
О розыске лиц, скрывшихся от органов правосудия (зарубежный опыт).....84

Ёш олимлар минбари

Трибуна молодых учёных

Тўраев А.П.
Ҳуқуқни амалга ошириш жараёни тавсифи.....88

Салимов Ш. Я.
Ҳазони ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини тартибга солувчи жинойт-ижроия ҳуқуқий муносабатлари.....92

Ш. Т. Икромов*

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЮКСАК МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллик кунини катта қувонч, эзгу ниятлар билан кутиб олишга одатланганмиз. Давлатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик тантаналари юртимизда кенг нишонланиб, бу фарахбахш байрамни ҳар ким, ҳар ташкилот ва муассаса ўз тўёнаси билан кутиб олди. Ўтган йигирма бир йил мобайнида мамлакатимизда «Ўзбек модели» асосида мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Таъкидлаш зарурки, давлатимизнинг ёшларга бўлган ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугун республика ички ишлар идораларида ҳам ёш мутахассис кадрлар юксак шижоат билан Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фаолият юритмоқдалар. Улар республикада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда ўз вазифаларини виждонан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Президент Ислон Каримов Мустақилликнинг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида Ватанимизнинг келажаги бўлган ёшлар камоли, уларнинг тараққиётга қўшажак ҳиссаларига қатъий ишонч билдириб: «Бизнинг халқимиз, аввало, йигирма бир йил давомида вояга етган, мустақил фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авлодимиз порлоқ келажагимизга катта ишонч билан қарайди ва ўзи танлаб олган йўлидан ҳеч қачон — мен такрор айтаман — ҳеч қачон ортга қайтмайди», — деб таъкидлади.

Юқоридаги фикрлар ва яна Президентимизнинг: «Ҳозирги кунда ички ишлар идоралари фаолияти самарадорлигини оширишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш

масаласи муҳим ўрин тутуди», — деган алоҳида таъкиди ва ишончи Ички ишлар вазирлиги Академиясининг фаолиятига ҳам тааллуқли бўлиб, бу олий таълим маскани республика ички ишлар органлари учун жиноятларнинг олдини олиш, тезкор-қидирув, тергов ва эксперт-криминалистик фаолиятлар йўналишларида жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилиш, жиноятчиларни қидириб топиш, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги кўплаб тадбирларни мустақил равишда амалга ошира оладиган юксак малакали мутахассис офицерларни тайёрлайди. Давлатимиз Мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамни Академия жамоаси ҳам таълим-тарбия жараёнида эришган улкан ютуқлари билан кутиб олди. Академиянинг ҳар йилги битирувчилари ички ишлар идораларида хизмат қилаётган терговчилар, тезкор ходимлар, профилактика инспекторлари ва эксперт-криминалистлар сафини тўлдиришади. Айни кунда ушбу олий таълим муассасаси раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари таълим-тарбия жараёнларининг сифатини юксалтириш борасида самарали ишларни амалга оширмоқдалар.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йилларида ИИВ Академиясида таълим-тарбия, кадрлар билан ишлаш, илмий тадқиқот ва ўқув-моддий базани такомиллаштириш каби йўналишларда, шунингдек хизмат интизоми ва қонунчилиқни мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, 2011—2012 ўқув йили ютуқлар борасида янги босқичга кўтарилиш бўлди. Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга эътибор янада кучайтирилди. Кундузги таълимнинг барча йўналиш-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг бошлиғи.

лари бўйича давлат таълим стандартлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда замон талаблари асосида қайтадан ишлаб чиқилди. Ўқитиладиган барча фанлардан давлат таълим стандартлари асосида янги ўқув дастурлари, улар негизида фанларни ўрганиш учун ўқув-методик материаллар яратилди.

Ўқув жараёнининг сифатини янада яхшилаш, тингловчи ва курсантларнинг мустақил самарали ишлашларига шароит яратиш мақсадида ўқув-методик адабиётларнинг электрон нусхалари яратилиб, Академия кутубхонасининг ахборот-ресурс марказига жамланди, ҳозир уларнинг сони 5000 га етди. Кутубхона фонди Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик ва Меҳнат кодексларининг ўзгартиш киритилган янги нусхалари билан мунтазам тўлдириб борилмоқда. Таълим соҳасидаги ислохотлар янги авлод адабиётларини яратишни ҳам талаб қилгани боис, 2012 йилда Академиянинг ўқув жараёнини янги авлод адабиётлари билан таъминлаш мақсадида фонддаги мавжуд адабиётлар мазмуни ва ғоявий савияси жиҳатидан тафтишдан ўтказилди. Мустақиллик ғоялари сингдирилиши лозимлиги ва таълим йўналишларидаги замонавий талаблар ҳисобга олиниб, 120 хил ўқув адабиётларини тайёрлаш зарурлиги аниқланди, уларни босқичма-босқич тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилди. Мустақиллик байрамига уларнинг 50 турдан ортиғи тайёрланиб, чоп этилди.

Академияда ёш ўқитувчи кадрларнинг педагогик-методик маҳоратини кучайтириш вазифаси «Ёш ўқитувчилар маҳоратини ошириш мактаби»га юкланиб, қўшимча машғулотлар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларнинг ички ишлар идораларида ва етакчи таълим муассасаларида малака ошириб, тажриба алмашишлари ўқув жараёнининг сифатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Тингловчиларнинг билимларини тинмай юксалтириб бориш, уларнинг келажақда ички ишлар идораларида муваффақиятли хизмат ўташлари, назарий ва амалий кўникмаларини чуқурроқ шакллантириш мақсадида кундузги таълим 4-курс тингловчиларига «Ахборот хавфсизлиги асослари» фани ва «Вояга етмаганлар томонидан содир этилган қотиллик ва оғир тан жароҳати етказиш жиноятларини тергов қилиш методикаси»дан қўшимча фа-

культатив машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилди. «Вояга етмаганлар томонидан содир этилган қотиллик ва оғир тан жароҳати етказиш жиноятларини тергов қилиш методикаси»дан шу турдаги ишларни тергов қилиш бўйича 4-курс тингловчиларига малакали мутахассисларнинг маъруза машғулотларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиши учун Тошкент шаҳар прокуратураси билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Айни кунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Иқтидорли тингловчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш тўғрисида Низом», «Энг яхши кафедра бошлиғи», «Энг яхши профессор», «Энг яхши доцент», «Энг яхши ўқитувчи», «Энг яхши стажер-тадқиқотчи-изланувчи», «Энг яхши кабинет бошлиғи», «Энг яхши куратор» номинацияларига танлов ўтказиш тўғрисидаги Низомлар ишлаб чиқилиб, улар асосида танловлар ўтказилиб келинмоқда, буларнинг барчаси таълим-тарбиянинг сифати ва самарадорлигини юксалтирмоқда.

Ўқув-тарбиявий, маънавий ҳамда ташкилий ишларнинг аҳволи, уларни янада такомиллаштириш борасидаги муаммолар ўрганилиб, Академия Илмий кенгаши мажлисларида доимо муҳокама қилиб келинмоқда. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Академия ходимларининг эътиборига етказилиши зарур муҳим манба — Республика бўйича содир этилган жиноят ва ҳодисаларнинг ҳафталик таҳлилларини мунтазам ҳавола қилиш тартиби жорий этилиб, ушбу маълумотларни профессор-ўқитувчилар ўрганиб келмоқдалар. Бу маълумотлар тингловчи ва курсантларнинг ҳам эътиборига етказилиб, ўқув жараёни мазмундорлигининг ошиши таъминланмоқда.

Ўқув жараёнида амалдаги қонунчилик, статистик маълумотлар, вазирлик буйруқлари ва Ҳайъати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумлари қарорларидан унумли фойдаланиш ҳам ўтказилаётган педагогик назоратларда инобатга олиб берилмоқда. Тингловчиларнинг ички ишлар идоралари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ ўзлаштиришларини таъминлаш мақсадида фанлардан оралиқ ва якуний назоратларни ўтказишга доир мутахассислик кафедралари

тайёрлаган методик материаллар матнларига вазирликнинг буйруқ, йўриқнома, низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига оид саволлар вариантлари киритилди ва тингловчиларнинг уларга берилган жавоблари баҳолаш мезонларида ўз аксини топди.

Тингловчи ва курсантларнинг ўқув фанлари ва соҳавий хизмат йўналишлари бўйича буйруқларни қайд қилиш дафтарлари юритишлари йўлга қўйилди, улар профессор-ўқитувчилар томонидан доимий назоратга олинмоқда. Бу эса уларнинг мустақил ишлашларига бўлган талабни кучайтиради. Тингловчи ва курсантлар фойдаланишлари учун давлат ва рус тилларида, кирилл ва латин алифболарида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари, амалдаги кодексларнинг электрон нусхалари CD дискларга жамланиб, Академиянинг ахборот-таълим порталига жойлаштирилди. Таълимни амалиёт билан узвий боғлиқликда олиб боришга эътибор кучайтирилди.

Вазирлик соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда ва келишилган ҳолда «ИИБ Академияси криминалистика кафедрасининг криминалистик полигони фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий-услубий ва амалий чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилди. 16 турдаги жиноятларни тергов қилиш, очиш ва уларнинг олдини олиш борасида тингловчиларда етарли амалий билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириш мақсадини кўзлаган криминалистик полигон таркибида ўқув жараёнида кенг фойдаланиш учун савдо дўкони, меҳмонхона, ошхона, ётоқхона, чойхона, портлаш содир бўлган жой, молхона, йўл-транспорт ҳодисаси акс этган автомайдон, ўқув аудиториялари, экспертиза тадқиқотлари учун намуналар олиш майдончаси қурилди.

«Академиянинг криминалистик полигонидо амалий ўқув машғулотларини ўтказишни сифатли ташкил этиш учун ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлаш ва ўқув фильмларини яратиш тўғрисида» фармойиш ишлаб чиқилиб, унга асосан тингловчиларда жиноятларнинг 16 та тури бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш, процессуал ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш, жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш кўникмаларини ҳосил қилиш тўғрисидаги 13 та ўқув-методик қўлланма ички ишлар идораларида кўп йиллик амалий тажрибага эга мутахассис ходимлар ҳамкорлигида тайёрланди ва чоп

этилди. Ушбу ўқув манбаларидан маъруза, мунозара, мустақил тайёргарлик ва мустақил иш соатларида тергов қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш кўникмаларини шакллантиришда самарали фойдаланилмоқда.

Кундузги таълим 3-курс тингловчиларига криминалистик полигонда 116 соат комплекс амалий машғулотлар ўтказилди. Полигоннинг «Автомобиль йўли, йўл-транспорт ҳодисаларини яратиш учун мўлжалланган махсус ўқув майдончаси»да йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўйича 30 соат, «Чорва моллари ўғрилиги содир бўлган жойни кўздан кечириш» бўйича 30 соат, «Автоуловларда ўғрилик содир этилган жойни кўздан кечириш» бўйича 30 соат, шунингдек, эксперт-криминалистик фаолият йўналишидан 66 соат машғулотлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти ИИБ тергов ва эксперт-криминалистик хизматларининг малакали ходимлари томонидан ўтказилди. Бу тажриба малакали мутахассислар тайёрлаш борасида кўзлаган мақсадимизга эришишда қўл келмоқда.

Тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедраси қошида «Одам савдоси ҳамда наркотик моддаларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши кураш бўйича интерфаол ўқитиш», криминалистика кафедрасида «Криминалистик тадқиқотларни ўтказишни ўргатиш» марказлари очилди. Марказлар замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланди ва улардан ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

3—4-ўқув курсларида барча мутахассисликлардан, шунингдек, Олий академик курслари, Ички ишлар идоралари офицерларининг малакасини ошириш факультетида ўтказилган ўқув машғулотларига ички ишлар идораларининг кўп йиллик амалий тажрибага эга малакали ходимларини жалб этиш жадваллари тузилди, жадвал асосида уларнинг машғулотлар олиб боришлари таъминланди. Улар томонидан жами 418 соат ўқув машғулотлари ўтказилди. Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари 15—16-ўқув йиғинларининг курсантларига ҳам 260 соатлик факультатив машғулотлар амалиёт ходимлари томонидан ўтказилди.

Мутахассислик кафедралари қошидаги мавжуд 9 та махсус филиалларнинг фаолияти назорат-таҳлилдан ўтказилди ва қайтадан ташкил этилди. Уларда жами 346 соатлик машғулотлар самарали ўтказилиб, тингловчилар билимини чуқурлаштиришга эришилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини айна кунгача 16 та йиғин битириб, амалиётда қизгин фаолият юритмоқда. Ички ишлар идораларининг офицерлари ва сержантлари кундалик хизмат юзасидан ҳамкорлик қиладилар. Шу боис хизмат ўташ пайтида ўзаро ҳамкорликни ташкил этишга (объектив реаллик) масалаларига таълим жараёнида жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кундузги таълим билан Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг ўзаро ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедралари ва Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари циклларининг ўзаро ҳамкорлиги дастури ишлаб чиқилди, айна кунда ушбу дастурга асосланиб, ўқув машғулоти жадал ўтказилмоқда. Яна мазкур дастурнинг ижросини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ўртасидаги ҳамкорликка бағишланган 12 та ўқув қўлланмаси тайёрланди ва чоп этилди.

Академия жамоасининг ушбу барча саъй-ҳаракатлари қонун асосида яшаб, мустақил Ватан тараққиётига ўз хизмати билан ҳисса қўшадиган малакали мутахассислар тайёрлашдек эзгу мақсадга қаратилган. Мустақиллик байрами шуқуҳи кезиб юрган кунларда фахр билан эслаш жоизки, ҳаракатларимизнинг самараси ўлароқ, 4-курс тингловчиларининг Якуний давлат аттестациясида умумий рейтинг кўрсаткичи 84,2 % ни ташкил этди. Имтиёзли диплом билан тугатаётган битирувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Кадрларни қайта тайёрлашда Ички ишлар идоралари офицерларининг малакасини ошириш факультети таркибий тузилмаси муҳим ўринни эгаллайди. 2012 йилнинг бошидан ҳозирги кунгача жами 2336 нафар ходим касбий тайёргарликдан ўтиб, малакасини оширди. Президент Ислом Каримовнинг: «Профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор. Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий

баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратган тақдирдагина муваффақиятга эришиши мумкин», — деган фикрларидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди, 2011—2012 ўқув йилида Академия ўқув дала полиго-нида замонавий моддий-техник база яратилди ва 1600 нафар профилактика инспекторларининг касбий тайёргарлик малакалари ҳамда профессионал маҳоратлари оширилди.

Академияда иқтидорли тингловчилар билан ишлашга муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Республика тингловчилар (талабалар) фан олимпиадасининг биринчи умумакадемия босқичи юқори савияда ўтказилди. Унда ғолиб бўлиб, иккинчи якуний босқичда иштирок этишга тавсия этилган 6 нафар тингловчига қўшимча машғулоти ташкил этилди. Натижада ҳуқуқшунослик фанидан Республика талабалар олимпиадасида тингловчи Н. Шукуров ҳуқуқшуносликка ихтисослашган 22 та турдош олий таълим муассасалари талабалари орасида фахрли биринчи ўринни, «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанидан тингловчи А. Мирзаев 69 та олий таълим муассасалари талабалари орасида фахрли учинчи ўринни, «Иқтисодиёт назарияси» фанидан тингловчи А. Қосимов 17 та олий таълим муассасалари талабалари орасида, «Автомобиллар ва автомобиль эксплуатацияси ҳамда сервис хизмати» фанидан тингловчи О. Шакарров эса 10 та олий таълим муассасалари талабалари орасида тўртинчи ўринни эгаллаганларини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Академияда тингловчи ва курсантларнинг малакавий амалиётига эътибор кучайтирилмоқда. Кундузги таълим битирувчи курси тингловчиларига жорий йилнинг 19 мартдан 12 майга қадар «Тергов фаолияти», «Жи-ноятларнинг олдини олиш фаолияти», «Тезкор қидирув фаолияти» ва «Эксперт-криминалистик фаолият» йўналишларидан иш ўрганиш амалиёти (стажировка) ташкил этилди. Режа-топшириқда белгиланган тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилиши доимий назоратга олингани боис, амалиёт сифатли ва самарали натижаларни берди. Иш ўрганиш амалиёти (стажировка) даврида «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб амалиёт раҳбарлари ва стажировка ўтаётган тингловчилар ташаббусига кўра, ҳудудий ички ишлар органлари билан ҳамкорликда «2012 йил — Мустаҳкам оила йили»нинг Ватан тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти», «Оила-турмуш соҳасидаги

хуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги», «Оилада ёш авлод тарбияси», «Ярашув институтини такомиллаштириш ва ушбу институтни амалиётда қўллашни мустаҳкамлаш» каби мавзуларда жойлардаги таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик орасида 341 маротаба давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Бу ҳам тингловчиларда касбий маҳорат ва ҳаётий тажрибаларни шакллантиришга иштиёқнинг нечоғлик кучлилигини кўрсатди. Шунингдек, амалиёт (стажировка) даврида унинг раҳбарлари ва стажировка ўтаётган тингловчилар томонидан жойлардаги маҳаллаларда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да жамоатчилик назоратини такомиллаштириш» мавзуида 63 маротаба учрашувлар ташкил этилди.

2012 йилнинг 1 мартада Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси жамоатчилик фондининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси ва Академиянинг шу туман маҳаллаларида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да жамоатчилик назоратини такомиллаштириш» мавзуида учрашувлар ўтказиш жадвали имзоланди. Ушбу жадвал асосида 56 та маҳаллада Академия профессор-ўқитувчилари томонидан 16 маротаба қизиқарли учрашувлар ташкил этилди.

Академияда бўлғуси мутахассисларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни қонун устуворлиги асосида яшаш ва Ватан хизматига тайёрлашга энг муҳим, зарурий вазифа деб қаралади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, мамлакат фарзандларининг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак». Яна: «Ички ишлар идоралари ишидаги қонунийликни янада мустаҳкамлаш, милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмиятчилик, тўрачилик, лоқайдлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш ва ҳар бир

ходимдан ўз хизмат бурчини, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ҳалол адо этишни талаб қилади», — деган таъкидларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш мақсадида Академиянинг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчи ва курсантларида юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш» махсус курсининг ўқув дастури яратилди.

Ушбу дастурда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида баён этилган ғояларни тингловчи ва курсантларнинг шуурига сингдириш мақсади кўзланган бўлиб, у асосида ўтказиладиган ўқув машғулотида юксак қадриятлар — ватанпарварлик, адолат, ҳалоллик, садоқат, жасурлик, мардлик, намунали муомала маданияти ва халқпарварликнинг мазмун-моҳияти, уларнинг инсон ва жамият ҳаёти, миллий қадриятларимиз тизимидаги аҳамияти буюк аллома аждодларимиз ўғитлари ва замонавий таълим-тарбия амалиёти мисолида ёритиб берилади. Шунингдек, дастурнинг мақсади таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларга маънавиятимизга қаратилган тажовузкор таҳдидларни англантиш, ўз халқининг хавфсизлиги, осойишталиги, барқарорлиги ҳақида қайғуриш, ҳар қандай таҳдидли хавфхатарлардан огоҳлантириш ва сезгирлик туйғуларини шакллантиришдан иборат.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанада: «Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак», — деган таъкиди айнан ички ишлар органлари, жумладан ИИВ Академияси жамоасининг таълим-тарбия ва хизмат фаолиятига тааллуқли, деб ўйлаймиз. Давлатимизнинг таълим соҳаси учун кўрсатётган моддий ва маънавий ғамхўрлигига жавобан Академияда Ватан ва халқ равнақи, тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлиги учун хизматга шай, қонун устуворлиги ҳаётининг мазмунига айланган, юксак маънавиятли, малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар бундан кейин ҳам жадал давом этаверади.

МУСТАҚИЛЛИК — СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТ

«Мустақиллик» сўзи ва тушунчаси ер юзида яшаётган барча миллат ва элатларнинг тилида мавжуд бўлиб, унга юздан ортиқ таърифлар берилган. Ушбу таърифларда шахс, халқ ва давлат мустақиллиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар жамланган. Тарихда мустақилликни орзу қилмаган халқ, у ҳақида қайғурмаган халқ қаҳрамонларининг ўзи йўқ. Демак, мустақиллик ҳар қайси халқнинг тарихий орзуси.

Ҳозирда ҳам мустақиллик учун курашаётган халқлар бор. Шу курашлар сабаб, халқлар мустақилликни бирин-кетин қўлга киритганлар. Масалан, дунёда 1900 йилда 30 та мустақил давлат мавжуд бўлса, 1945 йилда 60 та, 1965 йилда 100 та, 1990 йилда 160 та, 1992 йилда 175 та, 1996 йилга келиб 185 тага етган. 2000 йилга келиб, яъни бир асрдан сўнг уларнинг сони 200 тадан ортди. Бугун ер юзида 6 мингдан ортиқ миллат ва элатлар яшайпти, аммо миллат ва элатларнинг айримлари ўзининг мустақил давлатига эга эмас. Ўзбек халқи ХХ асрнинг охирига келиб ўз мустақил демократик давлатига эга бўлди. Бу — ўзбек халқининг энг буюк ютуғидир.

Мустақиллик бизга нима берди, деган саволга қуйидагича жавоб берган маъқул. *Биринчидан*, мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, яъни мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқини берди. Бугун Ўзбекистон БМТ аъзоси, халқаро сиёсат ва ҳуқуқ субъекти, тенглар ичида тенг давлат. У ўзининг «Ўзбек модели» деб номланган ижтимоий тараққиёт йўлига эга.

Иккинчидан, ўзбек халқи мустақиллик туфайли «Ўзбекистон» деб аталган Ватанига эга бўлди. Собиқ советлар давридаги сенинг Ватанинг СССР, ўзбек халқи эмас, «совет халқи

бор» деган коммунистик мафкурадан воз кечилди.

Учинчидан, Ўзбекистон халқи ўзининг моддий мулкига эга бўлди. Ўзбекистоннинг ер усти ва ости умуммиллий бойликлари халқники бўлди. Халқ умуммиллий бойлиқдан давлат, шахсий, хусусий ва жамоа мулки тариқасида фойдаланяпти. Айни кунда ҳар бир инсон мулкдор. Инсон ўзлигини англабдики, у мулкдор бўлишга интилади. Чунки мулксиз инсон эрксиз, қадрсиз инсондир.

Тўртинчидан, Ўзбекистон халқининг миллий ва диний қадриятлари тикланди, адолат қарор топди, буюк маънавий меросдан баҳраманд бўлди.

Бешинчидан, Ўзбекистон халқи биринчи бор давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаига айланди.

Бугун халқ Президентни, қонун чиқарувчи Парламентни ўз хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб сайлаяпти. Уч марта Президентни, тўрт марта Парламентни сайлади. Мустақил суд ва ижро ҳокимиятларини ўзининг вакиллик органлари орқали шакллантиряпти. Фуқаролик жамияти институтлари — сиёсий партия, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тузаяпти. Бугун республикада 4 та партия, 5100 дан ортиқ нодавлат нотижорат такилотлар, 1200 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият юритяпти. Уларнинг ҳаммаси мустақиллик туфайлидир. Демак, мустақиллик бизга поймол бўлган ҳуқуқларимизни берди. Бугун эришаётган барча ютуқларимиз мустақиллик билан боғлиқ. Президентимиз уқтирганларидек, «мустақиллик — бу ҳуқуқ демақдир». Шундай экан, мустақилликни кўз қорачиғидек асраш ўзи-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

мизни, Ватанимизни асраш деганидир. Президентимиз томонидан 2010 йил 10 ноябрда эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да мустақилликни мустаҳкамлаш орқали ривожланган давлатлар қаторига кириш вазифа қилиб белгиланди. Бугун халқимиз олдида мустақилликни мустаҳкамлаш, унга қаратилган таҳдидларга қарши курашиш вазифалари турибди. Ушбу вазифаларни бажаришда янги техника ва технологияларни ривожлантириш алоҳида ўрин тутаетди. Бугун дунё миқёсида яратилаётган техника ва технологиянинг 70 %и АҚШга, 17,6 %и Японияга, 6,6 %и Германияга, 5,7 %и Буюк Британияга, 5,1 %и Францияга, 1,6 %и Хитойга тўғри келяпти. Биз мустақилликни мустаҳкамлаш деганда, ана шу давлатлар қаторида бўлишни назарда тутамиз. Шу боис, Президентимиз «Куч билим ва тафаккурда», деган ғояни илгари сурди, айна кунда таълим ва фан соҳасида кенг кўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Мустақилликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон хавфсизлигига қаратилган таҳдидлардан огоҳ бўлиш, уларга қарши курашни англатади. Юртбошимиз мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқ кучга эгаллиги ҳақида огоҳлантириб келмоқда. Бунга сабаб, мустақиллигимизга қарши қаратилган кучларнинг мавжудлигидир. Президентимиз 9 май — «Хотира ва қадрлаш куни»да оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ана шу кучлар ва улардан кутилаётган хавфхатарларга тўхталиб ўтди ҳамда қуйидагиларни таъкидлади: «Эй одамзод, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишини бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади».

Президентимиз, шунингдек интервьюсида халқимизни, айниқса ёшларни огоҳликка, ҳушёрликка, мудҳиш воқеаларни содир этишга тайёр турган кучларнинг асл башарасини очишга чақирди. Хўш, «саҳна ортида», дўст қиёфасида душманлик қилаётган «учинчи кучлар» кимлар?

Булар: биринчидан, Афғонистонда тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор бўлмаган кучлар. Маълумки, Афғонистонда 34 йилдан буён уруш кетяпти. Аммо тинчлик ҳолати ҳанузгача ўрнатилгани йўқ. Собиқ СССР, Америка, НАТО кучлари Афғонистонда тинчлик ўрнатамиз, терроризм, гиёҳвандликка барҳам берамиз, деган ваъдалар бериб Афғонистонга киришди. Аммо, натижа ижобий томонга ўзгаргани йўқ. Аксинча, ҳозир Афғонистон «терроризм маркази»га айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ўтган уч йил ичида гиёҳвандлик моддалари етиштириш Афғонистонда икки баробар кўпайган. У ерда 400 га яқин лабораторияларда (ўлим фабрикаларида) йилига 700-800 тоннагача опий тайёрланади. Бу жаҳон бўйича умумий гиёҳвандлик моддаларининг 90 фоизини ташкил этади. Бугун Европа ва жаҳон қора бозорларида сотилаётган героиннинг тўртдан уч қисми Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. Уч йилда оғу экспорти уч баробар ошган. Бугун афғон аёлларининг 85 фоизи, эркакларининг эса 51 фоизи том маънода саводсиз, қишлоқ жойларида 8—10 ёшли қизлар ҳам турмушга узатилмоқда. 100 минг кўзи ёриган аёлдан 1600 нафари вафот этмоқда, аёллар ўртача 44 йил умр кўрадилар (бизда 75 ёш), ўттиз йилдан зиёд давом этган уруш туфайли 1,5 миллион аёл бева қолган, уларнинг ўртача ёши 35 да. Биргина Қобулнинг ўзида ўттиздан ортиқ фоҳишахона бор.

Президент Ислон Каримовнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган «6+3 гуруҳи»ни тузиш, Афғонистонга қурол-яроғ сотишга эмбарго эълон қилиш, афғон халқини иш билан таъминлаш учун ишлаб чиқариш корхоналарини, йўлларни қуриш каби ташаббусли таклифлари халқаро ҳамжамият томони-

дан ҳамон жавобсиз қолдирилмоқда. Аммо, Ўзбекистон бу масалада амалий ишларни бажариб келяпти. Буни Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган Афғонистон тарихидаги илк темир йўл «Ҳайратон — Мозори Шариф» қурилиши ҳам тасдиқлаб турибди. Агар Афғонистонда тинчлик ўрнатилиб, темир йўллар қурилса, Ўзбекистон каби анклав давлатлар океанга чиқишнинг энг яқин ва энг арзон йўлига эга бўлади. Аммо, буни истамайдиган кучлар бисёр.

Иккинчидан, турли мамлакатлар, миллат ва эллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилаётган кучларнинг мавжудлиги. Бугун бу кучлар томонидан турли хил сариқ, қизил, яшил инқилоблар уюштирилмоқда. Грузия, Украина, Қирғизистондаги инқилоблар ёки ҳозирда Яқин Шарқда содир этилаётган «Араб баҳори» номли қонли тўқнашувлар, урушлар айнан ана шу кучларнинг олдиндан пухта ўйланган геосиёсий режалари асосида содир этилмоқда. Аслида мусулмон дунёсида содир бўлаётган воқеаларнинг асл номини «Араб баҳори» эмас, аксинча, «уруш» «Араб қаҳратон қиши», «фуқаролар уруши» дейилса, тўғри бўларди.

Марказий Осиёда «сув муаммоси»ни кўтариб, халқларни, давлатларни тўқнаштиришга интилаётган кучлар ҳам ана шулардир. Ҳозирдан тасаввур қилайлик, Қирғизистондаги Қамбар ота-1, Қамбар ота-2, Тожикистондаги Роғун ГЭСлари ишга тушса, қандай вазият вужудга келади? Албатта, минтақамиз нотинч ҳудудга айланади.

Учинчидан, «миллатчилик», «шовинизм», «фашизм», «оммавий маданият» каби иллатларни тарғиб қилаётган кучларнинг ҳаракатлари. Президент «Хотира майдони»даги суҳбат чоғида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага 67 йил бўлган бўлса-да, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат ҳануз илдиз отаётгани, қайта бош кўтараётгани, миллатчиликдек жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани, бундай хавф-хатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида куюниб гапирди.

Дарҳақиқат, бизга қўшни бўлган баъзи давлатларда тарихлар қайта ёзилапти, бу борада институтлар, идоралар тузилапти. Ушбу ёзилаётган китобларда бир миллат иккинчисидан устун қўйилиб, тарих сохталаштириляпти. Тарихий адоватлар, уйдирмалар ўйлаб топиляпти. Амир Темур ўзбек эмас, Исмоил Сомоний тожиқдир, Манас миллат асосчиси, давлат арбоби каби асоссиз фикрлар билдирилмоқда. Айрим адабиётларда фашизм ижобий ҳодиса сифатида талқин этилиб, Гитлер демократ дея баҳоланмоқда. Масалан, Фарбий Украинада тарих фанидан украин тилида чоп этилган мактаб дарслигида Иккинчи жаҳон урушида «украинлар Гитлер томонида туриб коммунистларга қарши курашганлар» дейила, рус тилида нашр этилган дарслиқда «украинлар коммунистлар томонида туриб, фашизмга қарши курашганлар» деган қарама-қарши фикрлар баён этилган. Бугун фашизм тарғиботчилари шарқий Европанинг Львов, Таллин, Вильнюс, шунингдек Россиянинг Санкт-Петербург, Москва шаҳарларида эркин фаолият кўрсатяпти. Улар Муссолини, Гитлер шахсини улуғловчи адабиётларни тарғиб этиб, фашизмга алоқадор кийим-кечакларни бемалол кийиб юришибди. Ваҳоланки, Германиянинг ўзида фашизмни тарғиб қилиш, унга алоқадор кийимларни кийиш тақиқланган.

Президент халқимиз эътиборини қаратган яна бир муаммо — бу шовинизмдир. Буюк давлатчилик шовинизми бугун «манфаатдор ҳудудлар», «инсон ҳуқуқлари», «демократия» байроқлари остида ёш давлатларнинг ички ишларига аралашишга уринмоқда. Айрим ёш мустақил давлатларнинг ташқи босим, таъсирга қараб ўз сиёсатини белгилаётгани ҳам ана шу шовинистик ҳаракатларнинг натижасидир. Давлатлар устидан давлат тузилмасини яратиш, «дунё давлати», «дунё фуқароси», «бир кутбли дунё» ғоялари замонавий шовинизмнинг янги кўринишларидир. Биз бундай таҳдидлардан огоҳ бўлишимиз ва уларга қарши ҳушёр туришимиз зарурдир.

Бугун «оммавий маданият» номини олган учинчи куч ҳам инсоният тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солмоқда. «Оммавий мада-

ният» бугун энг ўткир мафкуравий қуролга айланди. Ғарбнинг айрим доҳийлари «оммавий маданият»ни аста-секин портловчи минага қиёслаб, унинг кучининг ўхшаши йўқ, дея баҳолашмоқда. «Оммавий маданият» стихияли тарзда содир бўладиган ҳодиса эмас. Ҳозирда «оммавий маданият» махсус муассасалар, лабораторияларда яратилмоқда. Бундай лабораторияларда турли мишмишлар, уйдирмалар яратилиб, оқни қора, қорани оқ қилиш технологияси ўзлаштирилган.

«Оммавий маданият» назариётчилари у ёки бу давлат ёки халқни тобе қилиш учун қадриятлар тизимини бузувчи ҳаёсизлик, фаҳш, зўрликни тарғиб қилиш лозим, деган кўрсатмаларни ҳам беришяпти.

Бугун оммавий ахборот воситалари, Интернет, кино, санъат, маданият «оммавий маданият»нинг полигонига айлангани айти ҳақиқат.

Маълумки, санъат инсон меҳнатини улуғловчи, «одамийлик мулки»ни ривожлантиришга, қаратилган фаолият туридир. Инсон

маънавиятини ривожлантиришда айниқса кинонинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Дунё миқёсида бир йилда 10 мингдан зиёд кинофильмлар ишлаб чиқарилмоқда. Шуларнинг 1 мингдан зиёди АҚШнинг Голливуди маҳсулидир. Аммо, бугун дунё миқёсида ишлаб чиқарилаётган кинофильмларнинг аксарияти ахлоқ, дин талабларидан узоқлашиб, фаҳш, зўрлик, жангариликни тарғиб қилаётгани ташвишли ҳолдир.

Бунга аксарият томошабинларнинг ахлоқ, одоб мавзудаги фильмлардан кўра фаҳш, жангариликни тарғиб қилувчи фильмларни кўришни истаётгани сабаб бўлмоқда. Шу сабаб, санъат индустрияси инсонлар нималарни кўришни хоҳласалар, шунга кўра маҳсулот яратмоқда. Шу боисдан фильмларнинг ғоявий савиялари пасайиб, улар кўпроқ «оммавий маданият» тарғиботчисига айланиб қолмоқда. Бу масаланинг ечими ҳам албатта, маънавиятга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Инсонларнинг эстетик дидини, ахлоқий фазилатларини ривожлантириш орқалигина маънавий таҳдидларнинг олдини олиш мумкин.

◆ Нашрга тайёрланди ◆

Автомобилнинг умумий тузилиши: Дарслик / Акилов А.А. ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. — 142 б.

«Автомобилнинг умумий тузилиши» дарслиги «В» тоифали автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув дастурига асосан ёзилган бўлиб, ИИВ олий таълим муассасаларида автомобиль тайёргарлиги фанини ўқитиш учун мўлжалланган.

Дарсликда автомобилсозликнинг тарихи, ривожланиш босқичлари, автомобиль тизими ва механизмларининг тузилиши, ишлаши ҳамда техник (сервис) хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, уларда учрайдиган айрим носозликлар баён этилган. Шунингдек, республикамиз ва чет давлатларда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар тўғрисида ҳам баъзи маълумотлар берилган.

ИИВ олий таълим муассасаларининг тингловчилари, курсантлари ва кенг қизиқувчилар оммасига мўлжалланган.

Р. Кабулов*,
Б. Акрамходжаев**

ОБ ИЗМЕНЕНИЯХ В ИНСТИТУТЕ ОТСТРАНЕНИЯ ОБВИНЯЕМОГО ОТ ДОЛЖНОСТИ В ХОДЕ РАССЛЕДОВАНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА

Дальнейшая либерализация уголовного и уголовно-процессуального законодательства и последовательная судебно-правовая реформа, проводимые государством в целях обеспечения прав и законных интересов человека, несомненно, способствуют созданию более благоприятного правового климата, укреплению законности, реализации конституционных гарантий прав личности, демократизируют уголовно-процессуальные отношения, что в конечном итоге способствует усилению судебной власти в Узбекистане. Подтверждением указанного является доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса от 12 ноября 2010 г. «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране»¹, в котором предлагалось внести изменения и дополнения в 29 и 31 главы Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан, предусмотрев порядок, в соответствии с которым такие меры процессуального принуждения, применяемые на стадии досудебного производства, как отстранение от должности и помещение лица в медицинское учреждение, могут быть осуществлены только с санкции судьи.

Отмечалось, что передача этих полномочий от прокурора органам суда позволит усилить судебный контроль при производстве

дознания и предварительного следствия, расширить сферу применения института «Хабеас корпус» в уголовном процессе, обеспечить реализацию общепризнанных принципов и норм международного права в области защиты прав и свобод граждан.

Во исполнение изложенных в Концепции положений об изменении порядка отстранения обвиняемого от занимаемой должности Законодательной палатой Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 12 июля 2012 г. был принят Закон «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим реформированием судебной системы», который был одобрен Сенатом Олий Мажлиса 30 августа 2012 г. и утвержден Президентом Республики Узбекистан 18 сентября 2012 г.²

Изучение содержания данного Закона показывает, что в институте отстранения обвиняемого от должности произошли существенные изменения в сторону активизации судебной власти, дальнейшему усилению гарантий обвиняемого в ходе расследования уголовного дела по вопросам необоснованного отстранения лица от должности, включая возрастание правовой роли защитника на предварительном следствии.

В этой связи проанализируем статьи 255-259 УПК Республики Узбекистан, которые регламентируют осуществление мер процес-

* Начальник кафедры уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор.

** Доцент кафедры уголовного процесса Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

¹ Каримов И.А. Дальнейшее углубление демократических реформ и формирование гражданского общества — основной критерий развития нашей страны. Т.19. — Т., 2011. — С. 59—60.

² См.: Собрание законодательства Республики Узбекистан. — 2012. — № 38. — С. 433.

суального принуждения в виде отстранения обвиняемого от должности.

Так, в новой редакции ст.255 УПК, говорится об основаниях и сроках отстранения обвиняемого, подсудимого от должности, где указывается, что «обвиняемый, подсудимый могут быть отстранены от должности, если имеются достаточные основания полагать, что они, оставаясь на прежней работе, будут препятствовать установлению истины по уголовному делу или возмещению ущерба, причиненного преступлением, либо будут продолжать преступную деятельность.

Вопрос об отстранении обвиняемого от должности решается судом в порядке, установленном настоящей главой, а подсудимого — в порядке, предусмотренном статьями 423, 438 настоящего Кодекса.

Отстранение обвиняемого, подсудимого от должности применяется на период времени до отпадения обстоятельств, явившихся основанием для применения данной меры процессуального принуждения.

Мера процессуального принуждения в виде отстранения обвиняемого, подсудимого от должности отменяется следователем, прокурором, судом с обязательным информированием суда, вынесшего решение.

В случае отказа в применении меры процессуального принуждения в виде отстранения обвиняемого от должности или ее отмены повторное обращение в суд по данному вопросу в отношении одного и того же обвиняемого допускается при возникновении новых обстоятельств, явившихся основанием для отстранения от должности».

Сравнительно-правовой анализ старой и новой редакций статьи 255 УПК позволяет констатировать, что смысл и содержание ее претерпели существенные изменения, так как в новой редакции получили свое отражение вопросы о том, на какой период эта мера может быть применена (на период времени до отпадения обстоятельств, явившихся основанием для её применения) и кем она может быть отменена (следователем, прокурором и судом), включая и обязанности долж-

ностных лиц, связанные с отменой данной меры (с обязательным информированием суда, вынесшего решение.). Причем, в случае отказа в применении меры процессуального принуждения в виде отстранения обвиняемого от должности или ее отмены повторное обращение в суд по данному вопросу в отношении одного и того же обвиняемого допускается при возникновении новых обстоятельств, явившихся основанием для отстранения от должности.

На наш взгляд, в практической деятельности судов при решении данного вопроса будут возникать вопросы о том, какие новые обстоятельства могут явиться основанием для отстранения от должности обвиняемого. Содержание этих проблем и возможности их решения будут напрямую связываться с определением понятия «новые обстоятельства», которые будут возникать при отказе в применении данной меры процессуального принуждения либо в случае отмены отстранения обвиняемого от должности. Законодатель, учитывая такие ситуации, предусмотрел повторное обращение следователя в суд, когда отказано в применении этой меры, либо в случае ее отмены. Представляется, что эти обстоятельства не должны отличаться от оснований, указанных в ст.255 УПК, что, оставаясь на прежней работе, обвиняемые будут препятствовать установлению истины по уголовному делу или возмещению ущерба, причиненного преступлением, либо будут продолжать преступную деятельность.

Изучение содержания статьи 256 УПК позволяет сделать вывод о том, что при установлении прокурором, следователем оснований для отстранения обвиняемого от должности, они должны вынести постановление о возбуждении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности с обязательным изложением оснований применения данной меры процессуального принуждения. В этом процессуальном документе указываются необходимые реквизиты постановления и требование о том, чтобы имелись

необходимые материалы, обосновывающие ходатайство. Причем процедура направления указанного документа прокурору связана с полномочиями последнего дать свое согласие на применение данной меры процессуального принуждения. В случае согласия на применение такой меры прокурор направляет материалы дела в суд.

Анализ названия и содержания ст.256 УПК, в отличие от её старой формулировки, демонстрирует разительную перемену смысла и содержания закона. Если в старой редакции данная норма называлась «постановление или определение об отстранении обвиняемого, подсудимого от должности» и её смысл заключался в необходимости санкционирования данной меры процессуального принуждения прокурором, в случае вынесения постановления об отстранении от должности дознавателем или следователем, то в названии статьи в новой редакции говорится «о возбуждении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности на стадии досудебного производства». Законодатель при определении нового названия действующей ст.256 УПК не только определил, какой документ должен быть вынесен, но и указал на пределы вынесения данного процессуального документа, ограничив его стадиями досудебного производства.

Обращение к первой части данной нормы демонстрирует насколько законодатель обоснованно подошел к избранию данной меры процессуального принуждения, ибо в старой редакции нормы говорится о факте принятия решения об отстранении от должности обвиняемого (подсудимого), которое оформляется постановлением дознавателя, следователя, прокурора или определением суда. В новой редакции части первой ст.256 УПК законодатель иначе ставит вопрос, а именно: при наличии оснований (указанных в ст.255 УПК. — *Р.К. и Б.А.*) для отстранения обвиняемого от должности прокурор, следователь выносит постановление о возбуждении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности с изложением оснований применения данной меры процессуального принуждения.

Следовательно, законодатель требует для отстранения от должности: наличия соответствующего основания для отстранения от должности обвиняемого; вынесения при наличии такого основания постановления о возбуждении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности; в данном документе в обязательном порядке должны быть указаны основания применения указанной меры процессуального принуждения.

Часть вторая ст.256 УПК как в старой, так и в новой редакции посвящается реквизитам постановления о применении данной меры процессуального принуждения, причем в старой редакции указываются реквизиты сразу двух процессуальных документов: постановления и определения об отстранении от должности, тогда как в новой редакции речь идет только об одном процессуальном документе — постановлении о возбуждении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности.

Различия в реквизитах указанных документов состоит в том, что в старой редакции указывается лицо, отстраняемое от должности, в то время как в новой речь идет о сведениях о лице, отстраняемом от должности. Таким образом, объем информации, заложенный в новой редакции относительно субъекта, в отношении которого выносится решение об отстранении от должности, является наиболее информативным по сравнению со старой редакцией части второй ст.256 УПК, за исключением информации о месте работы и основания отстранения от должности, которые не претерпели никаких изменений.

Вместе с тем в старой редакции части второй ст.256 УПК указывается требование отстранить обвиняемого, подсудимого от должности, адресованное компетентному руководителю предприятия, учреждения, организации, в то время как в новой редакции части второй ст.256 УПК данное требование исключено. Вместо этого новая редакция части второй ст.256 УПК указывает на сведения о том, что к постановлению прилагаются необходимые материалы, обосновы-

вающие ходатайство. Данная формулировка, на наш взгляд, несомненно, увеличивает обоснованность принятого решения об отстранении лица от должности.

В отношении части третьей старой и новой редакции ст.256 следует отметить, что их содержание не идентично, ибо если в старой редакции нормы говорится о том, что постановление или определение об отстранении обвиняемого, подсудимого от должности обязательно для руководителя предприятия, учреждения, организации, который по получении постановления или определения обязан немедленно его исполнить и уведомить об этом дознавателя, следователя, прокурора или суд, которые приняли данное решение, то в новой редакции указанной нормы имеется краткая информация о том, что постановление следователя о возбуждении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности и необходимые материалы направляются прокурору. Следовательно, новая редакция свидетельствует об ином процессуальном порядке отстранения от должности, которое сопровождается после вынесения решения об отстранении от должности необходимым действием дознавателя или следователя направить постановление о возбуждении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности и необходимые материалы непосредственно прокурору.

В новой редакции ст.256 УПК появилась четвертая часть, которая отсутствовала в старой редакции данной нормы. Вышеуказанная новелла возлагает на прокурора обязанность проверить обоснованность ходатайства об отстранении обвиняемого от должности и в случае согласия с ним направить постановление о возбуждении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности и необходимые материалы в суд. Следовательно, прокурор не ограничивает себя только лишь ознакомлением с данным постановлением, а обременен необходимостью проверить обоснованность ходатайства об отстранении обвиняемого от должности, что создает правовые гарантии

против необоснованного отстранения лица от занимаемой должности.

Стало быть, законодатель более весомо и обстоятельно подошел к вопросам отстранения обвиняемого от должности. Данный вывод подтверждается и новой редакцией ст. 257 УПК. В ней отражена правовая инновация — порядок разрешения новейшего процессуального документа — ходатайства об отстранении обвиняемого от должности.

Указанный порядок связан с деятельностью судьи районного (городского) суда по уголовным делам, который единолично рассматривает данный документ. Законодатель учитывает и такие случаи, когда рассмотрение дела может происходить и без участия этого судьи (когда такой судья отсутствует по месту работы в связи с болезнью или нахождением в отпуске либо по иной причине). В таком случае ходатайство рассматривает судья другого соответствующего суда по указанию председателя Верховного суда Республики Каракалпакстан по уголовным делам, председателя областного суда по уголовным делам или председателя Ташкентского городского суда, а также председателя Военного суда Республики Узбекистан.

Законодатель в данной норме указал на условия проведения судебного заседания при решении вопроса об отстранении обвиняемого от должности, предусмотрев, что данный вопрос рассматривается в закрытом судебном заседании. Причем судья обязан рассмотреть данный вопрос не позднее сорока восьми часов с момента поступления материалов.

Новая процедура также предусмотрела обеспечение интересов заинтересованных сторон, ибо судья для решения данного вопроса вызывает прокурора, обвиняемого и его защитника, законного представителя, а при необходимости может быть приглашен и следователь, осуществляющий расследование по данному уголовному делу. Причем неявка указанных лиц не является препятствием суду для рассмотрения вышеуказанного ходатайства.

Порядок рассмотрения также представляется наиболее оптимальным, так как он

начинается с доклада прокурора, обосновывающего необходимость применения этой меры принуждения.

Суд, сохраняя объективное и беспристрастное решение вопроса об отстранении обвиняемого от должности, заслушивает также мнение обвиняемого, защитника и других лиц, явившихся в суд, включая и непосредственное ознакомление с представленными материалами. Только после этого судья может удалиться в отдельную комнату для вынесения соответствующего определения.

Таким образом, различия между старой и новой редакциями ст. 257 УПК существенны, ибо старое и новое название данной нормы не совпадает между собой ни по смыслу, ни по содержанию. В первой законодатель подчеркивает срок действия постановления или определения об отстранении обвиняемого, подсудимого от должности, в то время как в новой редакции речь идет о рассмотрении ходатайства об отстранении обвиняемого от должности, причем процедура такого рассмотрения в старой редакции не имеется и представляет существенную процессуальную новизну.

Обращаясь к новой редакции ст. 258 УПК, посвященной определению суда об отстранении от должности, необходимо указать на то, что она не имеет каких-либо аналогов со старой редакцией ст. 258 УПК, называвшейся «Обжалование постановления или определения об отстранении обвиняемого, подсудимого от должности».

Новая редакция ст. 258 УПК обстоятельно описывает действия судьи, рассмотревшего ходатайство об отстранении обвиняемого от должности, причем, законодатель четко разделяет решение судьи по данному вопросу на два противоположных варианта. По первому варианту судья выносит определение об отстранении обвиняемого от должности. Вторым вариантом действий судьи связывается с вынесением им определения об отказе в отстранении обвиняемого от должности.

Следует отметить, что законодатель четко формулирует реквизиты постановления об

отстранении обвиняемого от должности: 1) сведения о лице, отстраняемом от должности; 2) его место работы; 3) основания отстранения от должности; 4) требование об отстранении обвиняемого от должности, предъявляемое руководителю соответствующего предприятия, учреждения, организации.

Обязательным условием осуществления данной процессуальной меры принуждения судом является и то, что к определению суда об отстранении от должности предъявляется требование о его мотивированности. Иными словами, требование обоснованности вынесенного судом определения об отстранении обвиняемого от должности не должно вызывать каких-либо сомнений в правильности принятого решения.

Следующим существенным моментом, позволяющим исключить какие бы то ни было споры об отстранении лица от должности, является юридическая сила принятого определения. Законодатель указывает, что определение судьи об отстранении обвиняемого от должности вступает в силу с момента его оглашения. Таким образом, момент оглашения судьей определения суда об отстранении от должности обвиняемого гарантирует факт вступления в законную силу данного определения. Причем после оглашения данного документа определение суда направляется руководителю соответствующего предприятия, учреждения, организации для исполнения, а прокурору, обвиняемому, защитнику — для сведения.

Одной из гарантий против необоснованного принятия определения об отстранении от должности является условие, направленное на обеспечение законных интересов и прав лиц, участвующих при решении судом вопроса об отстранении обвиняемого от должности. Указанное обеспечение состоит в том, что определение судьи, предусмотренное в части первой ст. 258 УПК, может быть обжаловано обвиняемым, его защитником и законным представителем, руководителем соответствующего предприятия, учреждения, организации, где работал обвиняемый, отстраненный от должности, либо опротестовано

прокурором в апелляционном порядке в течение семидесяти двух часов со дня его вынесения.

При этом жалоба, протест подаются через суд, вынесший определение, который обязан в течение сорока восьми часов направить их вместе с материалами в суд апелляционной инстанции.

Законодатель указывает, что подача жалобы или протеста не приостанавливает исполнение определения суда об отстранении обвиняемого от должности. Суд апелляционной инстанции должен рассмотреть указанные материалы с жалобой или протестом не позднее семидесяти двух часов с момента их поступления.

Суд апелляционной инстанции, рассмотрев апелляционную жалобу, протест, своим определением может оставить определение судьи без изменения, а жалобу или протест — без удовлетворения, либо может отменить определение судьи и применить в отношении обвиняемого меру процессуального принуждения в виде отстранения от должности или отменить указанную меру процессуального принуждения.

И, наконец, ст. 259 УПК в новой редакции называется: «Исполнение определения об отстранении обвиняемого, подсудимого от должности», которая гласит, что «определение суда об отстранении обвиняемого, подсудимого от должности обязательно для руководителя

предприятия, учреждения, организации, который по получении определения обязан немедленно его исполнить и уведомить об этом следователя, прокурора и суд».

Данная норма имеет уголовно-правовую гарантию, а именно: в случае уклонения должностного лица от исполнения определения суда об отстранении обвиняемого от должности его деяние образует состав преступления, предусмотренный ч. 2 ст. 232 УК, устанавливающий ответственность за неисполнение судебного акта.

Таким образом, еще раз подтверждаются слова Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова о том, что «реализован комплекс организационно-правовых мер, направленных на последовательное укрепление судебной власти, обеспечение независимости, самостоятельности суда, превращение его из органа орудия репрессий и карательного аппарата в прошлом в подлинно независимый институт государства, призванный надежно охранять и защищать права и свободы человека и гражданина»¹. Наделение суда правом санкционировать применение процессуальной меры принуждения — отстранения обвиняемого от должности — является реализацией важнейших положений, изложенных в Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране.

¹ Каримов И. А. Дальнейшее углубление демократических реформ и формирование гражданского общества — основной критерий развития нашей страны. Т.19. — Т., 2011. — С.50.

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон олий қадрият ҳисобланиши, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ҳуқуқий мустаҳкамланган. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ноқонуний тарзда чеклашнинг олдини олиш, шахсий ҳаётига асоссиз равишда аралашишдан ҳимоя қилиш, шахсий дахлсизлик, шунингдек одил судловга эришиш ҳуқуқларини самарали таъминлаш ва ҳимоя қилиш қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилишининг мақсадидир. Қайд этиш жоизки, ушбу ҳаракатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилди.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»¹ги 2005 йил 8 август фармони эълон қилингандан сўнг, ушбу масала мутахассислар, олимлар, амалиётчи ходимлар, жамоатчилик жалб қилинган ҳолда узоқ вақт мобайнида ва кенг кўламда муҳокама қилинди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»²ги қонуни² (2008 йил 1 январдан кучга кирган) билан ҳуқуқий тартибга солинди.

«Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилиши принципал қадам бўлди³. Чунки одил суд фаолияти батафсил тартибга солиниб, қарор қабул қилиш тартиби аниқ баён этилади. Қабул қилинган қарорлар устидан шикоятларни кўриб чиқиш тарафлар иштирокида амалга оширилади. Бу эса муайян мансабдор шахснинг яққаболчиликдаги ваколатига чек қўйилиши натижасида ушбу институтнинг ҳуқуқий йўналишини тубдан ўзгартирди ва жиноят судлов ишларининг оммавий мақсадларига хизмат қилиши даражаси кўтарилишига эришилди.

Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам бунга яққол тасдиқлаб турибди⁴. Жумладан, 2008 йил мобайнида прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тартибидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида 16 610 та илтимоснома киритилган. Юқорида кўрсатилган илтимосномалардан 338 таси қондирилган, 348 таси эса рад қилинган⁵.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони // *Халқ сўзи*. — 2005. — 9 авг.

² Ўзбекистон Республикаси «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // *Улим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами*. — Т., 2007. — Б.18—34.

³ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.25.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Қаранг: *Кадыров Р.Х.* Защита прав и свобод граждан является приоритетной задачей каждого демократического государства // *Народное слово*. — 2009. — 6 марта.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қаноатлантирилган илтимосномалар сони 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 19,6 фоизга камайган бўлса, 2011 йилда олдинги йилга нисбатан 28,3 фоизга камайган¹.

Юқорида келтирилгандан кўришиб турибдики, қамоққа олишнинг янги тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида назарда тутилган жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичларида фуқароларнинг узвий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг қонунийлиги, асосланганлиги устидан суд контролини амалга оширишнинг ҳақиқий кафолати бўлиб, жиноят процессида шахс мақомининг янада мустаҳкамланишига ҳамда дастлабки тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликнинг қарор топишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш вазибаларини самарали ҳал қилишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар қаторида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этди. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилаётгани, ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириши, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беришини, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилиши таъминланишини таъкидлади.

Ушбу вазибаларни ижро этиш зарурияти қонун чиқарувчи ҳокимият органлари, судлар,

ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, шунингдек ҳуқуқшунос олимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бунда амалдаги процессуал қонунчиликка киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар юқорида таъкидланган принциплар доирасида шакллантирилиши ва амалиётда қўлланилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўзғатиш, уни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг реал, ишчан механизминини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Ушбу процессуал мажбурлов чораларини қўллаш механизмида прокурорнинг муҳим ва шу билан бирга ҳуқуқни ҳимоя қилувчи вазибаларини бажариши эътибордан четда қолмаслиги зарур. Бунда бу процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани терговчи кўзғатиши ва прокурорнинг розилигини олиши белгиланиши керак.

Лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома материаллар судга келиб тушган пайтдан эътиборан 24 соатдан кечиктирмасдан судья томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Ушбу процессуал мажбурлов чораларидан бирини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ва материалларни жиноят процессининг асосий принципларига мос равишда судья яқка тартибда ва ёпиқ суд мажлисларида кўриб чиқиши керак. Илтимоснома кўриб чиқилаётганда айблов томондан прокурор ва ҳимоя томонидан ҳимоячи, шунингдек айбланувчи иштирок этиши, яъни суд мажлиси судлов ишларини кўриб чиқишнинг барча принципларига риоя қилган ҳолда ўтказилиши шарт.

Лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш тартиби судларда ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган шаклида амалга оширилиши лозим. У шундан иборатки, суд мажлиси процессуал мажбурлов чорасини қўллаш

¹ Қаранг: O'zbekiston Respublikasi Oliy sudida // <http://uza.uz/> Ўзбекистон ахборот агентлиги. 2011.11.02.

имкониятлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва айбланувчига нисбатан бундай чорани қўллаш заруратини асослаб берадиган прокурорнинг ахбороти билан бошланади. Сўнгра эса, айбланувчи ёхуд ҳимоячи бунинг аксини асослаб беради. Булардан ташқари бошқа шахслар тингланиши, шунингдек судга тақдим этилган материаллар тадқиқ этилиши мумкин. Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон жиноят процессида томонлар тенглиги ва тортишувчанликка асосланган судга қадар иш юритишнинг янги институти, яъни суд контроли намоён бўлади. Шу билан бирга, жиноят иши терговчи томонидан тергов қилинаётганлигини ва у судга шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг зарурати тўғрисидаги қўшимча маълумотларни тақдим эта олиши муносабати билан терговчининг судга чақирилиши тартибини ҳам жорий этиш керак.

Судья айбланувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш ёки тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги терговчи (прокурор)нинг илтимосномасини кўриб чиқар экан, энг аввало, ушбу шахсга нисбатан шу процессуал мажбурлов чорасини қўллаш нақадар зарурлигини ва асослантирилганлигини аниқлаши лозим. Агар айбланувчига нисбатан ушбу процессуал мажбурлов чорасини қўллашнинг асослари етарли бўлмаса, унда судья процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани рад этиши лозим.

Судья айбланувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиққанидан сўнг, қуйидаги ажримлардан бирини чиқариши лозим:

1) процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида;

2) процессуал мажбурлов чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида.

Жиноят ишини кўриб чиқишнинг натижалари бўйича биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинадиган қарор турларидан фарқли ўлароқ, лавозимдан четлаштириш ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажрим у эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ва зудлик билан ижро этила бошланиши керак.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 241-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидадан фарқли равишда, прокурор ёки айбланувчи, ҳимоячи томонидан апелляция тартибида эмас, балки кассация тартибида ажрим устидан шикоят қилинишини ва протест берилиши тартибини жорий этиш керак. Чунки ЖПКнинг 497-моддаси 1-қисмига асосан апелляция инстанцияси судлари биринчи инстанция судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим, қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текширадилар. Судга қадар иш юритув босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ва лавозимдан четлаштириш ҳамда тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажрим уни эълон қилинган пайтдан кучга кириши муносабати билан ушбу ажрим устидан тушган протест ва шикоятлар ЖПКнинг 498, 499-моддаларига асосан кассация судлари томонидан кўриб чиқилиши тартибини жорий этиш керак.

Шу билан бирга шахсни тиббий муассасада сақлаш муддатларини аниқ тартибга солиш ва уларни узайтириш ҳолатларини батафсил тавсифлаш, шунингдек узайтиришнинг аниқ тартибини белгилаш керак.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш йўналишлари сифатида бугунги кунда прокурор томонидан ўтказилишига санкция бериладиган — мурдани эксгумация қилиш (ЖПК 148-м.), эксперимент (ЖПК 154-м.), тинтув (ЖПК 161-м.), олиб қўйиш (ЖПК 161-м.), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПК 169-м.) тергов ҳаракатларини ўтказишга судлар томонидан санкция берилиши тартибининг жорий этилишини тақлиф этиш мақсадга мувофиқ.

Судга қадар иш юритишда шахс конституциявий ҳуқуқларининг чекланиши фақат суднинг санкцияси билан амалга оширилиши тартиби жорий этилганлигининг пировард мақсади - мамлакатимизда шахснинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги каби конституциявий ҳуқуқларини чеклаш масаласини ҳал этишда адолат, холислик ва беғаразликни таъминлашдир.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Истиқлол йилларида шахснинг жиноят-процессуал муносабатларда тутган ўрни ва эгаллаган мавқеига янги кўриниш берилди. Бу жиноят процессида шахснинг диспозитив ҳуқуқларини янада кенгайтириш борасидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов: «... жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди»¹, — деб таъкидлайди. 2012 йил 5 январда амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 325-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун эълон қилинди. Мазкур қонун жиноят-процессуал муносабатларда жиноят ишини кўзғатиш ёки кўзғатмаслик масаласини жабрланувчининг манфаатлари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш тартибини белгилаб берди. Бу жиноят процессида шахс диспозитив ҳуқуқларининг янада кенгайишига, шунингдек хусусий айблов институтининг ривожланишига хизмат қилмоқда.

Мазкур институтнинг ижобий томонлари қуйидагиларда кўринади:

- ушбу институтнинг жорий қилиниши жабрланувчи билан жиноят содир этган шахс ўртасидаги низоли вазиятни жиноий жавобгарлик чораларини қўлламасдан ҳал қилиш имконини беради;
- содир этилган қилмиш оқибатида етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишига хизмат қилади. Зеро, жабрланувчининг жиноят

содир этган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишини сўрамаслиги жиноят ишини кўзғатишни рад қилишнинг асосий шarti бўлиб ҳисобланади;

- жиноят-процессуал муносабатларни янада эркинлаштириб, ЖПК олдида турган мақсадларга янада тезроқ ва енгилроқ эришиш имкониятини вужудга келтиради²;

- жиноят кўчасига «адашиб кириб қолган» шахсларга ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, жиноий жавобгарликдан озод бўлиш, судланганлик «тамғасидан» қутулиб қолиш имконини беради;

- ҳар қайси қонуннинг икки таянчи бўлиб, бири жазо, иккинчиси рағбатдан иборатлиги нуқтаи назаридан ёндашганда, қонуншунос бундай ҳолатда қонуннинг рағбатлантирувчи жиҳатига кўпроқ урғу берган. Зеро, мазкур институт нормаларини қўллаб, шахснинг жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурий шартларидан бири — жиноят содир этган шахснинг ўз айбига иқроор бўлишидир. Бу эса, шахснинг суриштирув ҳамда тергов органлари билан фаол ҳамкорлик қилишини тақозо этади;

- жиноят ишини юритишга масъул бўлган органларнинг (суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суд) асосий эътиборини оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни тергов қилишга қаратишга имкон яратади;

- жазони ижро этиш муассасаларида суднинг айблов ҳукми билан жазо ўтайдиган маҳкумлар сони кўпайиб кетишининг олдини олади;

- «Энг яхши қонунлар урф-одатлардан пайдо бўлади», деган нақл бежиз эмас. Зеро,

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг доценти, юридик фанлар номзоди.

¹ Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. — Т., 2011. — Б.58.

² Қаранг: Муслимов А.Э. Диспозитивность в уголовном процессе Республики Казахстан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Алматы, 2004. — С.14.

кечиримлилик халқимизга хос эзгу фази-латдир. Айнан мазкур омил ўрганилаётган институтнинг юртимизда самарали қўлланилишида қўл келмоқда. Бунинг исботини қуйидаги рақамлардан билиб олиш мумкин: ЖПКнинг 325-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигига кўп муддат бўлмаса-да, бугунга қадар фақат Фарғона вилояти ИИБнинг суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан айнан мазкур асосга таяниб, 200 га яқин ҳолатларда жиноят ишини қўзғатиш рад қилинди¹;

• қолаверса, мазкур институт фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларда амалдаги қонун нормалари ва ваколатли мансабдор шахслар фаолиятига нисбатан ишончни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан икки минг йил аввал буюк ҳуқуқшунос, нотиқ Цицерон: «Қонуншунос қонунни ўйлаб топмайди, балки амалда ижро этилаётган қоидаларга расмий тус бериш билан қонунни кашф этади», — дея қайд этган. Дарҳақиқат, мазкур институт айнан тергов амалиётида жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар ўрганилиб, уларни ҳал этиш йўлида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалдаги ЖПКга киритилиши туфайли вужудга келди десак, бўлади.

ЖПКнинг 325-моддасида белгиланган ҳолатлар ва мазкур қонуннинг 84-моддаси биринчи қисми 6-банди билан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тартиби ва шартлари қуйидагилардан иборат:

— биринчидан, содир этилган жиноят ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган бўлиши шарт. Бундай жиноятлар сирасига қуйидагилар киради: 105-моддасининг биринчи қисми (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш); 109-моддаси (қасддан баданга енгил шикаст етказиш); 110-моддасининг биринчи қисми (қийнаш); 111-моддаси (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш); 118-моддасининг биринчи қисми (номусга тегиш); 119-моддасининг биринчи қисми (жинсий эҳтиёжни ғайритабиий равишда

қондириш); 121-моддасининг биринчи қисми (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш); 136-моддаси (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш); 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари (туҳмат); 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари (ҳақорат қилиш); 149-моддаси (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш). Агар содир этилган жиноят ЖПКнинг 325-моддасида белгиланмаган бўлса, ўрганилаётган асос билан жиноят ишини рад қилиш мумкин эмас;

— иккинчидан, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш учун жабрланувчи айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб шикоят аризасини бермаслиги мумкин. Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолатларда, прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт.

Агар юқорида санаб ўтилган жиноят таркиблари бўйича жабрланувчи ариза бермаса, ҳолат бўйича суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига асосланиб, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор чиқаради. Шу билан бирга, назаримизда, ЖПКнинг 325-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни қўллаш процессуал тартиби билан боғлиқ ҳолатлар амалдаги қонун нормалари билан тўлиқ тартибга солинмаганлиги боис, тергов амалиётида турли хил тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Улар қуйидагилар:

Биринчи ҳолат: ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳолат бўйича мазкур қонуннинг 84-моддаси биринчи қисми 6-банди билан рад қилинган қилмиш жиноят сифатида эътироф этиладими?

Фикримизча, бу ҳолат жиноят сифатида эътироф этилиши шарт. Чунки, қонуншунос ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятларни ЖҚдан жиноят сифатида чиқариб ташламади, балки улар бўйича фақат жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик

¹ Фарғона вилояти ТБ суриштирувчи ва терговчилари ўртасида ўтказилган сўровлар натижаларидан.

масаласини ҳал этишни жабрланувчининг ихтиёрига ҳавола этди.

Мазкур масала тўғридан-тўғри қонун нормалари билан эмас, балки қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солиниши ҳамда бугунги кунга қадар мазкур ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги сабабли, тергов амалиётида ушбу масала бўйича турли хил тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. «ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳолат юзага келса, қилмиш жиноят сифатида рўйхатдан ўтиши керакми?», деган савол билан амалиёт ходимларига мурожаат қилганимизда, уларнинг аксарияти бу қилмишни жиноят сифатида рўйхатдан ўтказиш шарт эмаслигини, зеро қонуншунос айнан шунинг учун ҳам ЖКдаги 11 та жиноят таркибини 325-моддада қайд этганлигини эътироф этди¹. Билдирилган фикрларни тўғри деб бўлмади, чунки юқорида қайд этганимиздек, қонуншунос бу қилмишларни жиноят сифатида ЖКдан чиқариб ташламади, балки, улар бўйича ишни қўзғатиш масаласини ҳал этишни жабрланувчининг ихтиёрига ҳавола этиш билан чекланди. Бунда фикримизни қуйидаги икки омил билан асослашга ҳаракат қиламиз:

1) масалага чуқурроқ ёндашилса, шахс ЖКнинг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятни (мисол учун 105-модданинг биринчи қисмини) қасддан содир этади. Бу билан шахс ўзининг ижтимоий хавфлилигини кўрсатади. Фақатгина жабрланувчининг кечирishi ҳисобига, жиноятчига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш рад қилинади. Лекин бунда мазкур шахсни жиноят ишида айбсиз бўлган шахсга тенглаштириш нотўғридир;

2) ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган ҳолат бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асоси, мазмунан чиқарилган амнистия акти билан жиноят ишини рад қилиш асосига жуда ҳам ўхшашдир. Агар, ЖПКнинг 325-моддасига мос ҳолда жабрланувчи кечирса, Ўзбекистон Республикаси номидан Олий Мажлис Сенатининг қарори, амнистия актида кечирилган бўлиши талаб этилади. Эътиборли томони шундаки, жиноят ишини қўзғатиш масаласи амнистия акти билан рад этилганда,

мазкур қилмиш жиноят сифатида рўйхатга қўйилади. Лекин, шунга ўхшаш бўлган ҳолатда, яъни жабрланувчи кечирган вазиятда баъзан қилмиш жиноят сифатида рўйхатдан ўтказилмай келинмоқда. Назаримизда, ЖПКнинг 325-моддаси асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилишда ҳам қилмиш жиноят сифатида рўйхатга қўйилиши шарт. Айнан мазкур ҳолатнинг тўлиқ тартибга солилмаганлиги, тергов амалиётида ушбу асос билан боғлиқ қонун нормаларининг турлича қўлланишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, баъзи ҳудудларда ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган ҳолат вужудга келса, жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми олтинчи бандига асосан, бошқа ҳудудларда эса, ЖПКнинг 83-моддаси билан рад қилиш ҳақида қарорлар чиқарилмоқда.

Фикримизча, ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган ҳолат аниқланадиган бўлса, ЖПК 84-моддасининг биринчи қисми 6-банди асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор чиқарилиши лозим.

ЖПКнинг 325-моддасида акс этган ҳолатлар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор аксарият вазиятларда суриштирув органлари (профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув хизмати ходимлари) томонидан чиқарилмоқда. Тергов амалиётида қилмишни жиноят сифатида рўйхатга қўйиш учун тузиладиган карточкалар, одатда терговчилар томонидан тўлдирилиб келинаётганлиги сабабли, суриштирув органларининг ходимлари карточкаларни тўлдириш ва қилмишни жиноят сифатида рўйхатга қўйиш кўникмасини ўзлаштирмаганлар. Айнан мазкур ҳаракат ушбу соҳада бажарилиши лозим бўлган тадбир бўлгани боис, суриштирув органлари ходимларига қилмишни жиноят сифатида рўйхатга қўйишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўргатувчи махсус ўқув машғулотларини режа асосида ташкил этиш зарур.

Иккинчи ҳолат: ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар ИИБнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилиб, мазкур хабар асосида терговга қадар

² Фарғона вилояти ТБ суриштирувчи ва терговчилари ўртасида ўтказилган сўровлар натижаларидан.

барча суриштирув ва тергов ҳаракатлари ўтказилиши талаб этилади. Зеро, содир этилган қилмиш айнан ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби эканлигига шубҳа қолмаслиги шарт. Бунинг учун эса, ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида жиноят ишини қўзғатиш рад қилгунга қадар қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- *ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш.* Мазкур тергов ҳаракатининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши содир этилган жиноят кимлар томонидан (жиноятни содир этган шахсларнинг сони), қачон, қаерда (жамоат жойидами) ва қандай шароитларда содир этилганлигини аниқлаб олишнинг имконини беради. Лекин, амалиёт ходимларининг 325-моддада назарда тутилган асос билан рад этган иш материаллари ўрганганилганда (шикаст етказиш жиноятлари бўйича), уларнинг аксариятида, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилмаганлиги аниқланди. Ваҳоланки, ушбу тергов ҳаракати давомида олинган маълумотлар, шахснинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, агар ЖКнинг 105, 118, 119-моддаларида назарда тутилган жиноятлар икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан содир этилганлиги маълум бўлса, ушбу ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади ва ишни ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 6-банди билан рад қилиб бўлмайди;

- *жабрланувчидан ҳолат бўйича тушунтириш олиш.* Дарҳақиқат, қонуншунос жабрланувчига ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича ариза бериш ёки бермаслик ҳуқуқини кафолатлаб қўйган. Лекин, мазкур шахсдан ҳолат бўйича тушунтириш олишни (тушунтириш хати шаклида) тақиқламаган. Шунинг учун ҳам, ишни юритаётган мансабдор ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича жабрланувчи ариза ёзишдан бош тортган ҳолатда ҳам, ундан тушунтириш хатини олиши шарт. Айни кунда аксарият ҳолларда суриштирув органлари мазкур турдаги ишлар бўйича гувоҳлар ва жиноят содир этганликда гумон қилинган шахсларнинг тушунтириш хатларини олиш билангина чекланиб қолмоқда;

- *жиноят натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлаш.* Жиноят натижасида

етказилган зарар миқдорини аниқлаш баъзи ҳолатларда тегишли қилмишнинг квалификациясига тўғридан-тўғри таъсир этиши мумкинлиги туфайли, 325-модда билан рад қилишда муҳим бўлиб ҳисобланади. Айнан мазкур омил рад этилаётган ҳар қайси иш бўйича етказилган зарар миқдорини аниқлаш лозимлигини тақозо этади;

- *жиноят содир этган шахснинг мақсад ва мотивларини аниқлаш.* Ҳар бир ҳолатда ишни юритаётган мансабдор шахс жиноятни содир этишда шахснинг мақсад ва мотивлари нималардан иборат бўлганлигини аниқлаб олиши зарур. Зеро, агар ЖКнинг 105, 139-моддаларида назарда тутилган жиноятлар тамагирлик, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, жиноят ишини қўзғатишни 325-модданинг талаблари бўйича рад қилиш мумкин эмас;

- *экспертиза тайинлаш.* ЖПКнинг 173-моддасида экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлар белгилаб қўйилган. Айнан мазкур норма биринчи қисмининг биринчи бандида етказилган тан жароҳатининг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказилиши шарт этиб белгиланган. Лекин республикамизнинг баъзи ҳудудларида (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида) суриштирув бўлимлари томонидан рад этилган ишларни ўрганганимизда (баданга турли шикастлар етказиш бўйича), етказилган шикастнинг хусусияти ва унинг оғирлик даражасини аниқлаш бўйича экспертизалар ўтказилмаганлиги аниқланди. Ишни юритган мансабдор шахс, бу ҳолатда жабрланувчиларнинг экспертизадан ўтишдан бўйин товлаганлиги тўғрисида баённома тузиш билан чекланиб, жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддаси иккинчи банди билан рад қилганлар. Бу ҳаракатлари билан улар, назаримизда, қонун нормалари талабларини қўпол равишда бузиб, ҳисобга қўйилиши лозим бўлган жиноятни ҳисобга қўймаганлар. Ваҳоланки, юқорида қайд этганимиздек, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказилиши шарт бўлиб, агар жабрланувчи ихтиёрий равишда экспертизадан ўтмаса ёки ўтишдан бўйин товласа, амалдаги ЖПКнинг 180-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчининг қарори асо-

сида, мажбурий равишда ўтказилиши керак. Бу эса, етказилган ҳар бир тан жароҳатлари билан боғлиқ вазиятларда экспертиза ўтказилишини мажбурий қилиб белгилайди;

- жабрланувчининг ўзига хос белгиларини ўрганиш (ёши, жиноят содир этган шахсга қариндошлиги, ҳомиладорлиги ва бошқ). Бу белгиларни ўрганиш 325-моддаси билан ишни рад қилишда жуда муҳим саналади. Чунки, агар жабрланувчининг ЖКнинг 105-моддаси бўйича «ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлса», 118 ва 119-моддалар бўйича «вояга етмаган бўлса», ишни ўрганилаётган асос билан рад этиш мумкин эмас. Зеро бундай белгилар ЖКнинг 105, 118 ва 119-моддаларида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланган;

- *жиноят содир этган шахснинг бармоқ изларидан намуна олиш.* Олинган бармоқ изларини ҳодиса содир бўлган жойдан топилган излар билан ҳамда криминалистик бўлимларда мавжуд махсус дастурлар ёрдамида текшириб, шахснинг муқаддам жиноят содир этган ёки этмаганлиги аниқлаб олиниши шарт. Сабаби, судланганлик ҳолатида бўлгани каби, бу вазиятда ҳам агар шахс муқаддам мазкур турдаги жиноятларни содир этган (ва улар учун жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган) бўлса ва бу қилмишни оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланишига олиб келса, жиноят ишини ЖК 325-моддасининг талаблари асосида рад қилиш мумкин эмас.

Учинчи ҳолат: ЖКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноятлар содир бўлганда, ишни юритаётган мансабдор шахс томонидан олиб борилиши керак бўлган ҳаракатлар кетмакетлиги, тузилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар тизими амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларида ўз ифодасини топмаган. Бу эса, юртимизда ўрганилаётган асос билан рад этилаётган ишларнинг мазмунан ва шаклан турли хил бўлишига, бирида мавжуд процессуал ҳужжатнинг иккинчисида йўқлигига олиб келмоқда. Энг муҳими, бундай масалалар қонун ёки қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинмаганлиги туфайли, уларни тўғри ёки нотўғри, дея эътироф этиб бўлмайди. Айнан мазкур омил, ЖКнинг 325-моддаси бўйича тузилиши зарур бўлган процессуал ҳужжатлар тизимининг ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Назаримизда, бундай ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Баённома, ушбу ҳужжатда:

- жабрланувчининг шикоят аризасини бериш ёки бермаслик ҳуқуқига эгалиги;

- содир этилган жиноят ЖКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар турига кириши ва агар жабрланувчи шикоят аризасини бермаса, жиноятчи жиний жавобгарликдан озод бўлиши;

- жабрланувчи шикоят аризасини беришни хоҳламаса ва бу иш юзасидан рад қилиш қарори қабул қилинса, айнан мазкур иш бўйича гумон қилинган шахсга нисбатан шикоят аризасини бериш ҳуқуқидан маҳрум этилиши тушунтирилган бўлиши лозим;

- баённома холислар иштирокида тузилиши лозим.

Баённома тузилиб, белгиланган тартибда расмийлаштирилганидан кейин, жабрланувчи, жиноятни содир этган шахс, холислар ва баённомани тузган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Мазкур баённома ЖКнинг 325-моддасида белгиланган жиноятлар таркиби бўйича (улар бўйича жиноят иши кўзғатилган ҳолатларда ҳам) юритилган барча жиноят ишларида тузилиши шарт.

2. Ариза. Бу ҳужжат ҳар икки тарафнинг (жабрланувчи ва жиноятни содир этган шахс) мазкур асос бўйича жиноят ишининг рад этилишига қарши эмаслигини тасдиқлаш учун олинади. Ушбу ҳолатда жабрланувчини ариза бермаслик ҳуқуқини ариза олиш йўли билан амалга ошириши тўғрими, деган мантиқий савол туғилади. Назаримизда, бу йўл тўғри. Чунки, жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги ариза билан жиноят ишини кўзғатмаслик сўралган ариза-шикоятнинг мазмуни бир-биридан фарқ қилади. Қолаверса, амнистия акти билан рад қилиш ва ярашув институтини қўллаш давомида ариза олиш билан боғлиқ тергов амалиёти, ўрганилаётган ҳолат бўйича ҳуқуқ аналогияси сифатида хизмат қилади.

Назаримизда, ЖКнинг 325-моддаси бўйича жиноят ишини кўзғатмаслик ҳақида жабрланувчи томонидан бериладиган аризининг мазмунида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

- 325-модданин талаблари асосида жабрланувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги;

— шикоят аризасининг ихтиёрий ёзилганлиги;

— ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг етказилган зарарни қоплагани;

— жабрланувчига келгусида мазкур иш бўйича фуқаровий даъво кўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши тушунтирилгани;

— жабрланувчи жиноятни содир этган шахсни кечирганлиги ва ишга оид бошқа ҳолатлар;

— берилган ариза асосида ишни рад қилиш ҳақида қарор чиқарилгудек бўлса, мазкур иш бўйича жиноят содир этган шахсга нисбатан шикоят-ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши.

ЖПКнинг 325-моддаси тартибида ишни рад этиш сўралган ариза тегишли туман ёки шаҳар ИИБ бошлиғи, прокурор ёки бошқа раҳбар номига эмас, балки айнан ишни юритаётган мансабдор шахс номига ёзилиши лозим. Чунки, ушбу ҳолат бўйича жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳуқуқи амалдаги жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ, ишни юритаётган мансабдор шахснинг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Назаримизда, жиноят ишини 325-моддада назарда тутилган тартибда рад қилиш учун жиноят содир этган шахс аниқланган ва ишда иштирок этаётган бўлиши шарт. Бундай ҳолатда ЖПКнинг 325-моддаси талабларини тўғри қўллаш мумкин бўлади.

Агар жиноятни содир этганликда гумон қилинаётган шахс ишнинг ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 6-банди билан рад этилишига қаршилиқ қилса, жиноят иши кўзғатилади ва иш умумий тартибда давом эттирилиши зарур. Чунки, бу ҳолат юқорида қайд этганимиздек, ахборот марказида жиноят сифатида расмийлаштирилади. Ишда гумон қилинган шахс эса, мазкур жиноятни содир этган бўлиб қолади. Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, амалдаги қонунларимизга мувофиқ, бундай шахсга суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми бўлмайд туриб, унга нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқий чекловлар белгилаш мумкин эмас.

Шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсдан ишнинг рад этилишига қарши эмаслиги кўрсатилган ариза олинishi лозим. Мазкур аризада:

— 325-модда талаблари асосида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги;

— шикоят аризасининг ихтиёрий ёзилганлиги;

— содир этган ижтимоий хавфли қилмиши оқибатида етказган зарарини қоплаганлиги (миқдори аниқ кўрсатилиши);

— содир этган жиноий қилмиши бўйича айбига тўлиқ иқрорлиги, пушаймонлиги ва келгусида жиноят содир этмаслиги тўғрисидаги ваъдалари аксини топган бўлиши;

— ариза шахсан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг имзоси билан тасдиқланиши зарур.

3. Жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор. Мазкур қарор юқоридаги барча талаблар бажарилганида қабул қилиниши мумкин.

Жиноят ишини ЖПКнинг 325-моддаси тартибида рад қилишда вужудга келадиган муаммоли ҳолатлар ва уларнинг ечимлари қуйидагича:

Биринчи ҳолат: ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган ЖКнинг 109-моддаси; 110-моддасининг биринчи қисми; 111-моддаси; 121-моддасининг биринчи қисми; 136-моддаси; 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари; 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари; 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича, агарда жиноятни бир нечта шахс содир этган бўлиб, жабрланувчи фақат уларнинг биттаси ёки бир нечтасини кечириб, қолганларига нисбатан жавобгарликка тортиш тўғрисида шикоят аризаси берган бўлса, кечирилганларига нисбатан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилиши, шикоят аризаси берилганларига нисбатан эса, жиноят иши кўзғатилиши зарур.

Таъкидлаш зарурки, ўта хавфли рецидивист ЖПКнинг 325-моддасидаги жиноятлардан бирини содир этса-да, лекин жабрланувчининг шикоят аризаси бўлмаса, бу шахс ўта хавфли рецидивист деб топилганига қарамай, унга нисбатан жиноят иши кўзғатилмайди. Чунки, мазкур нормаларда шахснинг ўта хавфли рецидивист деб топилishi оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилмаган.

Агар ўта хафли рецидивист деб топилган шахс ЖПКнинг 325-моддасида қайд этилган ЖКнинг 105-моддасининг биринчи қисми, 118-моддасининг биринчи қисми ёки 119-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этса, жиноят иши қўзғатилиши шарт. Сабаби, бу ҳолат мазкур жиноят таркибларида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилган бўлиб, у аниқланса, қилмиш мазкур модданинг биринчи қисми билан квалификация қилинмайди.

Иккинчи ҳолат: агар шахс томонидан бир нечта жиноят содир этилиб (жиноятлар мажмуи бўлса), улар ЖПК 325-моддасида назарда тутилган бўлса, жиноят ишини қўзғатишни ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 6-банди билан рад қилиш мумкинми, деган саволга сўровда қатнашган суриштирув ва тергов органлари ходимларининг 40 % дан ортиғи «мумкин эмас», деб жавоб берди¹. Дарҳақиқат, бу ҳолат амалдаги жиноят-процессуал қонун нормалари билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 6-сонли қарорида бир шахс томонидан бир неча жиноят содир этиладиган бўлса, амнистия актини қўллаб, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш мумкинлиги қайд этилган. Демак, бу ҳолатда ҳам ҳуқуқ аналогиясини қўллаган ҳолда, ЖПКнинг 325-моддаси бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш мумкин, деган хулосага келса бўлади.

Масалан, агар шахс ЖКнинг 109-моддаси, 105, 118-моддаларининг биринчи қисмида кўрсатилган жиноятларни турли вақтлар оралиғида содир этса ва улар бўйича жиноят иши қўзғатилмай туриб, жабрланувчилар шикоят аризасини беришни хоҳламасалар, ишни қўзғатиш ЖПК 325-моддасининг талаблари асосида рад қилиниши зарур. Бу вазиятда барча жинойи қилмишлар ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноят таркиблари билан (моддаси, қисми ҳам тўғри келиши лозим) бир хилда баҳоланиши лозим.

Учинчи ҳолат: иш бўйича (битта эпизод юзасидан) ҳар икки тараф, бир жиноят иши доирасида ҳам жабрланувчи, ҳам айбланувчи бўлган ҳолатларда тарафлар бир-бирларини кечириб, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги шикоят аризасини бермаган тақдирда, жиноят ишини қўзғатиш ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида рад қилиниши мумкин.

Агар тарафлардан бири шикоят аризасини беришдан бош тортиб, иккинчи тараф шикоят аризасини берса, бу ҳолат бўйича ҳар икки тараф учун ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида иш рад қилиниши мумкин эмас.

Тўртинчи ҳолат: тергов амалиётида жиноятдан жабр кўрган шахс дастлаб ариза билан мурожаат этиб, кейинчалик жиноят иши қўзғатилгунга қадар, ўзи берган шикоят аризасидан воз кечиб, жиноят ишини қўзғатмасликни илтимос қилган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Бундай вазиятларда ишни юритаётган орган қандай йўл тутиши лозимлиги қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тартибга солинмаган.

Мазкур ҳолатда «Жабрланувчи ўз аризасини жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор чиққунига қадар қайтариб олиш ҳуқуқига эгами?», деган саволга жавоб берганларнинг 70 % дан ортиғи жабрланувчи бундай ҳуқуққа эга эмаслиги, чунки қонуншунос уларга фақат ариза бериш ёки бермаслик ҳуқуқини қайд этиб, берилган аризани қайтариб олиш ҳуқуқини белгиламаганини қайд этган².

Назаримизда, бундай вазиятларда ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 6-банди билан жиноят ишини қўзғатиш рад қилиниши керак. Чунки, қонуншунос жиноятдан жабр кўрган шахсга шикоят бериш ёки бермаслик ҳуқуқини кафолатлаб қўйган. Бу эса, мазкур шахсга берган шикоят аризасини жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор қабул қилингунига қадар қайтариб олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Чунки аксарият жабрланувчилар шикоят аризани бериш жараёнида жиноятни ким содир этганлигини билмайдилар. Кейинчалик, жиноят ўзининг яқин қариндоши, қўшниси ёки

¹ Фарғона вилояти ТБ суриштирувчи ва терговчилари ўртасида ўтказилган сўров натижаларидан.

² Ўша манба.

бошқа танишлари томонидан содир этилганлиги маълум бўлгач, аризани қайтариб олиш тўғрисида илтимос билан муурожаат этадилар. Айнан мазкур ҳолат жабрланувчиларнинг берган шикоят аризасини ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган тартибда қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади.

Бешинчи ҳолат: ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилмаган жиноятлар бўйича иш қўзғатилиб, тергов ёки суд босқичида жиноят иши ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятга қайта квалификация қилинса, ишни юритаётган мансабдор шахс, 2010 йил 29 октябрдаги Олий суд Пленумининг «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий равишда қондириш жиноятлари тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчидан ёзма ёки оғзаки шикоят аризасини олиши лозим. Агар жабрланувчи шикоят аризасини беришдан бош тортса, жиноят иши ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 6-банди билан тугатилиши талаб этилади.

Олтинчи ҳолат: жиноятдан жабр чеккан шахс муомалага лаёқатсиз, вояга етмаган ёки ҳуқуқларини мустақил ўзи амалга ошириш имконияти чекланган бўлса, бундай ҳолатлар бўйича шикоят аризасини бериш ёки бермаслик масаласи мазкур шахсларнинг ўзлари ҳамда уларнинг қонуний вакиллари иштирокида ҳал этилади ва белгиланган тартибда расмийлаштирилиши зарур.

Еттинчи ҳолат: маълумки, тузалишнинг биринчи шarti — шахснинг ўз айбига иқрор бўлишидир. Гарчи 325-модда билан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш учун, мазкур қилмишни содир этган шахснинг айбига иқрор бўлиши талаби амалдаги жиноят-процессуал қонун нормасида тўғридан-тўғри қайд этилмаган бўлса-да, ишни юритаётган мансабдор шахсдан қилмиш (жиноят) айнан мазкур шахс томонидан содир этилганлигини исботлаши, шахснинг айбига иқрорлиги, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчига етказган зарарини ихтиёрий қоплаганини ҳам аниқлаши талаб этилади. Фикримизча, ушбу ҳолатга яраштирув институтининг шартларини (айбига иқрорлиги, келтирилган зарарни қоплагани, жабрланувчи

билан ярашгани) татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қайд этиш лозимки, ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида жиноят ишини рад қилишда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг иштироки мажбурий ҳисобланиши зарур. Зеро, шахснинг ўзга юрда ёхуд вилоятда туриб, нотариал идоралар орқали жиноят ишининг рад этилишига муносабатини билдириши, мазкур институтнинг шахсга нисбатан тарбиявий таъсирини сусайтиради. Қолверса, ЖПК талабларининг бажарилишига тўсқинлик қилади. Зеро, жиноят-процессуал қонундаги институтларнинг қўлланиши жиноят содир этган шахсга ижобий тарбиявий таъсир кўрсатилишини тақозо этиши шарт.

Саккизинчи ҳолат: Жиноят кодекси 13-моддаси иккинчи қисмининг талабларидан келиб чиқиб, 2012 йил 5 январга қадар ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича қўзғатилган ишлар юзасидан, дастлабки тергов олиб борилаётган ёки ЖПКнинг 364-моддасида назарда тутилган асослар билан тўхтатилган жиноят ишлари бўйича жабрланувчининг шикоят аризасини бериш ёки бермаслик масаласига аниқлик киритилиб, натижаларга кўра, дастлабки терговни давом эттириш ёки жиноят ишини тугатиш масаласи ҳал этилиши керак.

Назаримизда, ЖПКнинг 364-моддаси биринчи қисми билан тўхтатилган жиноят ишларига нисбатан ЖПКнинг 325-моддаси талабларини қўллаш мумкин эмас. Зеро, жиноят ким томонидан содир этилганлигини билмай туриб (ўта хавфли рецидивист, ақли норасо ёки жавобгарликка тортиш ёшига етмаган шахс), жиноят иши тугатилса, қонун нормалари бузилган ҳисобланади.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, амалдаги ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаларимиз жиноят-процессуал муносабатларни эркинлаштириш борасидаги ислохотлар кўлами ҳамда жиноят процессида шахсларнинг диспозитив ҳуқуқларининг кенгайишига хизмат қилади.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОГАР ВА ФУҚАРОВИЙ ЖАВОБГАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш ва ҳал этишда фуқаровий даъвогар жабрланувчи билан биргаликда айбловни ёқлаб чиқади, фуқаровий жавобгар эса шунга қарши равишда ўзини ҳимоя қилади. Шундан келиб чиқиб, улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларининг таъминланиши ҳақида сўз юритиш ўринлидир. Жиноят процессида ҳар бир иштирокчи ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга ва улар таъминланишининг кафолатлари ҳам жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарлар қарама-қарши томонлар бўлиб, терговчи, суриштирувчи, прокурор ва суднинг асосий вазифалари уларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишлари учун кенг имконият яратиш бериш ва уларни давлат томонидан кафолатлашдир.

Шу нуқтаи назардан, «жиноят ишини юриштишда қатнашувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари» тушунчасини таҳлил қилганда, шуни қайд қилиш лозимки, мазкур кафолатлар шахс ҳуқуқининг кафолатларига тегишлидир, ҳолбуки уларнинг вужудга келиш қонуниятлари бир хил ҳуқуқий табиатга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий асосларни яратишга киришилди¹. «Кафолатлар» тушунчаси борасида турлитуман нуқтаи назарлар мавжуд. Масалан, А.Х. Саттаровнинг нуқтаи назарича кафолатларни инсон ижтимоий ҳаётининг асосий ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий мезонлари асосида тавсифлаш мумкин, бундай кафолатлар шахснинг асосий ҳуқуқлари шартларининг йиғиндисини ташкил этади². Б.А. Саидов жиноят процессида иштирок этувчи фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси жиноят иши бўйича тергов учун масъул мансабдор шахсларнинг доимий ва долзарб вазифаси ҳисобланиши лозимлигини таъкидлайди³. Д.М. Миразовнинг фикрича, шахснинг олий қадрият деб эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг асосий мажбурияти ҳисобланади⁴.

Фикримизча, кафолатлар дейилганда, жиноятларни тергов қилиш чоғида жиноят процесси вазифаларининг тўғри ва тўлиқ амалга ошишини таъминловчи жиноят-процессуал қонунида ўрнатилган воситалар ва усуллар ёрдамида жиноят процессида иштирок этувчи

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

¹ Қаранг: Раҳмонкулов А. А. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қийноққа қарши конвенциянинг аҳамияти // Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик илмини эгаллаш йўлида: Иқтидорли ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 10 йиллигига бағишланган илмий мақолалари тўплами. — Т., 2004. — Б. 26.

² Саттаров А.Х. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари // Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — Т., 2004. — Б.32.

³ Саидов Б. А. Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш // Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — Т., 2004. — Б.177.

⁴ Миразов Д.М. Дастлабки тергов органлари томонидан шахс ижтимоий ҳуқуқларининг таъминланиши // Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. — Т., 2007. — Б.102.

барча шахслар, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатланиши тушунилади.

Таъкидлаш керакки, шахснинг, жумладан фуқаровий даъвогар ва жавобгарнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг жиноят-процессуал кафолатлари ЖПК нормаларида кўзда тутилган, уларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини амалга оширишни таъминловчи жуда кўп ва мазмунан турли-туман воситалар ишлаб чиқилган.

Жиноят ишида фуқаровий даъво бўйича иш юритишнинг асосий субъектлари маълум мулкӣ хусусиятга эга, процессуал манфаатдор иштирокчилардир. «Мулкӣ хусусият» тушунчасига тўхталганда, таъкидлаш керакки, фақатгина жиноят туфайли маълум турдаги мулкӣ зарар кўрган субъектларда мулкӣ зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқ вужудга келади. Улар жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин, бунда, биринчиси — жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар сифатида жиноят процессида иштирок этса, иккинчиси эса фақат фуқаровий даъвогар сифатида «майдонга чиқади». Мулкӣ зарар етказган субъект фуқаровий жавобгар сифатида ишга жалб қилинади. Улар процесснинг ўз қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш ҳуқуқларига эга субъектлари ҳисобланади.

Жабрланувчи жиноят процессининг субъекти бўлиб, фақат суриштирув органлари, терговчи ёки прокурор уни жабрланувчи сифатида тан олиш тўғрисида қарор чиқарганда ёки суд тан олинган ажрим чиқаргандан сўнг, у жабрланувчи ҳисобланади. Фуқаровий даъвогар масаласи ҳам худди шу аснода ҳал этилади, яъни юқорида тилга олинган органлар томонидан чиқарилган қарор асосида субъект фуқаровий даъвогар сифатида тан олинади.

«Жабрланувчи» ва «фуқаровий даъвогар» тушунчаларининг процессуал мавқеини таққослаб, шуни айтиш мумкинки, юридик шахс ишда фақат фуқаровий даъвогар сифатида иштирок этиши мумкин, жисмоний шахс эса ҳам фуқаровий даъвогар, ҳам жабрланувчи сифатида иштирок этади. Жабрланувчи маънавий, жисмоний ёки мулкӣ (моддий) зарарларни ундириш тўғрисида ариза тақдим

этар экан, фуқаровий даъвогарга айланади ва ҳар иккала субъектнинг ҳуқуқларига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 57-моддаси 3-қисмига кўра, фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айна вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради. Шундай қилиб, у иккита процессуал функцияни бажаради. Аммо шуни назардан қочирмаслик лозимки, жабрланувчи ва даъвогар айблов томоннинг вакиллари ҳисобланиб, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилсалар-да, уларни тенглаштириб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири жиноят процессининг мустақил иштирокчилари бўлиб, ўзларига тегишли ваколатларга эгадирлар, аммо бу икки субъект баъзан бир шахс сифатида ҳам ишда иштирок этади. Кўпинча бундай ҳолат жиноят ишида жисмоний шахсларнинг даъволари кўриб чиқиладиганида учрайди.

Жиноят процессидаги фуқаровий даъвогар — бу бевосита жиноят туфайли унга зарар етказилганини асословчи ҳолатлар мавжуд бўлганда мулкӣ зарарни ундириш талабини тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсдир. Жиноят туфайли моддий зарар етказилган шахс жиноят процесси иштирокчисига айланиши учун, у терговчи ёки суриштирувчининг ёхуд судьянинг қарори асосида ёки суд ажрими билан фуқаровий даъвогар сифатида тан олинади лозим.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд фуқаровий даъво ёки бошқа мулкӣ ундиришларга тегишли суд ҳукмининг ижросини таъминлашнинг чораларини кўришга мажбурдирлар ва улар бунинг учун гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мулкларини хатлашлари лозим.

Фуқаровий даъвогарнинг алоҳида ҳуқуқлари жабрланувчиникига қараганда камроқ. Бу табиийдир, чунки фуқаровий даъвогарнинг субъектив ҳуқуқлари жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарни ундириш бўйича субъектнинг мулкӣ манфаатларини таъминлашга қаратилгандир.

Маълумки, ҳуқуқ — шахснинг ижтимоий эркинликларини мустаҳкамлаш, ифодалашнинг зарурий воситасидир. Шу боис фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқий мақоми шундай ҳуқуқий имкониятлар мажмуини ўзида мужассам

этадики, улар орқали фуқаровий даъвогар ўз манфаатлари ва мақсадларини амалга оширади. Фикримизча, қонун чиқарувчи бугун жиноятдан жабр кўрган фуқаровий даъвогарга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун тўлиқ ҳуқуқий эркинликлар яратиб берган, дейиш қийин.

Амалдаги ЖПКга асосан жабрланувчилар бугун тўлиқ ҳуқуқларга эга эмасликларини мазкур субъектларнинг процессуал ҳолатини тадқиқ қилган кўпгина олимлар таъкидлайдилар. Жабрланувчилар, яъни фуқаровий даъвогарлар ўзларига етказилган мулкӣ зарарларни ундиришда саргардон бўладилар.

Юридик адабиётларда 1959 ва 1994 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон ЖПКларига асосланиб, жабрланувчининг ҳуқуқӣ мақоми таҳлил этилган¹. 1959 йилги ЖПКнинг 36-моддасига асосан, жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар кўрган шахс жабрланувчи деб эътироф этилган. 1994 йилдаги ЖПКнинг 54-моддасига асосан, «жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради». Ушбу икки нормани таққослаб, фикримизча, жабрланувчининг ҳуқуқӣ мақоми мазмунан бироз кенгрок, деган хулосага келамиз. «Шахс қачондан бошлаб жабрланувчи ҳисобланади?» деган асосли саволга Б.Т. Акрамходжаев: «Манфаатларига қарши жиноят содир этилган шахс жабрланувчи ҳисобланади», — деган фикрни келтиради².

Ўтган асрнинг 60-йилларида собиқ Компартиянинг коммунизм қуриш, аста-секинлик билан давлат ва ҳуқуқнинг тугатилиши ҳақидаги «башоратлари»да коммунистик жамиятда жиноий кўринишлар бўлмагани боис, жиноятдан жабрланувчилар ҳам бўлмади,

деган хулосаси мавжуд эди. Шу сабабга кўра, 1959 йилнинг ЖПКсида жабрланувчи сифатида эътироф этиш учун унга етказилган зарар асосий мезон ҳисобланар эди. Шунга асосланиб, Б.Т. Акрамходжаев жабрланувчига «содир этилган жиноят, шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши кимга ва кимнинг манфаатларига қаратилган бўлса, ушбу шахс жабрланувчи деб тан олинади»³, дея таъриф берган.

Назаримизда, «жабрланувчи» тушунчасига бундай нуқтаи назардан ёндашув уни жиноят процессидаги «фуқаровий даъвогар» тушунчасидан муқаррар равишда узоқлаштиради, чунки биринчи тушунчани таърифлашнинг мезони зарар бўлмай, балки шахсга қарши жиноят содир этилиш факти бўлиб, шахснинг фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилишининг асосий мезони - жиноят туфайли етказилган мулкӣ ва бошқа турдаги зарарлар бўлиши лозим. Шу боис, биз ушбу нуқтаи назарни маъқулламаймиз ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига бу борадаги тегишли ўзгартиришлар киритишни таклиф қиламиз. Жиноят туфайли етказилган мулкӣ ва бошқа турдаги зарарлар ундирилиши борасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси принципининг таъминланишини кафолатлаш учун жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 18-моддасини янги еттинчи қисм билан қуйидаги мазмунда тўлдиришни таклиф этамиз: «Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаровий даъвони таъминлаш, кўриб чиқиш, ҳал этиш ва етказилган мулкӣ ва бошқа турдаги зарарларни тезда қоплаш орқали фуқароларнинг жиноят ва унинг оқибатлари натижасида камситилган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қиладилар».

¹ Қаранг: Акрамходжаев Б.Т. Суд ислохотларида жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш: муаммо ва ечимлар // Давлат ва жамиятнинг демократик янгиланиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари. — Т., 2002. — Б.131—137.

² Ўша манба. — Б.135.

³ Ўша манба.

Жиноят процессида фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари таъминланишининг йўналишларидан яна бири — Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38-моддасида кўзда тутилган суриштирув органларига киритилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш ва судлар фаолиятини моддий техник ва молиявий таъминлаш бўйича департаменти ва унинг ҳудудий бошқармаларининг бўлимлари ҳисобланади. Мазкур орган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 5391-моддасига асосан, бевосита фуқаровий даъво қилишга ва бошқа мулк ундиришларга тегишли ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижроси бўйича вужудга келадиган масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатларга эга бўлди¹. Фуқаровий даъво ва бошқа мулк ундиришларга тегишли ҳукмлар, ажримлар ҳамда қарорларнинг ижроси масалалари фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал этилади. Шундай қилиб, жиноят-қидирув органлари содир этилган жиноятларни очиш билан бевосита шуғуллансалар, суд ижрочилари ўғирланган мулк ва пул маблағларини қидиришга доир масалаларни ҳал этадилар.

Ҳозир кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири — жиноят туфайли етказилган мулк зарарни жабрланувчига ундириб бериш учун махсус давлат фондини тузишдир. Ушбу фонддан жиноят содир этган шахслар қидириб топилмаганда ёки уларнинг зарарни тўлашга қурби етмаган ҳолатларида, жиноят туфайли етказилган мулк зарар учун жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга тўлов тўланиши мумкин бўлар эди².

Жиноят туфайли жабрланувчига етказилган мулк зарарни қоплаш учун бундай фондни тузиш масаласи катта қизиқиш ўйотади. Ушбу фонд қўшимча аҳамиятга эга бўлиши лозим, чунки асосий мулк ундиришлар ҳукм қилинганнинг мулки ва унинг даромади ҳисобидан бўлиши керак. Бундай фондларнинг тузилиши эса айбдорда шахсий масъулият ҳиссининг сусайишига олиб келиши мумкин. Агар жабрланувчига жиноят туфайли етказилган мулк зарарнинг қопланиши қарз тўлови мажбурияти сифатида амалга оширилса (айбдорнинг бошланғич жавобгарлигидан сўнг), шунингдек жабрланувчига зарарни тўлаган давлат органига зарар етказган айбдорга нисбатан регресс талабини кўзғатиш ҳуқуқи берилса, юқорида айтиб ўтилган муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади.

В.Я. Понариннинг махсус фонд тузиш ғояси қўллаб-қувватланишга лойиқ, аммо у ушбу фонднинг манбаларини тўлиқ баён қилиб бермаган³. У жиноятдан жабрланганларнинг маълум даражада қўллаб-қувватланишига кўмаклашувчи махсус давлат фондини тузишнинг фойдалилиги тўғрисида бир қатор далилларни келтирган:

1. Амалиётнинг гувоҳлик беришича, ҳукм қилинганлардан баъзиларининг пул маблағлари уларнинг оддий ҳаёт кечиришлари учун етмайди, шу боис, улар қисқа муддатда жабрланувчига етказган зарарларини тўлиқ қоплаб бера олмайдилар.

2. Махсус давлат фондини тузиш эса жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахснинг мулк аҳволидан қатъи назар, тезда ўзининг моддий аҳволини тиклаб олишига имкон беради⁴.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида йўл-транспорт ҳодисалари туфайли

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2009 йил 14 январь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2009. — №1. — 1-м.

² Бир қатор мамлакатларда давлат маблағи ҳисобидан жабрланувчига зарарни ундириб бериш тўғрисида юридик нормалар ўрнатилган, масалан, Янги Зеландия (1963), Буюк Британия (1964), АҚШ (1965), Финландия (1974)да. Бошқа мамлакатларда бундай нормалар ишлаб чиқилмаган.

³ Қаранг: *Понарин В. Я.* Производство по гражданскому иску при расследовании преступлений. — Воронеж. 1978. — С.34.

⁴ Ўша манба. — С.32.

зарар кўрган жабрланувчиларга зарарларни ундириб бериш амалиёти мавжуд. Масалан, агар йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган тақдирда, ўзини суғурта қилдирган ҳайдовчи суғурта органларига бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида ариза билан мурожаат қилади. Суғурта компанияси ана шу ариза асосида, транспорт воситалари эгалари фуқаровий жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси шартномасига кўра, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни тўлов жадвалига асосланиб, пул маблағлари тўловини амалга оширади¹. Фикримизча, ушбу амалиётни бошқа жиноятлардан жабр кўрган ва мулкий зарар етган жабрланувчиларга ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жабрланувчига мулкий зарарни ундириш учун фонд яратиш келгусида ишлаб чиқилиши лозим бўладиган ҳуқуқий нормалар асосида ва уларга мос равишда амалга оширилиши лозим. Мазкур муаммони бошқача тарзда ҳал этиш жабрланувчига тўлов тўлаган орган, жабрланувчи ва зарар учун жавобгар шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тўғри ўрнатилишини таъминламайди ҳамда шахс манфаатларининг камситилишига олиб келиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган манбалар, бизнингча, жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг мулкий аҳволини тиклашда фойдали бўлган ушбу фондни тузиш имкониятини таъминлаб беради.

Шундай қилиб, жабрланувчига тақдим қилинадиган тўловнинг асосий принципи қуйидагича: жиноятдан мулкий зарар кўрган жабрланувчи, мабодо айбдорнинг қидирувда эканлиги ёки тўловга қурби етмаслиги туфайли унинг мулкий ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаши имконияти йўқлиги сабабли, у махсус давлат фондидан ушбу зарарни ундириш ҳуқуқига эга.

Биз, махсус давлат фондиди тузишни жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган мулкий зарар тўлиқ ундирилишини ҳал этишда зарур бўлган муҳим вазифа деб ҳисоб-

лаймиз². Ушбу ҳолатлар ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган, айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум ва айбланувчи Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаганида муҳимдир (ЖПК 364-моддасининг 1-қисми, 1—3-бандлари).

Ундан ташқари, биз ЖПКнинг 33-бобига қуйидаги таҳрирдаги янги моддани киритиш ва тўлдиришни таклиф қиламиз:

«276¹-модда. Жиноят ишида регресс даъво.

Иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган, айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган, айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлашнинг имконияти бўлмаган тақдирда, моддий зарарни ундириш тўғрисидаги талаб билан боғлиқ фуқаровий даъво кўзғатилса, ушбу моддий талабнинг қондирилиши давлат томонидан амалга оширилади.

Иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланганда, айбланувчининг қаерда эканлиги маълум бўлганда ёки у Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига кириб келганда, ушбу шахсларга нисбатан давлат томонидан моддий зарарнинг ундирилиши тўғрисида регресс даъво кўзғатилади».

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1001-моддасига биноан, бошқа шахс (меҳнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва ҳ.к.) томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товон миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга. Ушбу моддада

¹ Ўша манба. — С.34.

² Бундай фондни тузиш учун асос Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг мўътадил кўрсаткичларга эга эканлигига таянади. Батафсил қаранг: *Эшбобоев Д.* Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари// *Jamiyat va boshqaruv.* — Т., 2009. — №1. — В. 117.

кўрсатилган регресс ҳуқуқи, яъни бошқа бир шахс учун тўланган ҳақнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқи жабрланган шахсга тегишли ҳақ тўланган пайтдан эътиборан вужудга келади¹.

Жиноят-процессуал жиҳатдан *регресс* даъво дейилганда², жиноятдан жабрланган ёки фуқаровий даъвогарга жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарнинг миқдори давлат органлари томонидан тўланиб ёки ундирилиб, сўнг мулкӣ зарар етказган айбланувчига давлат номидан прокурорнинг кўзғатадиган мулкӣ зарарни пул ифодасида ундириш тўғрисидаги талаби тушунилади. Ушбу тадқиқотларимиз асосида хулоса қилишимиз мумкинки, етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги суд қарорининг ўзи фуқаровий даъвогар субъектив ҳуқуқларининг ҳимояси бўлиб ҳисобланмайди. Шу боис, қонунда жабрланувчининг процессуал ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаб қўйишнинг ўзигина муҳим бўлмай, балки қонунда мазкур ҳуқуқларнинг ҳақиқий амалга ошишини таъминловчи кафолатларни ҳам мустаҳкамлаш муҳимдир.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилсак, ҳозирда шахсга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ субъектив ҳуқуқларнинг ҳимояси етарли даражада эмас. Кўп ҳолларда фуқароларнинг содир этилган жиноятлар туфайли ўзларига етказилган мулкӣ зарарларининг тўлиқ қопланишига кўзлари етмайди. Озодликдан маҳрум қилинган шахснинг жазони ўтаб қайтганидан сўнг, етказган зарарини тўлашига яна анча вақт керак бўлади.

Буларнинг барчаси, бугунги кунда нафақат амалиётчилар учун муҳим бўлган, балки юридик фан назариётчилари учун ҳам ўта муҳим бўлган муаммоларнинг ечимини

топишда жиддий бош қотиришни талаб этади. Шуни таъкидлаш лозимки, сўровнома ўтказилганда, унга жавоб берганларнинг ҳар иккитадан бирининг айбдорнинг жазога тортилиши эмас, балки жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарни ундириш имконияти қизиқтирган.

Демак, айтиш мумкинки, «жиноят натижасида етказилган мулкӣ ва бошқа турдаги зарарларнинг тез ва тўлиқ ундирилиши» умумдавлат вазифасига айланмоғи лозим. Давлат миқёсида ишлаб чиқиладиган қонун ҳужжатларида фақат жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг мақомига тааллуқли масалалар тартибга солинмасдан, балки зарарни ундириш механизмига доир масалалар ҳам ўз ифодасини топиши шарт. Фикримизча, кўтарилган муаммони самарали ҳал этиш учун махсус дастур ишлаб чиқилиши лозим. Масалан, жиноий жазони ижро этиш тизимида алоқадор масалалар, яъни қўшимча иш ўринлари яратиш, имтиёзли солиққа тортиш, давлат томонидан қўллаб-қувватланиш, жазо чораларининг муқобил доирасини кенгайтириш каби зарарни жиноятлардан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда қўйилган яна бир қадам бўлади.

Юқорида қайд этилган вазифаларнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг: «Давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувининг барча бўғинларида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизим яратиш учун зарур чоратадбирларни кўришимиз лозим. Бу, биринчи навбатда, қонунни ҳимоя қилувчи ва унинг ижроси назоратини таъминловчи органларга тааллуқлидир»³, — деган фикрларида ифодаланган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Икки жилдли. Иккинчи китоб / Ҳ.А. Раҳмонқуловнинг умумий таҳрири остида. — Т., 1998. — Б. 574.

² Регресс даъво — қарздорнинг айби бўйича учинчи шахсга тўланган пул маблағини (ёки бошқа мулк қиймати) қайтариш тўғрисидаги талабдир. Масалан, мулкӣ зарар учун жавобгар шахс регресс даъвога асосан суғурта ташкилотлари суғурта тўловини жабрланувчига тўлаши шарт. Қаранг: Большой юридический словарь. Т. VI / Под ред. А. Я. Сухарева, В. Д. Зорькина, В. Е. Крутских. — М., 1997. — С. 259.; Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, проф. У.Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т., 2001. — Б.378.

³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т., 2000. — Б. 344.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизда барқарорликни, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Ана шундай юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқпол йилларида юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар идораларининг юқоридан куйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Бундай ўзгариш ва ислохотлар биринчи галда уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтиришга, тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, пост-патруль хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва профилактика хизмати ролини ошириш, шунингдек, республикада ёнғин хавфсизлиги тизимини қайта кўриб чиқишга қаратилди¹.

Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳуқуқни шарҳлаш масаласи ҳуқуқшунослик

илмининг маълум доирасида ўрганилиши заруриятини юзага келтирмоқда.

Маълумки, ички ишлар органларининг асосий вазифаларига фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза этиш; ҳуқуқбузарликларни олдини олиш; жамоат тартибини сақлаш ва таъминлаш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш; мулкни жиноий тажовузлардан қўриқлаш; жиноий ва маъмурий жазонинг ўталишини таъминлаш; фуқароларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда иштирок этиш, ўз ваколати доирасида давлат органлари, корхона, ташкилотларга қонун билан юклатилган мажбуриятларни амалга оширишда кўмаклашиш кабилар киради. Бу вазифаларни бажариш учун улар қонунни қўллашнинг зарур усуллари, турли мажбурлов воситалари, ҳуқуқбузарларга куч ёрдамида қатъий таъсир кўрсатишнинг махсус давлат-ҳокимият ваколатлари билан таъминланган².

Ички ишлар идоралари ҳуқуқий тартиботни таъминлашга қаратилган функцияни амалга бориб, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, мулкчилик шакллари билан қатъи назар, объектларни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш, жиноятларни очиш ва тергов қилиш борасидаги функцияларни бажаради.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. — 2007. — 25 окт.

² Қаранг: Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. — Т., 2005. — Б. 197—198.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятининг асосий мазмуни ҳуқуқни қўллашдир. Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми ва зарурий шарти ҳуқуқни шарҳлаш ҳисобланади. Амалиёт ходимларининг ҳуқуқни тушуниш ва тушунтиришнинг амалий ва назарий жиҳатларини мукамал билишлари ҳамда ўз фаолиятида қўллашлари ўта муҳимдир.

Амалиётда ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаш ҳолатлари учраб туради. Н.Исмоиловнинг таъкидлашича, «МЖТКнинг 249—268-моддаларида бир неча давлат органларига (мансабдор шахсларига) маъмурий-ҳуқуқий ваколат берилган. Ушбу органларнинг тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти ўрганилганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби бўлмаса-да, жавобгарликка тортиш ҳолатлари аниқланган. Жумладан, бундай салбий ҳолатлар республикамизнинг Тошкент (5), Андижон (6), Фарғона (9), Сирдарё (12), Самарқанд (14), Қашқадарё (18), Сурхондарё (25), Наманган (37), Бухоро вилоятлари (94) ва Тошкент шаҳрида (143) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида кузатилиб (29), жами 392 тани ташкил этган. Бу эса мазкур органлар мансабдор шахсларининг бу борадаги юридик билим даражаси (ёки маълумоти)нинг етарли эмаслигини кўрсатади»¹.

Юқоридаги мисолдан англанадики, ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг юридик билим даражаси паст, улар ҳуқуқни шарҳлаш қоидаларини билмасликлари сабабли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зид қарорлар қабул қиладилар.

Ҳуқуқни шарҳлаш назариясида умумий фикрга кўра, ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқнинг шарҳланиши расмий шарҳлаш бўлади.

Турли давлат органларининг ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатларидаги расмий шарҳлаш

натижалари ички ишлар органлари ходимларига ҳуқуқни татбиқ этишда қийинчилик вужудга келганда, уларни қидириб топиш ва ўрганишга имкон яратади. Ички ишлар идораларининг амалий фаолиятида расмий шарҳлаш ҳужжатларисиз ҳал қилиш қийин бўлган ҳаётий воқеалар кўп учрайди. Расмий шарҳлаш ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини бир хилда тушунишга ва улардаги қоидаларни қўллашга шароит яратади, умумий ҳуқуқий фаолиятда қонунийликни таъминлайди.

Ички ишлар идораларида расмий шарҳлаш субъектларига қуйидагилар киради: а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш (аутентик ва шарҳлашга ваколат олган субъектлар) ваколатига эга бўлган органлар ва мансабдор шахслар; б) ички ишлар органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган, улар учун расмий шарҳлаш мажбурият ҳисобланган, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи: ички ишлар органларининг суриштирувчи ва терговчилари, лицензия-рухсат бериш тизими ходимлари, хорижга чиқиш-кириш хизмати ходимлари, ички ишлар органлари штаблари, патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари.

Расмий шарҳлаш субъекти у ёки бу мақсадга эришишга интилиб, турли ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини таҳлил қилиши ва талаб этилганини танлай олиши зарур. Зарур нормани танлашда қуйидаги принципларга амал қилиши лозим: а) танлаб олинган норманинг қўйилган мақсадга эришиш учун мос келиши; б) танлаб олинган нормадан мақсадга эришиш учун қанчалик талаб этилса, шунча фойдаланиш талаб этилади; в) агарда субъект олдида мақсад қўйилган ва эришиш мумкин деб ҳисобланса, унинг татбиқ этилиши, қўйилган мақсадга эришиш учун зарур бўлган тегишли воситалар тўлиқ ҳажмда, ҳатто матн доирасидан кенгроқ равишда тадқиқ этилиши

¹ *Исмоилов Н. Т.* Маъмурий жаримани қўллаш асослари ва тартиблари хусусида баъзи фикрлар // *Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами.* — Т., 2006. — Б. 249.

талаб этилади; г) мақсадга эришиш учун мос келган ва танланган ҳуқуқий норма қўшимча таҳлилсиз қўлланиши мумкин эмас¹.

Ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини ёритиб бериш, яъни ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига «кириш» керак бўлади. Бу юридик шарҳлаш орқали амалга ошади. Юридик шарҳлаш барча ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар идоралари юридик шарҳлаш асосида ҳуқуқ, ҳуқуқий нормалар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлади. Фикримизча, ҳуқуқий воқелик жамиятда фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги билан чекланиб қолмайди. Юридик шарҳлашнинг аҳамияти шундаки, *биринчидан*, у нормада мужассамланган ҳокимият иродасини англаш ва тушунтириш воситаси ҳисобланади; *иккинчидан*, юридик шарҳлаш ҳуқуқий нормаларнинг тўғри татбиқ этилиши учун шарт-шароит яратиб беради; *учинчидан*, юридик шарҳлаш мамлакатнинг бутун ҳудудида ҳуқуқнинг бир хил тушунилишини таъминлаб беради; *тўртинчидан*, юридик шарҳлаш давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий ҳодисаларни таҳлил этиш, малакалаш ва қарорлар чиқаришда муҳим бўлган ҳисобланади; *бешинчидан*, қонунчилик, ҳуқуқни қўллашдаги мавжуд бўшлиқ ва бошқа ҳолатларни бартараф этишга ва шу орқали ҳуқуқдаги ва қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам беради; *олтинчидан*, юридик шарҳлаш аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий маданиятини оширишда самарали восита бўлиб хизмат қилади; *еттинчидан*, юридик шарҳлаш орқали алоҳида олинган ҳуқуқий ҳужжатларни бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан солиштириб кўриш, улардаги фарқларни аниқлаш ва шу орқали ҳуқуқ тизимининг ягоналигини таъминлаш мумкин бўлади;

саккизинчидан, айнан юридик шарҳлаш жамиятдаги ҳуқуқий нормалар, юридик амалиёт, ҳуқуқий онгни таҳлил этиш орқали ҳуқуқшунос олимларнинг амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлари, ғоялари, концепцияларини ҳамда назарияларини илгари суришлари мумкин бўлади².

Ички ишлар идоралари фаолиятида шарҳлаш масалаларини кўриб чиқар эканмиз, шарҳлашнинг нафақат юридик, балки ижтимоий моҳиятини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади, чунки ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий моҳиятини очиб бериш уларнинг тўғри қўлланишини бевосита таъминлаб беради. Бу ўринда гап қонунларда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамиятимизнинг бугунги ривожланиш жараёнини акс эттириш ҳақида бормоқда. Қонунлар жамият ҳаётининг объектив шарт-шароитларига мос келиши, улардан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Мазкур ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, уларни жой-жойига қўйишга ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш орқали эришиш мумкин бўлади. Чунки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий ислохотлар изчил давом этмоқда, ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, юридик муассасалар тизими, юридик амалиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият ва шу каби ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий қисмлари бир бутун механизм сифатида модернизация қилинмоқда. Шу ўринда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда «Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун»³ деган принципга амал қилишимиз керак. Бунда, сўз ва матбуот эркинлиги ҳимояси, оммавий ахборот воситаларига оид қонунчилик меъёрлари янги қарашлар асосида талқин этилиши, аниқроғи,

¹ Қаранг: *Мирошников Е.Г.* Официальное толкование права и его значение в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2000. — С. 8.

² Қаранг: *Березина Е.А.* Толкование договора как вид юридического толкования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Екатеринбург, 2001. — С. 13—14.

³ Қаранг: *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. Т.14. — Т., 2006. — Б. 63.

уларга мукамал ҳуқуқий шарҳлар берилиши зарур бўлади¹.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар сифатида ички ишлар идоралари ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиб, қонун ости ҳуқуқий нормаларни (буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатмалар) ишлаб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларидаги ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳужжатлари расмий ва норасмий хусусиятга эга бўлади. Ички ишлар идораларидаги шарҳлаш ҳужжатларининг таҳлил этилиши қуйидаги сабабларга кўра мураккабдир: ички ишлар идоралари фаолияти ҳокимият ваколатига эга бўлиб, бунда давлат мажбурлов чораларни қўлланилади. Ички ишлар идоралари ходимларига берилган ҳокимият ваколатлари улар амалга оширадиган хатти-ҳаракатлар ва қабул қилинаётган қарорлари учун юқори масъулият ҳиссини юклайди.

Ҳуқуқни қўлловчи ходимлар дунёқарашлари кенг, ҳар томонлама билимли ва киришувчан бўлишлари лозим. Ички ишлар идораларининг ходимлари ҳуқуқбузарликларга қарши курашар эканлар, ўз шахсий ҳислатлари билан ҳаммага ўрнатилган бўлишлари керак. Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятини тартибга солиб турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиқиш, улардан муайян лавозимларда: профилактика инспектори, жиноят-қидирув тезкор ходими, йўл-патруль хизмати инспектори, терговчи ва бошқа лавозимларда иш олиб боришлари учун махсус билимларга эга бўлиши, шахсий касбий кўникма ва сифатларни эгаллаш талаб этилади.

Ички ишлар идораларидаги ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тури ҳисобланади. Чунки, улар Олий суд Пленуми қарорларига

ўхшаб, шарҳлаш ҳужжатларини алоҳида чиқармайдилар. Яъни ички ишлар идоралари томонидан амалга ошириладиган шарҳлаш ҳаракатлари, улар томонидан чиқариладиган норматив ҳужжатларнинг мазмунига сингиб кетади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпчилиги махсус чекловчи грифга эгаллиги уларни умумназарий жиҳатдан очиқ ва тўлиқ таҳлил этиш имконини бермайди. Шу боис Ички ишлар вазирлиги томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан шарҳлаш ҳужжатларини таҳлил этишга доир махсус тадқиқотлар ҳозиргача олиб борилмаган. Шундай экан, ИИВ томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларининг таҳлилинини вазирлик томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатлар билан баробар олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг иш тартиби, вазифалари, ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти конституциявий ва қонуний асосда амалга оширилади. ИИВга хос муҳим хусусият — фаолиятининг нормативлигидир. Бу хусусият унинг қонун нормаларини ижро этиши юзасидан ҳуқуқий ҳужжатлар яратишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 21 март фармони қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда ички ишлар органлари тизимидаги камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, улар фаолиятидаги долзарб вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилди².

Ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳужжати маълум бир шахсга мўлжалланган бўлиб, унинг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари, шунингдек ушбу мажбуриятлар бажарилма-

¹ Қаранг: Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. — Т., 2005. — Б. 239.

² Ўша манба. — Б.198.

ганида келиб чиқадиган юридик оқибатларни кўрсатиб беради¹.

Ички ишлар идоралари тизимидаги тергов ходимларининг фаолиятида ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш алоҳида аҳамият касб этади. Тергов фаолиятида ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг икки жиҳати мавжуд: *биринчидан*, терговчи ўз хизмат фаолиятини амалга оширишда амалдаги қонунчилик, расмий ҳамда норасмий тушунтиришлар, кўрсатмалар ва йўриқномалардан фойдаланади. Шу жиҳатдан, шарҳлаш ҳужжатлари юридик нормаларни тўғри англаш ва қўллашда муҳим ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқни шарҳлаш тергов ишига ташқи таъсир ўтказиши; *иккинчидан*, терговчи хизмат жараёнида ҳуқуқ нормаларини қўллар экан, расмий ва норасмий шарҳлаш ҳужжатларидан фойдаланибгина қолмай, ўзи ҳам амалдаги қонунчиликни шарҳлайди ва шарҳлаш ҳужжатларини чиқаради. Шу муносабат билан ҳуқуқни шарҳлаш ҳуқуқни қўллашга мос келади ва унинг натижаларига боғлиқ бўлади².

Тергов ходимлари томонидан чиқариладиган шарҳлаш ҳужжатларининг юридик табиати тўғрисидаги масала катта аҳамиятга эга. Тергов фаолиятида ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш жараёнида, аниқроғи, унинг маълум босқичида, яъни юридик адабиётларда таъкидланганидек, «кўрилаётган ишга мос келадиган ҳуқуқ

нормасини танлашдир»³. Чунки, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳуқуқни шарҳлаш элементларини ўзида мужассам этади. Терговчи томонидан яратилган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари терговчининг ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш фаолиятининг натижасидир. Фикримизча, дастлабки тергов жараёнида яратиладиган процессуал ҳужжатлар у ёки бу даражада амалдаги қонунчиликни шарҳлашни ўзида мужассам этади. Чунки, аксарият ҳолларда ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган шахс жиноят процессининг судгача бўладиган босқичларида суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу сабабли тергов ходимлари қабул қилинган процессуал қарорлар ва амалга оширилган процессуал ҳаракатларнинг қонунийлиги ва асослилигини шарҳлашлари зарур бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ички ишлар органлари ўзларига юклатилган вазифаларни юзага чиқаришда ҳуқуқни татбиқ этади, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароит яратади. Ички ишлар идоралари ҳуқуқни қўлловчи субъект сифатида ҳуқуқни шарҳлайди. Ҳуқуқни тушуниш ва тушунтиришнинг амалий ва назарий жиҳатларини мукаммал билиш уни қўллаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

¹ Қаранг: Гранат Н.Л., Колесникова О.М., Тимофеев М.С. Толкование норм права в правоприменительной деятельности органов внутренних дел. — М., 1991. — С. 29—30.

² Қаранг: Волленко Н.Н. Следственная деятельность и толкование права. — Волгоград, 1978. — С. 65.

³ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ.Т.Одилқориевнинг таҳрири остида. — Т., 2009. — Б. 416.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига оид қонунчилик йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳуқуқ назариятчлари томонидан бу жараёни таҳлил ва тадқиқ этиш вақти келди. Қонунчиликдаги ўзгартиришлар тенденцияларини ҳуқуқ тизими нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилиш талаб этилмоқда. Бинобарин, ҳуқуқ тизими қонунчиликни тизимлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни ажратишнинг объектив асослари мазкур қонунчилик мажмуини ҳуқуқ тизими ва унинг тузилмавий элементлари нуқтаи назаридан тадқиқ қилишга ёрдам беради. Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг ривожланишида янги тенденцияларни илгари суришга имкон беради.

Бугун Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими маълум даражада шаклланди. Ҳуқуқ тизимининг ривожланишида тадқиқ этиш ва ўрганишни тақозо этувчи янги ҳуқуқ соҳалари ва институтлари пайдо бўлмоқда. Муаммо шуки, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тизим сифатида хилма-хил ҳуқуқ соҳаларини ўз ичига олади.

Дастлаб ҳуқуқ тизимини мустақил категория сифатида кўриб чиқсак. Ҳуқуқ тизими деганда, ҳуқуқнинг қандай қисмлар ва унсурлардан иборат эканлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар тавсифи тушунилади. Ҳуқуқ

тизими ҳуқуқ назариясининг мустақам категориясидир (бу масала ҳақида бир қатор назариятчи ҳуқуқшуносларнинг ёндашувлари мавжуд)¹.

Профессор З. М. Исломовнинг фикрига кўра, ҳуқуқ тизими мавжуд ижтимоий муносабатлар тизими билан объектив мутаносиб ҳуқуқнинг ички тузилиши бўлиб, у норматив материалнинг муайян кетма-кетликда жойлашуви ва бирлашуви асосида намоён бўлади². Ҳуқуқ тизими миллий ҳуқуқ тузилиши бўлиб, жамиятдаги мавжуд ҳуқуқ нормаларининг маълум қисмларга бўлинишидир³. Ҳуқуқ тизимини илмий категория сифатида таърифлаш барча юридик нормаларнинг тузилмавий қурилишини ифодалаш орқали белгиланади. Ҳуқуқ тизимига нисбатан илмий категория сифатида ёндашиш ҳуқуқ нормаларини тартиблаштириш, алоҳида соҳа ва институтларга бириктириш ҳамда шу йўл билан ҳуқуқ назарияси ва амалиётини ўрганиш жараёнини осонлаштиришга имкон беради.

Ҳуқуқ тизими таркибидаги энг йирик тузилма ҳуқуқ тармоғидир. Ҳуқуқ тизимининг тузилишига ўзига хос ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи махсус ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқ институтларининг йиғиндисидан иборат бўлган конституциявий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, оила, меҳнат, фуқаролик, маъмурий, молия ва ҳўжалик ҳуқуқлари каби соҳалар қиради.

* Ўзбекистон Миллий университети давлат-ҳуқуқ назарияси ва бошқаруви кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ. Бобоев ва ю.ф. д. Ҳ. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2000. — Б. 312—326; Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. Ж.2. — Т., 2001. — Б.154—156; Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Ҳ.Т.Одилқориев ва бошқ. — Т.: «Шарқ», 2009. — Б.343; Лазарев В. В. и др. Теория государства и права: Учебник / Под ред. акад. К. Х.Абдурахманова. — Т., 2007. — С.295; Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. — М., 2001; Венгеров А.Б. Теория государства и права: Учебник. — М., 2000. — С. 373—375; Черданцев А.Ф. Теория государства и права. — М., 1999. — С. 235; Раҳмонқулов Н. Нуқуқ тизими ва унинг соҳалари. — Т., 2005. — В. 60.

² Исломов З. М. Общество. Государство. Право (вопросы теории). — Т., 2001. — С.508.

³ Юридик энциклопедия / Проф. У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2001. — Б.652.

Хуқуқ соҳаси (тармоқлари) бу — ўзининг алоҳида методлари билан ижтимоий муносабатларнинг нисбатан аниқ турларини, яъни бир туркумли соҳасини тартибга солувчи, хуқуқ тизимининг мустақил ажратишга лойиқ қисмини ташкил қилувчи хуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат¹.

Профессор С. С. Алексеевнинг таърифича, хуқуқ соҳаси — хуқуқ институтлари бўйича ўзаро боғланган, тақсимланган нормалар тизимидан иборат бўлган ижтимоий муносабатларнинг махсус кўринишини тартибга солувчи хуқуқнинг ўзига хос юридик бўлинмасидир.

Проф З.М.Исломов хуқуқ соҳаларини икки гуруҳга ажратиб кўрсатади, яъни:

1) *асосий хуқуқ соҳалари*: конституциявий, маъмурий, молиявий, ер, фуқаролик, меҳнат, оила, жиноят, жиноят-ижроия, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал. Улардан конституциявий, жиноят ва фуқаролик хуқуқи соҳаларининг аъъанавий экани таъкидланади;

2) *мажмуий хуқуқ соҳалари*: денгиз, сув, ўрмон, турар жой ва бошқа.

Юридик адабиётларда ҳар қайси хуқуқ соҳаси ўз хуқуқий тартибга солиш методларига эгаллиги ёритилган. Масалан, маъмурий хуқуқ учун давлат-ҳокимият буйруқ бериш, фуқаролик хуқуқи учун тенглик, рухсат бериш, меҳнат хуқуқи учун адолатли тақдирлаш ва рағбатлантириш, жиноят хуқуқи учун жазо таҳдиди билан ман этиш методлари ва ҳоказо. Ушбу фикрларни маъқулласак ва Ўзбекистон хуқуқ тизимида 20 дан ортиқ хуқуқ соҳалари мавжудлигини инобатга олсак, шунча миқдорда хуқуқий тартибга солиш методларининг ҳам мавжудлигини тан олиш зарур бўлади.

А.Б. Венгероунинг фикрича, хуқуқ тармоқлари (соҳалари) хуқуқий тартибга солиш предмети ва методининг умумийлиги билан ажралиб туради. Лекин мазкур мезонлар фақат жиноят ва фуқаролик хуқуқи соҳаларида яхши ишланган. Предмет ва методнинг умумийлигини барча хуқуқ тармоқлари (соҳа-

лари) ҳам ифодалай олмайди. Ўз предметига кўра ажралган мазкур муносабатлар учун тартибга солиш методи яна ишлаб чиқилиши мумкин бўлган ёки аралаш ёхуд аниқ мазмунга умуман эга бўлмаган космос, экология, ахборот ва бошқа шу каби янги хуқуқ тармоқлари вужудга келмоқда. Бундан ташқари, жамият ҳаётининг бир қанча соҳаларини қамраб олувчи, яъни ўзаро боғлиқ бўлган бир қанча тартибга солиш предметларига эга мажмуий хуқуқ соҳаси пайдо бўлмоқда².

Мажмуий хуқуқ соҳаларининг табиати ҳақидаги масала мунозаралидир. Улар ўз предмети ва методига эга бўлмаган ёки мустақил хуқуқ соҳаларидан фарқли ўлароқ, қонунчилик соҳалари деб ҳисобланмоқда³.

Юридик фанда хуқуқ соҳаси ва қонунчилик соҳаларининг ўзаро муносабати, айниқса, мажмуий хуқуқ соҳалари (ёки қонунчилиги)нинг мажудлиги тўлиқ аниқланмаган⁴.

Фикримизча, шундай мажмуий соҳалардан бири — бола хуқуқларини хуқуқнинг мустақил, янги соҳаси деб ҳисоблаш мумкин. Бола хуқуқлари оила хуқуқининг тармоқчаси сифатида Ўзбекистон миллий хуқуқ тизимининг мажмуий тармоғига айланди. Бола хуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар мустақил соҳа бўлиб ажралиб, хуқуқий тартибга солишнинг махсус методини ҳам талаб этмоқда. Бола хуқуқларига оид Оила кодексидаги нормаларнинг тартибга солиш методи бошқа нормаларга қараганда ўзгача. Чунки ушбу нормалар нафақат диспозитив, балки кўпроқ императив методни ҳам талаб этмоқда. Масалан, Оила кодекси 73-моддасининг мазмуни ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбияси, камолоти ҳақида қайғуриши зарурлигини белгилайди, яъни ота-оналар фарзандлари вояга етгунга қадар улар ҳақида ғамхўрлик қилишлари, уларга таълим-тарбия беришлари шарт. Шунинг билан бирга, ушбу хуқуқ нормаси таълим-тарбиянинг қандай усулларидадан фойдаланишни ота-оналар ихтиёрига топширмоқ-

¹ Қаранг: *Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А.Х.* Теория государства и права: Учебник / Под ред. акад. К. Х. Абдурахманова. — Т., 2007. — С.295.

² *Венгеро А.Б.* Теория государства и права: Учебник. — М., 2000. — С. 381.

³ Қаранг: *Протасов В.Н.* Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. — М., 2001. — С. 149.

⁴ Қаранг: *Лазарев В. В., Липень С.В., Саидов А. Х.* Теория государства и права: Учебник. — Т., 2007. — С.303.

да. Бунда ота-оналар таълим-тарбиянинг ўз фарзандлари учун маъқул топган муайян усулларидан фойдаланишлари мумкин. Бироқ ота-оналарнинг ўз фарзандларига нисбатан мажбуриятларини бажармасликлари қонунда белгиланган тартибда юридик жавобгарликни келтириб чиқаради.

18 ёшга тўлмаган шахсларни тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунлардаги ишларга жалб этишнинг тақиқланиши каби хатти-ҳаракат субъектига белгиланган ҳаракат моделидан четга чиқишни ман этувчи императив нормалар болаларнинг меҳнат соҳасидаги муносабатлардаги иштирокини таъминлашда хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ҳар қандай «мажмуалаштириш» дастлаб қонунчиликда шаклланади ва объектив заруратни акс эттиради¹. Бу ҳолатни биз бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг шаклланишида кузатамиз.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир. У асосида мамлакатимизда болалар ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик базаси яратила бошланди. Авваламбор, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий асосда мустаҳкамланиши халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига хос юксак инсоний фазилатнинг ўзига хос ифодаси эди. Конституциянинг 41-моддаси ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқига эгаллигини, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланишини белгиласа, 45-моддада: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», — деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Оилага бағишланган XIV бобнинг 64-моддасида: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни

рағбатлантиради», — деб кафолатлаб қўйилган.

Конституциянинг 65-моддасида эса: «Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», — дейилган.

Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш нафақат Конституциямизда, балки қонунчилигимиз деярли барча соҳаларининг нормалари билан ҳам амалга оширилади. Жумладан, юқорида ҳам таъкидлаганимиз Ўзбекистон Республикасининг Оила, Фуқаролик, Меҳнат, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Уй-жой кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунларида назарда тутилган.

Демак, бола ҳуқуқлари илмий ва амалий тан олинган, бола билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга ихтисослашган кенг қамровли норматив-ҳуқуқий актларда ўз аксини топган. Улар маъмурий, оила, фуқаролик, меҳнат ҳуқуқи тармоқларининг нормаларини ўз ичига олади.

Профессор А. Саидов бу борада куйидаги ғояни илгари суради: «Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда боланинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи юридик меъёрлар ҳуқуқнинг турли соҳалари — оила, фуқаролик, молия, ижтимоий таъминот, меҳнат, жиноий, фуқаролик-процессуал, жиноий-процессуал, солиқ ва бошқа соҳалари ўртасида «сочилиб» кетган. Бу шароитларда меъёрий-ҳуқуқий бошқаришда хато-камчиликларнинг юз бериши муқаррардир. Бу ҳуқуқий институтни шакллантириш учун ягона асос зарур. Конституция ва конституциявий ҳуқуқ, шунингдек, ҳуқуқнинг бутунлай янги соҳаси — ювенал ҳуқуқ нормалари ана шундай асос бўлиши мумкин. Ювенал ҳуқуқ Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимининг шаклланаётган янги соҳаси сифатида ўз предметига ва ҳуқуқий бошқариш методига эга².

¹ Ўша манба. — Б.304.

² Ўзбекистонда ювенал адлия: ҳозирги аҳволи ва истиқболлари: Миллий семинар материаллари. — Т., 2002. — Б.13.

Фикримизча, бугунги кунда қонунчилик ривожланишининг тенденцияларини инобатга олган ҳолда, бола ҳуқуқларини мажмуий ҳуқуқ соҳаси, деб таърифлаш мумкин. Ушбу мажмуий ҳуқуқ соҳасининг ювенал ҳуқуқ ёки бола ҳуқуқлари деб номланиши масаласи ҳозирча очиқ қолмоқда. Муҳими шундаки, ўзининг алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш методига эга бўлган бу соҳадаги мустақил ижтимоий муносабатларнинг объектив шаклланиши ва мазкур ғоянинг мавжудлиги аҳамиятлидир.

Ҳуқуқ назарияси фанида мажмуий ҳуқуқ соҳаларига ажратиш масаласи баҳслидир. Мажмуий ҳуқуқ соҳаларида мураккаб ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, турли ҳуқуқ соҳалари (тармоқлари)га кирувчи нормалар ва институтлар бирлаштирилган. Бир томондан, ижтимоий муносабатларнинг етарли даражада бир туркумли соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси кўрсатилган. Яъни ҳуқуқни соҳаларга бўлиш мезонларидан бири ҳуқуқий тартибга солиш предмети намоён бўлади. Қоидага кўра, мазкур ҳуқуқ нормалари алоҳида норматив ҳужжатларда тузилмавий асосланган. Унда у ёки бу ҳуқуқ нормалари йиғиндиси алоҳида сифат берувчи махсус принциплар, умумий қоидалар ва муайян юридик воситалар мавжуд. Лекин бундай ҳолатларда мустақил ҳуқуқ тармоғининг ажралиши учун зарур ва барча юридик хусусиятларни бир бутун қилиб бирлаштирган бош мезон ҳуқуқий тартибга солиш методи бўлмайди. Шундай қилиб, масалан, бола ҳуқуқларида мавжуд тартибга солишнинг юридик режими мустақил аҳамиятга эга бўлмаса-да, лекин муайян ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Баъзи назариётчи олимлар мажмуий ҳуқуқ соҳаларининг мавжудлигини тан олиб, уларни иккинчи даражали дейдилар¹, чунки ҳар қандай мажмуий соҳалар нормалари, масалан, бола ҳуқуқлари бир вақтнинг ўзида конституциявий, жиноят, маъмурий, фуқаролик ва бошқа асосий ҳуқуқ соҳалари (тармоқлари)нинг нормалари ҳам ҳисобланади.

Назаримизда, улар тўлиқ ҳуқуқ соҳасидир. Ҳуқуқ тизимида улар мавжудлигининг ўзи ҳам

уларнинг янги сифат даражасига ўтганлигидан далолат беради. Мажмуий соҳалар, асосий ёки мустақил ҳуқуқ соҳаларидан фарқли ўлароқ, ўзгача қатъий асосларда шаклланган. Маълум ривожланиш босқичига етгач, ҳуқуқ тизими бир туркумлигидан қатъи назар, ижтимоий тўлақонли соҳаларни тартибга солади, улар: тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, транспорт, халқ таълими, экология ва бошқалар. Агар асосий тармоқни шакллантиришнинг асоси ҳуқуқ методидан бошланса, мажмуий шакллантириш ижтимоий асосларга, яъни предметга қурилади. Мажмуий ҳуқуқ соҳасининг предмети юридик турли туркумли, шунинг билан бирга у тўлиқ ва маълум ижтимоий тизимни ифодалайди. Ҳозирги замон юридик фани нуқтаи назаридан, ушбу мезонлар бола ҳуқуқлари мажмуий ҳуқуқ соҳасида ўз ифодасини топади. Бола ҳуқуқлари мажмуий ҳуқуқ соҳасининг ажралиши Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг ривожланганлик даражасини кўрсатади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, мустақил ҳуқуқ тармоғи ташкил этилиши учун қуйидаги шартлар бўлиши лозим:

1) у ёки бу муносабатлар ўзига хослигининг маълум даражаси;

2) бу муносабатларнинг ҳажми, кенглиги ва кўплиги;

3) вужудга келган муносабатларни бошқа ҳуқуқ тармоқларининг нормалари ёрдамида тартибга солиш имконининг йўқлиги;

4) бу муносабатларни тартибга солиш алоҳида методини қўллашнинг зарурлиги².

Келтирилган шартлар қаторига яна иккита мезонни киритиш мумкин. Булар мустақил принципларга эгаллик ва институционал асоснинг мавжудлигидир.

Бир қатор ҳуқуқшунос олимлар мустақил ҳуқуқ тармоғини белгиловчи мезонлар қаторига ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети ва методи билан бирга, «тартибга солишнинг юридик режими»ни ҳам киритадилар. Уларнинг тасдиқлашича, ҳар бир ҳуқуқ тармоғи (соҳаси)га бир қатор махсус хусусиятлар хосдир. Улар ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методи орқали шакл-

¹ Қаранг: Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А. Х. Теория государства и права: Учебник. — Т., 2007. — С.306.

² Қаранг: Бобоев Ҳ. Б. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2000. — Б.316.

лантириладиган «тартибга солишнинг алоҳида соҳавий юридик режими» йиғиндисини ташкил қилади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, боланинг ҳуқуқларига оид барча нормалар қайси ҳуқуқ соҳасига тегишлилигидан қатъи назар, ўзининг махсус ҳуқуқий режимига эга эканлигини таърифлаш мумкин. Масалан, етим бола, ногирон бола, иқтидорли бола, оилада яшайдиган бола ва ҳоказо.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳавий режимининг қуйидаги белгилари мавжуд: соҳанинг юридик режими моддий жиҳатдан тартибга солиш предметига асосланганлиги; асосий методнинг негизида ҳуқуқий тартибга солиш соҳавий методининг шаклланганлиги; принциплар, яъни мазкур соҳа мазмунини ифодаловчи махсус ғоялар ва умумий ҳолатлар ҳамда кодекслаштирилган ҳужжат билан бошқарилувчи алоҳида қонунчилик соҳасининг мавжудлиги.

Принциплар ва умумий қоидалар соҳага алоҳида мазмун беради. Масалан, бола ҳуқуқларининг соҳавий принциплари Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда қуйидагича белгиланган:

— яшаш, соғлом бўлиш ва ривожланиш боланинг ажралмас ҳуқуқий принципи;

— бола манфаатларининг янада яхшироқ таъминланиши принципи;

— болани камситишга йўл қўймаслик принципи;

— боланинг ўз фикрини эркин ифодалаш ва тинч йиғилиш эркинлигига бўлган ҳуқуқий принципи.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қуйидаги асосий ҳуқуқий принципларини қайд этиш мумкин:

— бола ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлашда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари устуворлиги;

— давлат томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза этишнинг таъминланиши;

— етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат ва жамият томонидан ғамхўрлик кўрсатилиши;

— ота-онасининг келиб чиқиши ва фуқаролик ҳолати сабабли болаларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

— болаларга мурувват кўрсатиш, хайрия фаолиятини рағбатлантириш;

— ота-онанинг ўз фарзандларини боқиш ва тарбия қилишга мажбурлиги.

Демак, бола ҳуқуқлари соҳасининг нафақат тартибга солиш предмети ва методи, балки унинг устувор принципларини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушбу хусусиятларни ўрганиш қонунчиликни тартибга солиш, тизимлаштириш ҳуқуқни самарали амалга оширишда ёрдам беради.

Шу боис, бола ҳуқуқларига оид турли соҳадаги қонун ҳужжатларини ўзида мужасамлаган ҳуқуқий тартибга солишнинг ишлаб чиқилган ягона механизми бу 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги махсус қонун¹ бўлди. Мазкур қонунда бола ҳуқуқларига оид асосий принциплар ва қоидалар мустақамлаб қўйилган, аслида у болаларнинг барча ҳуқуқлари мажмуини мустақамловчи болалар конституцияси ҳисобланади ва мустақил ҳуқуқ соҳанинг далили бўла олади. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун бола ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, унинг манфаатлари устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришнинг узвий давоми бўлди. Боланинг жамиятдаги ҳуқуқий мақомини кучайтиришга хизмат қилувчи ушбу қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларига доир ҳуқуқий нормалар алоҳида белгилаб берилди.

Шундай қилиб, ижтимоий ва амалий эҳтиёж маҳсули сифатида шаклланиб, унга бўлган объектив зарурат туфайли ажралиб чиққан бола ҳуқуқлари соҳаси (тармоғи) бола билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар ва ҳуқуқ институтларининг алоҳида мажмуини ташкил этади. Бола ҳуқуқлари тармоғи бола ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ривожланишига асос бўла олади ва унинг устуворлигини таъминлайди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2008. — № 1—2. — 1-м.

Н. А. Қўлдашев*

ДЕЛИКТ МАЖБУРИЯТЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Цивилист олимлар деликт мажбурият институти қадимги Рим ҳуқуқи манбаларига бориб тақалишини, бу институт (*delicta unpermissa Handlungen, torts*) мажбуриятлар турининг энг қадимгиси ҳисобланишини¹ таъкидлайдилар. «Деликт» лотинча «*deliktum*» сўзидан олинган бўлиб, «бузиш», «айб» деган маъноларни англатади. Бироқ «деликт» атамаси цивилистик адабиётларда кенг қўлланилса-да, миллий қонунчилигимизда умуман қўлланилмайди. Аммо, МДХ айрим давлатларининг фуқаролик қонунчилигида бу атамани учратиш мумкин, масалан, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик кодексининг 59-боби «Фуқаровий ҳуқуқбузарлик (деликтлар)», Молдова Республикаси Фуқаролик кодексининг 1398-моддаси «Деликт жавобгарликнинг умумий асослари ва шартлари»², деб номланган.

Деликт мажбуриятлар цивилистика фанининг қадимги Рим ҳуқуқидан бошлаб ҳозирги кунгача баҳс-мунозарага сабаб бўлган ва ҳануз давом этиб келаётган энг муҳим институтларидан биридир. Юридик адабиётларда бу институтни цивилистлар «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар», «деликт мажбуриятлар», «ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган мажбуриятлар», «шартномасиз

мажбуриятлар», «ножоиз (ман этилган) ҳаракатлардан келиб чиққан мажбуриятлар»³, деб изоҳлайдилар. Бироқ мазкур институтнинг турлича аталиши ёки номланиши унинг мазмун-моҳиятини очиб бермаса-да, бизга унинг қуйидаги муҳим белгиларини аниқлашга имкон беради:

биринчидан, деликт мажбурият институти «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият» деб номланишида унинг асосий белгиси ҳаракат оқибати эканлиги англанади, яъни ушбу ҳолатда ҳар доим зарар деликвент (зарар етказувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида вужудга келади. Зотан, етказилган зарар ҳар доим ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг натижаси деб қаралади;

иккинчидан, деликт мажбурият институтининг «ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» ёки «ножоиз (ман этилган) ҳаракатлар» дейилиши, зарар етказиш фактининг ғайриқонуний ҳаракат билан боғлиқ эканлигини асослайди, яъни бунда ҳар доим зарар етказувчининг ҳаракати қонунга ёки ҳуқуққа хилоф бўлади ва зарар ғайриқонуний ҳаракатнинг маҳсули деб фараз қилинади;

учинчидан, деликт мажбурият институтининг «шартномасиз мажбурият» дейилиши

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедрасининг ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. II қисм / Ҳ. Раҳмонқулов ва И. Зокировнинг умумий таҳрири остида. — Т., 1999. — Б. 547.

² Қаранг: Гражданский кодекс Республики Молдовы // *Registrul de stat al actelor al Republicii Moldova / [Электронный ресурс]: Режим доступа: www.lex.justice.md/. свободный. — Загл. с экрана. — Яз. рус.*

³ Қаранг: *Флейшиц Е. А.* Обязательства из причинения вреда и неосновательного обогащения. — М., 1951. — С. 7; *Смирнов В. Т., Собчак А. А.* Общее учение о деликтных обязательствах в советском гражданском праве. — Ленинград, 1983. — С. 257.

унинг ҳаракатни амалга ошириш чегараси, яъни бунда деликвентнинг зарарни қоплаш мажбурияти шартномадан ташқаридаги ҳаракат оқибатида вужудга келганлиги билан ифодаланади;

тўртинчидан, деликт мажбурият институтининг «фуқаровий ҳуқуқбузарлик» дея ифодаланиши айнан фуқаролик ҳуқуқлар (мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлар)нинг бузилишини, яъни бунда ҳуқуқбузарликнинг объекти фуқаролик ҳуқуқлари эканлигини ифодалайди.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги белгилар деликт мажбурият институтининг мазмун-моҳиятини тўлиқ ифода этмайди. Е. А. Флейшиц ушбу институтни «деликт мажбуриятлар» деб номлашни таклиф қилиб, «чунки етказилган мулкӣ зарар мажбуриятни бажармаслик оқибатида эмас, балки ҳуқуққа хилоф ҳаракат оқибатида вужудга келади»¹, дея таъкидлайди. Бироқ, бизнингча, бундай ёндашув бироз ноаниқ, сабаби фуқаролик ҳуқуқида «ҳуқуққа хилоф ҳаракат» билан «мажбуриятни бажармаслик» тушунчалари бир хил маънони англатади. Чунки шартнома мажбуриятини бажармаслик айни вақтда ҳуқуққа хилоф ҳаракатдир, зарар эса шартнома мажбуриятини бажармаслик оқибатида ҳам вужудга келади, шунингдек, шартнома мажбуриятини қасддан бажармасликнинг ўзи эса ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Назаримизда, «шартномадан ташқари мажбуриятлар» деган тушунча жуда кенг маънода тушунилиши керак. Яъни бу шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларнинг барчасига тааллуқлидир. Хусусан, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар, давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатлари ва суднинг қарорларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар, яна шунингдек ФКнинг 8-моддаси — «Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг

вужудга келиш асослари»да таъкидланган бошқа асослардан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳам шартномадан ташқари мажбуриятлар ҳисобланади. Демак, деликт мажбуриятга шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларнинг бир тури деб қараш тўғри бўлади.

Бундан ташқари, деликт мажбурият деганда, кўпроқ ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар тушунилса, шартномадан ташқари мажбуриятлар эса кенгроқ мазмун касб этиб, нафақат ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар, балки юқорида таъкидланган шартномасиз мажбуриятларнинг барча турларини назарда тутлади.

Деликт мажбурият — фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг турли ғайриқонунӣ ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари туфайли бошқа шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, мулкига ва мулкӣ ҳуқуқларига, шунингдек шахсий номулкӣ ҳуқуқларига етказилган зарарларни қоплаш мажбуриятини англатади. Бу ерда зарарнинг кўп ҳолларда зарар етказувчи ҳам, жабрланувчи ҳам билмаган ёки билиши мумкин бўлмаган вазиятларда юзага келишини (бунда ҳар доим ҳам деликвентнинг қасд ёки айбли ҳаракати бўлмаслиги мумкин) алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боис, зарар етказганлик учун жавобгарлик деликвентнинг айби бўлмаган тақдирда ҳам белгиланиши мумкин. Дарвоқе, ушбу қоида Фуқарлик кодексининг бир нечта моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, 985-модданинг 4-қисмида «қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин»лиги, 990-модданинг 1-қисмида «мансабдор шахсларнинг айбидан қатъи назар» зарар қопланиши, 991-модданинг 1-қисмида «фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар» тўланиши, 1021-модданинг 2-қисмида эса маънавий

¹ Қаранг: *Флейшиц Е.А.* Обязательства из причинения вреда и неосновательного обогащения. — М., 1951. — С.7.

зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши шартлиги тўғрисидаги қоидалар белгиланган. Чунончи, фуқаролик қонунларида «айбсиз жавобгарлик мавжуд эмас»¹, деган фикрларни истисно этувчи ҳолатлар ҳам мавжудки, булар асосан деликт мажбуриятлардагина учрайди. Чунки шартномавий жавобгарлик айбнинг мавжудлигига асосланади. Форс-мажор оқибатида шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган бўлса, натижада келиб чиққан зарарда мажбуриятни бажармаган томоннинг айби бўлмаган деб қаралади ва бундай зарар тўланмайди².

Таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқ қонунчилигида давлат органларининг деликт жавобгарлиги амалда қўлланилмаган, етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги қоида эса фақат шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик сифатида белгиланган эди. Буни цивилистлар: «амалдаги Фуқаролик кодекси кучга киритилгунга қадар фуқаролик қонунчилигида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини келажақда етказилиши мумкин бўлган зарарлар хавфидан ҳимоя қилиш воситаси мавжуд эмас эди»³, — дея изоҳлайдилар. Ҳ. Раҳмонқуловнинг таъкидича, ўша даврда 1963 йилда қабул қилинган Гражданлик кодекси амалда бўлиб, унинг 481-моддасида давлат бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида йўл қўйган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида фуқароларга етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги қоида мустаҳкамланган эди. Лекин ушбу норма амалиётда қўлланилмади, чунки етказилган зарарни ундириш тартиби қонун билан аниқ белгиланмаган эди⁴. Қайд этиш

ўринлики, 1997 йилнинг 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган (ФКнинг 57-боби) ва бу юқоридаги камчиликлардан мутлақ холидир.

Деликт институтининг тавсифи билан боғлиқ яна бир фикр шуки, у ҳам бўлса, юридик адабиётларда бу институтнинг баъзида «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар», баъзида эса «зарар етказганлик учун жавобгарлик» деб юритилганидир. Бу ҳолат фуқаролик қонун ҳужжатларида ҳам учрайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-боби «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» деб номланса-да, ушбу бобнинг 985-моддаси «Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари» деб номланган, бобнинг кейинги моддаларида ҳам «мажбуриятлар» ўрнига «жавобгарлик» атамаси қўлланиб кетаверган. Бу ҳолат кишини турли баҳс-мунозараларга тортади, ваҳоланки, юқоридаги модда айнан «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг умумий асослари» деб номланганда, мақсад янада аниқ бўлар эди. Яна айтиш мумкинки, қонунчиликда бу атамаларга мустақил тушунчалар сифатида қаралмаган, яъни улар бир хил маънода ифодаланилган. Аммо «жавобгарлик» ва «мажбурият» сўзларининг моҳиятига тўхталсак, жавобгарлик ҳар доим ҳуқуқбузарликнинг оқибатида, мажбурият эса кўпинча шартнома (келишув) асосида вужудга келиши ҳаммага аён вазиятлардир. Шу жиҳатдан деликт оқибатида келиб чиқадиган зарарнинг «Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарликлар» деб номланиши унинг мазмунига монанд. Демак, Ўзбекистон Республикаси

¹ Қаранг: *Матвеев Г.К.* Основания гражданско-правовой ответственности. — М., 1970. — С. 174.

² Бунда етказилган зарар, қачонки шартнома мажбурияти суғурталанган бўлса, суғурта ташкилоти томонидан суғурта пули баробарида қопланиши мумкин, лекин форс-мажор ҳолатида шартнома мажбуриятини бажармаган томонга зарарни тўлаш мажбуриятини юклаб бўмайди.

³ Қаранг: *Abdusalomov M. va boshq.* Fuqarolik huquqi. II qism. — Т., 2007. — Б.572.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг I қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. — Т., 1997. — Б. 100.

Фуқаролик кодексининг 57-бобини «Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарликлар» деб номлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарлик институти тўғрисидаги фикрларни умумлаштириб, унинг қуйидаги белгиларини алоҳида таъкидлаш мумкин:

биринчидан, деликт жавобгарлик субъектлари (деликвент ва жабрланувчи)нинг муносабатлари шартнома муносабатларига боғлиқ бўлмайди;

иккинчидан, деликт жавобгарликда зарар етказувчи билан жабрланувчи ўртасида шартнома тузилган бўлиши ҳам мумкин, бироқ бунда етказилган зарар айнан шартнома мажбуриятларини бузиш оқибатида келиб чиқмайди. Дейлик, деликвент жабрланган субъект билан шартнома тузган бўлиши мумкин, лекин айнан контрагентга етказилган зарар ушбу шартнома мажбуриятини бажармаслик оқибати ҳисобланмайди;

учинчидан, деликт жавобгарликларни тартибга солувчи нормалар қонунда белгиланган айрим ҳолларда шартнома мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарларни қоплаш муносабатларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Хусусан, ФКнинг 1005-моддасида: «шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидаги хизматни ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар, агар қонунда ёки шартномада жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилмаган бўлса, ушбу 57-боб қоидаларига мувофиқ қопланади», — дейилган. Яна, ФКнинг 509-моддасига асосан, ҳада шартномасидан келиб чиққан зарар муносабатлари, яъни камчиликлари бўлган мол-мулкни ҳада қилиш оқибатида етказилган зарар, шунингдек ФКнинг 725-моддасига кўра, шартнома бўйича йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчига жавобгарлик белгилашда деликт жавобгарлик муносабатларига оид қоидалар қўлланилиши назарда тутилган.

Айтиш мумкинки, ФКнинг «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар»

номли 57-боби тартибга соладиган муносабатлар доираси жуда кенг қамровли ва унинг қоидалари нафақат деликт жавобгарлик муносабатларига, балки шартномавий мажбурият муносабатларига ҳам татбиқ этилиши мумкин бўлса-да, шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар деликт жавобгарлик муносабатларига нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-бобида «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» нафақат зарарни қоплаш тартибини, балки унинг олдини олиш тўғрисидаги қоидаларни ҳам назарда тутди. Хусусан, ФКнинг 986-моддаси «Зарар етказишнинг олдини олиш» деб номланиб, унинг биринчи қисмида «келгусида зарар етказилиши хавфи борлиги бундай хавфни юзага келтирадиган фаолиятни тақиқлаш тўғрисида»ги даъвони қўзғатиш мумкинлигига асосланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида», «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам барча хавф-хатар ва зарарлар тўғрисида ҳар бир шахснинг судга мурожаат этиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, зарарнинг кутилмаган ҳодиса ва тасодифлар оқибатида вужудга келиши боис, унинг келиб чиқишини ҳар доим ҳам олдиндан аниқ айтиб (башорат қилиб) бўлмайди. Бу эса ҳар қандай даврда кутилмаган зарарлардан ҳимояланиш зарурлиги ва долзарблигини англатади. Айниқса, айни кунда зарарларнинг келиб чиқиши ўзгача бир тус олмоқдаки, шахслар (фуқаро, юридик шахс, давлат)га зарарлар табиат ҳодисаларидан кўра кўпроқ ғайриқонуний ҳаракатлар оқибатида етказилмоқда. Ғайриқонуний ҳаракатлар ҳар доим ҳам қонунга хилофлиги маълум, улар иккинчи тарафнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келади.

ОСМОТР КАК СПОСОБ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИКСАЦИИ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНОГО ПРОИСШЕСТВИЯ

В современных условиях роста количества транспортных средств обеспечение безопасности дорожного движения стало одной из острых социальных проблем. Автомобилизация, наряду с положительными факторами, имеет и негативные последствия, связанные с ростом дорожно-транспортных происшествий¹. За последние годы в мире гибель людей в результате ДТП занимает третье место после раковых и сердечно-сосудистых заболеваний².

По своей сути дорожно-транспортное происшествие должно рассматриваться как событие, вызванное нарушением согласованности в дорожном движении. Это может выражаться в нецелесообразных действиях водителя транспорта, нереагировании на возникшие опасные факторы в дорожной обстановке, в частности, на действия других водителей транспорта, грубую неосторожность пешеходов, в несвоевременном обнаружении препятствий, дефектов дороги, в нарушении психофизических функций человека, в отказе техники.

Дорожно-транспортные происшествия, в результате которых наступили серьезные вредные последствия – менее тяжкие или тяжкие телесные повреждения либо смерть

потерпевшего, являются преступлениями, связанными с нарушениями правил безопасности движения или эксплуатации транспортных средств, т. е. деяниями, влекущими уголовную ответственность в соответствии со ст. 266 УК Республики Узбекистан. Данная статья предусматривает уголовную ответственность за нарушение правил безопасности движения или эксплуатации транспортного средства лицом, управляющим транспортным средством, повлекшее средней тяжести или тяжкое телесное повреждение, повлекшее смерть человека или повлекшие человеческие жертвы, катастрофу, иные тяжкие последствия.

В подавляющем большинстве случаев ДТП возникают в результате нарушения правил дорожного движения (ПДД) водителями, пешеходами, пассажирами, велосипедистами, а также вследствие грубых нарушений работниками транспортных хозяйств правил технической эксплуатации и плохого контроля за состоянием дорог и организации регулирования дорожного движения³.

По мнению Б.Д. Завидова и М.Ю. Лебедева, «причины ДТП подразделяются на субъективные и объективные. К субъективным факторам ДТП относят: нарушение

* Преподаватель кафедры криминалистики Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ Событие, происшедшее в результате нарушения тех или иных правил безопасности дорожного движения, в котором обязательно участвовал автотранспорт либо городской электротранспорт, и после которого наступили вредные последствия, именуется дорожно-транспортным происшествием (ДТП).

² См.: Диметов Р. Модели регулирования исследования вопросов профилактики правонарушений в сфере дорожного движения // Жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар. – Т., 2003. – С.55–59; Демидова Т. В. Взаимодействие следователя с сотрудниками экспертно-криминалистических подразделений при расследовании дорожно-транспортных преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С.3.

³ См. подробнее: Аппаков М.П. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг олдини олиш юзасидан криминалогик чоралар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011. – №3. — С. 47–53.

правил дорожного движения; нарушение правил безопасности движения и эксплуатации транспортных средств, включая оставление места ДТП виновным участником дорожного движения (водителем, пешеходом, пассажиром, а равно иным участником дорожного движения). Объективными причинами считают: недостатки в планировании улиц и автодорог, освещенность проезжей части в темное время суток, состояние дорожного покрытия, самых различных средств регулирования, в том числе дорожных знаков, тормозных, маневренных и других частей автотранспортных средств»¹.

Специфика расследования уголовных дел, связанных с нарушениями правил безопасности движения, обуславливает особую значимость такого следственного действия, как осмотр места происшествия, поскольку его результаты служат исходными данными для проведения неотложных следственных действий. «Основания производства любого следственного действия, – отмечает О.Я.Баев, – предопределяются целями, на достижение которых оно направлено в соответствии с уголовно-процессуальным законом»². В качестве главных целей следственного осмотра, относящихся к любому его виду, УПК Республики Узбекистан предусматривает следующие: обнаружение следов преступления, выяснение других обстоятельств, имеющих значение для уголовного дела. Следует отметить, что качество производства осмотра места происшествия находится в прямой зависимости от степени подготовленности следователей и специалистов-криминалистов, от их умения правильно и эффективно использовать технико-криминалистические средства.

Осмотр места дорожно-транспортного происшествия должен производиться сразу же после получения сообщения о случившемся событии. Объясняется это тем, что ДТП происходят на дорогах или оживленных автомагистралях с интенсивным движением транспортных средств, которые могут уничтожить следы, имеющие важное значение для

установления истины по делу, а приостанавливать движение на время осмотра не всегда представляется возможным. Кроме того, необходимо учитывать и пагубное воздействие атмосферных условий, а также и то обстоятельство, что промедлением с выездом могут воспользоваться виновники ДТП (например, оставление места происшествия, уничтожение следов преступления на транспортном средстве или на проезжей части, повреждение отдельных узлов или агрегатов транспортного средства с тем, чтобы впоследствии заявить о случайно возникшей неисправности во время движения). К тому же исходная информация о ДТП чаще бывает краткой и неточной, поэтому вопрос о возбуждении уголовного дела решается после осмотра места ДТП, что предусматривается уголовно-процессуальным законодательством.

При получении сообщения о ДТП дежурный по органу внутренних дел принимает решение о направлении на место происшествия следственно-оперативной группы, которая обычно состоит из следователя и инспектора ГСБДД, а в необходимых случаях (наличие погибших, водитель с места происшествия скрылся и др.) в нее также входят: судебно-медицинский эксперт, сотрудник уголовного розыска, специалист-криминалист, автотехник, кинолог и др.

Следственно-оперативная группа должна быть обеспечена технико-криминалистическими средствами, при необходимости – осветительной аппаратурой и другими специальными средствами для квалифицированного проведения осмотра места ДТП. Руководство группой осуществляет следователь (или лицо, проводящее доследственную проверку).

При выяснении обстановки на месте ДТП необходимо учитывать, что все обнаруженное на месте происшествия должно быть зафиксировано в неизменном виде, т.е. в таком, в каком предстало перед глазами лица, производящего осмотр. Общая задача осмотра

¹ Руководство для следователей / Под общ. ред. В.В. Мозякова. – М., 2005. – С.769.

² Баев О.Я. Производство следственных действий: криминалистический анализ УПК России, практика, рекомендации: Практическое пособие. – М., 2010. – 240 с.

места происшествия заключается в выявлении всех видов такой взаимосвязи, с тем чтобы по ним, в совокупности с другими данными по делу, можно было установить механизм происшествия в деталях, т.е. ответить на вопрос, что произошло на этом месте¹.

Особенностью осмотра места ДТП является то, что до прибытия следователя там могут быть произведены (на законном основании) существенные изменения, что требует учета и корректив в ходе осмотра. Если в обстановку места происшествия до начала осмотра были внесены изменения, то они фиксируются по конечному положению, т.е. как оказалось к началу осмотра. Например, если транспортное средство к моменту осмотра было отведено за пределы места происшествия, то в протоколе осмотра необходимо указать его фактическое положение.

С.Н. Путивка отмечает, что «каждое дорожно-транспортное происшествие индивидуально и по причинам возникновения, и по механизму совершения, и по своим последствиям. Для изучения причин ДТП, факторов, способствующих их возникновению и проявлению, с целью их эффективной профилактики необходима их четкая классификация по механизму совершения»².

При совершенном ДТП осмотр является важным средством получения доказательственной информации о расследуемом событии. Информацию содержат не только следы, но и обстановка места происшествия, которая включает в себя дорожные условия, характер объектов и следов, их пространственное размещение и другие обстоятельства. Изучение обстановки места происшествия позволяет, например, установить, какой вид происшествия имел место (наезд на пешехода, столкновение транспортных средств, опрокидывание и др.), выдвинуть версию относительно механизма происшествия, выяснить, вносились ли изменения (и какие) в обстановку места происшествия до начала осмотра и др.

Порядок осмотра объектов определяется особенностями сложившейся на месте происшествия ситуации. То, что должно быть осмотрено в первую очередь, решается с учетом этого. Например, нахождение трупа на дороге с интенсивным движением предполагает начало осмотра именно с него, для того чтобы в кратчайшее время обеспечить получение необходимой информации и восстановить нормальное движение транспорта. Если возникает опасность уничтожения следов колесами транспортных средств, повреждения их в результате атмосферных осадков, то они должны быть осмотрены в первую очередь. Последовательность осмотра решает лицо, его производящее, с учетом сложившейся ситуации и знания особенностей следов дорожно-транспортного происшествия.

Следы располагаются непосредственно на местности и на объектах (транспортном средстве, потерпевшем и его одежде и др.). Значительная часть их находится на дороге. Это могут быть следы, характеризующие движение транспортного средства и потерпевшего, свидетельствующие о месте наезда, их столкновении и др. При этом в начале осмотра необходимо произвести панорамную и обзорную, а еще лучше стереоскопическую фотосъемку, результатом которой является изготовление плана ДТП. Фотографирование общего вида места происшествия необходимо производить по направлению движения транспортного средства, ориентиром которого могут служить, например, следы торможения. При столкновении транспортных средств фотографирование следует производить в направлении движения каждого из водителей.

Место ДТП может занимать значительную территорию, поэтому точку съемки необходимо выбирать таким образом, чтобы в кадре оказались ориентир и окружающая место происшествия обстановка. Этот снимок дает представление об общем плане места происшествия. Число снимков определяется

¹ См.: Аверьянова Т.В. Криминалистика / Под ред. проф. Р.С. Белкина. – М., 2006. – С.556.

² Путивка С. Н. Криминалистическое моделирование для реконструкции неочевидных обстоятельств при расследовании дорожно-транспортных происшествий: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Волгоград, 2002. – С.9.

особенностями места происшествия. В протоколе фиксируются точки, с которых производилось фотографирование.

Уже в процессе общего осмотра следователь получает представление о том, где произошло ДТП. Точное определение расположения места происшествия имеет важное процессуальное значение. Оно объясняется возникающей нередко необходимостью проведения процессуальных действий (повторный осмотр, эксперимент, допрос и др.). Для определения координат места происшествия выбирают какой-либо ориентир (номер дома на улице, километровый столб на дороге, пересечение дорог и т.д.). От этого ориентира производятся все дальнейшие линейные измерения обстановки места происшествия.

На этом этапе устанавливаются следующие данные:

- о виде покрытия дороги (асфальт, бетон, асфальтобетон, щебенка, грунт и др.);

- о ее профиле – продольном (горизонтальный, подъем, спуск) и поперечном (уклон в сторону тротуара, обочины);

- о наличии тротуаров, зеленых насаждений, дорожных знаков, линий разметки проезжей части;

- о расположении транспортных средств, пострадавших, различных следов по отношению к проезжей части и к постоянным ориентирам (угол дома, осветительная мачта, путепровод и др.);

- о состоянии покрытия проезжей части (сухая, влажная, мокрая, загрязненная, заснеженная).

Если в результате дорожно-транспортного происшествия имеются погибшие, то при осмотре последовательно исследуются: трупы погибших, проезжая часть дороги, транспортные средства. Наиболее ответственным моментом на данном этапе работы является обнаружение вещественных доказательств. Это определяет всю последующую работу с ними: фиксация, изъятие, исследование и их использование в процессе доказывания. Сложность обнаружения определяется характером следов и других объектов до-

рожно-транспортного происшествия. С этих позиций следы можно разделить на очевидные, выявляемые невооруженным глазом, и неочевидные, для обнаружения которых необходимо применение технических средств и специальных методов. Так, установление следов, свидетельствующих о факте столкновения транспортных средств (расположение следов торможения, обломков деталей и т.д.), не представляет особого труда. Они легко обнаруживаются при визуальном осмотре. Однако установить, например, факт соприкосновения деталей транспортного средства с одеждой потерпевшего при наезде можно только путем исследования одежды с применением специальных средств и методов.

Информация, полученная при осмотре места происшествия, должна быть сохранена, чтобы ею могли пользоваться следователь, суд и другие участники уголовного процесса. Это достигается закреплением обнаруженных на месте происшествия следов путем описания в протоколе осмотра места происшествия, а также с помощью других средств и методов фиксации. Необходимо также учесть, что в определенной мере возможность обнаружения следов на месте ДТП определяется уровнем профессиональной подготовленности (внимательность, умение анализировать и др.) и опытом лица, производящего осмотр.

В заключение следует отметить, что осмотр как следственное действие при расследовании преступлений, связанных с нарушением правил дорожного движения, является одним из действенных способов криминалистического обеспечения расследования данного вида преступлений. Развитие научно-технического прогресса, тактики и технологии следственного осмотра предоставляет более широкие возможности для качественного закрепления следов при осмотре, и работники дознания, следствия должны знать и эффективно применять способы криминалистического обеспечения фиксации дорожно-транспортного происшествия при проведении данного следственного действия.

ТЕРГОВЧИНИНГ СУРИШТИРУВ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИГА ДОИР БАЪЗИ ФИКРЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади»¹.

Бугун ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдек мақсадга эришишда содир этилаётган жиноятчиликлар тўсқинлик қилмоқдаки, у билан курашиш давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, тинчликка ва фуқароларнинг осойишталигига, мамлакатимиз хавфсизлигига, фуқаролар ва ўзгалар мулкига қарши қаратилган қатор оғир ва ўта оғир жиноятларнинг ортаётганлиги мамлакат ичида ҳам, халқаро миқёсда ҳам жиноятчиликка қарши курашиш тенденциясига сабаб бўлмоқда.

Баъзи ҳолларда терговчиларнинг суриштирув органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг етарли даражада эмаслиги давлат органларининг жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлигига салбий таъсир этади. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш фаолиятининг ўзаро уйғунлашмаганлиги жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш вазифаларининг бажарилишига тўсқинлик қилади.

Терговчининг суриштирув органлари билан ўзаро ҳамкорлиги бу жиноятларни зудлик

билан очишга, шунингдек уларни тўлиқ, объектив ва ҳар томонлама тергов қилишга йўналтирилган мақсад ва вазифалари муштарак бўлган фаолиятдир. Ушбу мақсад ва вазифаларга эришиш учун аввало ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси, пойдевори мустаҳкам бўлиши зарур, усиз ўзаро ҳамкорлик ҳақида ҳеч қандай фикр юритиш мумкин эмас.

Ҳуқуқий тартибга солиш жиноят процесининг умумий вазифаларига эришиш мақсадида терговчининг суриштирув органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги ўзаро ҳамкорлик терговчи ва суриштирув органларининг келишилган фаолиятининг ҳал қилувчи омили ҳисобланади, улар ўртасидаги турли қарама-қаршиликларни бартараф этади, ўзаро ҳамкорликнинг асосий тамойилларини белгилайди.

Шундан келиб чиқиб, терговчи ва суриштирув органлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари деганда, унинг мазмуни ва шаклини белгилайдиган қонун ҳужжатларидаги қоидалар, кўрсатмалар тушунилади.

Ҳозирги кунда терговчи ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини тартибга солувчи комплекс норматив-ҳуқуқий асослар шаклланган бўлиб, улар бевоқифа ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимида терговчи ва суриштирув органлари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асоси сифатида Бош қонимиз — Конституцияни кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Чунки, Бош қонунимизнинг муқаддимасида ҳам айнан уни қабул қилиш

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ИПКТБ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т., 2002. — Б.52.

мақсадларидан бири сифатида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш қайд этилган.

Шу билан биргаликда, Конституция-мизнинг 26-моддасида белгиланганидек, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ушбу қоидаларни амалга оширишда бевосита терговчи ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим саналади. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг моддалари ҳам айнан мана шу конституциявий нормани руёбга чиқариш мақсадида яратилган десак, муболаға бўлмайди. Зеро, Конституциямизнинг 16-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Ҳамкорликнинг навбатдаги ва муҳим ҳуқуқий асоси албатта, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидир. Зотан, унинг 1 ва 2-моддаларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланиши, жиноят ишларини юритишнинг ушбу кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийлиги, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазибалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатлиги қайд этилгандир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36-моддаси биринчи қисми билан терговчига ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини

бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар бериш, суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилиш ҳуқуқи берилгандир. Мазкур кодекснинг 39-моддасида белгиланишича, суриштирувчи зиммасига, терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришида кўмаклашиш мажбурияти юклатилган¹.

Шундай қилиб, Жиноят-процессуал кодексининг кўрсатилган моддасига биноан терговчининг суриштирув органлари билан ўзаро ҳамкорлиги суриштирув органларининг қуйидаги мажбуриятлари билан асосланади:

- а) терговчининг иш юритишдаги жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини бажариш;
- б) терговчининг талаби бўйича унинг иш юритишдаги жиноят иши бўйича қидирув ишларини ўтказиш;
- в) тергов ҳаракатларини ўтказишда терговчининг талаби бўйича кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддаси иккинчи қисмига асосан суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни қидириш, Жиноят-процессуал кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг, жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларни қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилган. Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ҳам бу мақсадда тезкор-қидирув чораларини кўришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Суриштирув органлари дастлабки терговни ўтказиш мажбурий бўлган жиноят аломатларини аниқлаганда, жиноят ишини қўзғатиши ёки прокурор ёхуд суриштирув органи раҳбари томонидан қўзғатилган жиноят ишини қабул қилгандан сўнг, уни

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1995. — № 2. — 5-м.

зудлик билан ўз иш юритувига олиши ва тезкор тергов ҳаракатларини бошлашга киришиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 341-моддаси суриштирув юритуви муддатини аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим.

Суриштирувчи жиноят ишини терговчига ўтказиши ёки томонларнинг ярашуви билан ишни судга юбориш ёхуд амнистия акти асосида жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги қарор билан прокурорга юбориш орқали тамомлаши мумкин.

Агарда оғир ва ўта оғир жиноятлар аниқланганда, гумонланувчига нисбатан қамоққа олиш каби эҳтиёт чорасини кўришга асос аниқланганда ёхуд маълум бир шахсни айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилганда, ишни тугатиш учун асос аниқлаганда ёхуд терговчи томонидан иш юритувга қабул қилиш учун ишни ўтказишни талаб қилган ҳолларда суриштирув иш юритуви учун белгиланган муддат тамомланишини кутмасдан, суриштирувчи ишни терговчига ёки прокурорга зудлик билан юбориши зарур. Ишни терговчига юбориш ҳақида суриштирувчи қарор қабул қилади.

Суриштирувчи терговчининг ижро шартлари, тартиби ва муддати кўрсатилган тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш ҳақидаги топшириқларини ижро этиши лозим. Ўрнатилган муддатда топшириқни бажаришнинг имкони бўлмаган ҳолларда суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва топшириқ муддатини узайтириш ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартириш тўғрисида илтимос қилади.

Суриштирув органлари терговчининг талаби бўйича суриштирувчи унга тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашиши, шунингдек унга исботлашга аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ҳужжатларни ва бошқа материалларни танишиши ёки жиноят ишига кўшиши учун тақдим этиши керак.

Терговчи барча топшириқларни, кўрсатмаларни ва талабларни суриштирувчига

суриштирув органи раҳбари орқали жўнатиши лозим.

Кодексда тўхтатилган ишлар бўйича терговчи ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳам тартибга солинган бўлиб, унда терговчи томонидан айбланувчига қидирув эълон қилиш ва уни амалга оширишни суриштирув органига топшириш, айбланувчи сифатида жалб қилинаётган шахсга нисбатан суриштирув органлари орқали чоралар кўриш назарда тутилган.

Шу билан биргаликда, терговчи суриштирув органи қаторида айбланувчи сифатида жалб қилинаётган шахсни қидириш ва унинг шахсини аниқлаш бўйича лозим бўладиган барча ҳаракатларни ўтказиш юзасидан жавобгардир.

Терговчининг суриштирув органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳар бир аниқ ҳолатга қараб ёки қонунда назарда тутилган кўрсатмаларга ёки терговчининг топшириқ ва кўрсатмаларига асосланади.

Мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини айрим қонун ости ҳужжатлари ҳам тартибга солади. Улар қаторида ушбу йўналишда муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги қарори¹ билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги низом тасдиқланиб, ушбу ҳужжат билан тергов ва суриштирув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг мустақилликка эришилгандан кейинги илк ҳуқуқий асоси яратилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам терговчи ва суриштирув органларининг ҳамкорлигини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, уларнинг асосийлари 1998 йил 5 январдаги 2-сонли ва 2001 йил 10 июлдаги 171-сонли буйруқлардир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 10 июндаги 171-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. — Т., 1991. — 10-сон. — 36-м.

Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси ҳақидаги низомда мазкур бошқарманинг асосий вазифалари ва ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, ўз навбатида у Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 37-моддасида назарда тутилган тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ваколатларидан тўғри ва самарали фойдаланишга шароитлар яратади. Ушбу моддага биноан тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар, жиноят ишлар бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи

терговчига беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимида терговчи ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини бевосита ёки билвосита тартибга солувчи қуйидаги ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари.

Дарҳақиқат, терговчи ва суриштирув органлари ўзаро ҳамкорлигининг кучли ҳуқуқий асосларини яратиш, такомиллаштириш ўз навбатида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга қарши кураш, жиноятларни тез фурсатларда ва сифатли очишга, ҳар қандай жиноятларга жазо муқаррарлиги тамойилининг руёбга чиқарилишига, пировардида кучли ҳуқуқий демократик давлат қуришга хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди.

◆ Нашрга тайёрланмоқда ◆

Баллистик экспертиза: Дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

Дарсликда қуроллар эволюцияси ва суд-баллистик экспертизасининг ривожланиш тарихи, умумий қоидалари, қўл ўқотар қуроллари, жанговар ўқ-дорилар, пневматик ва газ қуроллари, қўлбола ўқотар қуролларнинг гуруҳий тааллуқчилигини аниқлаш, эксперт-криминалистик тадқиқ қилиш масалалари ёритилади. Шунингдек, ноштат патронлар ўқ ва гильзаларини криминалистик тадқиқ этиш, нарезли ўқотар қуролларнинг отилган ўқлардаги изларига кўра идентификация қилиш, силлиқ стволли ўқотар қуролларнинг отилган ўқлардаги изларига кўра ҳамда ўқотар қуролларнинг отилган гильзалардаги изларига кўра идентификация қилиш хусусида атрофлича маълумот берилади. Бундан ташқари, ўқ отилиши ҳодисалари, ўқ отилишида ҳосил бўладиган асосий ва қўшимча излар ҳамда ўқ отилиши изларидан ўқотар қуролни ишлатиш шароитларини аниқлаш методикалари кўриб чиқилади.

ИИВ Академиясининг Олий академик курслари ва кундузги таълим тингловчилари ҳамда ички ишлар идораларининг амалиётдаги ходимларига мўлжалланган.

К.В. Джавакова*

ОБЩЕСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ — ВАЖНЕЙШАЯ ПРЕДПОСЫЛКА УГЛУБЛЕНИЯ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ РЕФОРМ

В условиях демократического строительства и формирования гражданского общества, углубления рыночных реформ возрастает необходимость повышения политической активности населения, реализации возможностей в прямой демократии в достаточной степени, в частности, осуществлять общественный контроль за деятельностью органов государственной власти и управления.

Сегодня «сама жизнь требует выдвижения на повестку дня вопроса об усилении общественного и гражданского контроля в нашем обществе»¹, ибо это будет служить углублению реформ, а также изменению мышления людей, особенно руководителей, повышению их ответственности.

Как свидетельствует мировая практика, наличие общественного контроля полезно как обществу, так и государству. Контроль общества способствует эффективному функционированию государства, повышает ответственность государственной власти, компетентность и профессионализм чиновников, обеспечивает работу законов, уважение прав и свобод человека. В то же время государство при помощи обратной связи с обществом способно брать за основу конструктивные предложения граждан и проводить в стране необходимые реформы, опираясь на их доверие и поддержку.

Все это способствует созданию и развитию конкурентоспособной экономики, росту

жизненного уровня народа, формированию сильного гражданского общества. В конечном итоге, страна становится сильной, эффективной и процветающей.

Что же такое общественный контроль? Каковы виды и формы осуществления общественного контроля и его правовые механизмы?

Общественный контроль — совокупность процессов в социальной системе (обществе, социальной группе, организации и т.п.), посредством которых обеспечивается следование определенным «образцам» деятельности, а также соблюдение ограничений в поведении, нарушение которых отрицательно сказывается на функционировании системы. Такими образцами и ограничениями являются системы ценностей, правовые и моральные нормы, административные предписания, решения, обычаи и т.п.

Общественный контроль обеспечивает определенную организацию общественной жизни, адекватность поведения членов общества взаимным ожиданиям. Посредством общественного контроля реализуется принцип обратной связи в управлении любыми социальными процессами или системами.

За рубежом общественный контроль осуществляется двумя основными способами: прямым (непосредственным) волеизъявлением граждан и непрямым (представительным) — через избранные гражданами органы, действующие по их поручению. Причем эти

* И.о. профессора кафедры философии и политологии Академии МВД Республики Узбекистан, доктор философских наук.

¹ Каримов И.А. Только здоровый народ, здоровая нация способны на великие свершения // Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть. Т.13. — Т., 2005. — С.24.

способы равным образом важны для реализации его целей и задач. При непосредственном способе общественного контроля изъяснение воли граждан осуществляется напрямую через такие формы, как: доступ граждан к информации о деятельности власти; журналистские расследования; участие граждан в управлении делами общества через органы самоуправления, собрания и сходы граждан, публичные слушания; научно-исследовательские, публицистические и художественные произведения, формирующие общественное мнение; публичные обсуждения проектов законов и других важных вопросов государственной жизни и др. К непрямому (представительному) способу контроля граждан относятся парламентский контроль, контроль законодательного органа региона (штата, земли, области) и контроль представительного органа местного самоуправления.

Гибкость общественного контроля, изменение его механизмов в соответствии с новыми целями и условиями являются важными предпосылками прогресса общества. Так, жесткий всепроникающий общественный контроль порождает конформизм (приспособленческое отношение), ведет к социальному застою и деградации, а слабый и малоэффективный общественный контроль способствует росту антиобщественного поведения.

Общественный контроль, распространяясь на производство и распределение, на социально-культурную сферу, на деятельность госаппарата, прежде всего, направлен на вовлечение граждан страны в управление государственными и общественными делами.

На сегодняшний день в Узбекистане актуализировался вопрос о различиях между формой и содержанием демократического правового государства. К форме мы относим наличие демократических прав, субъективных усилий власти и нарождающихся носителей гражданских отношений. Содержа-

нием же выступает развитое рыночное пространство, гражданский процесс и осуществление управления посредством правовых механизмов.

Следовательно, без гражданского общества нельзя создать правовых отношений. Поэтому сегодня гражданский контроль, гражданская экспертиза, гражданское участие являются необходимыми формами движения к правовому демократическому государству. Как отметил Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов в своем выступлении «Доверие народа — высокая ответственность», «коренная суть общественного контроля состоит в том, что все общественные организации, махаллинские аксакалы, народные депутаты, активисты и вообще все — стар и млад, мужчины и женщины, все соотечественники должны объективно рассматривать темпы и качество осуществляемых реформ, деятельность и компетентность руководителей, возглавляющих проведение реформ, объективно их контролировать. И, признавая их успехи, открыто вскрывать все недостатки»¹. Для развития гражданских отношений требуется наличие свобод, осуществление прав человека, развитие рыночной инфраструктуры. Это касается всех сфер жизни общества.

Кто должен осуществлять общественный контроль? Наверное, тот, кто в этом кровно заинтересован. Ну а кто больше всех заинтересован в том, чтобы исполнялись законы, не нарушались права и свободы человека, повышался уровень развития экономики, чтобы продукция была высококачественной, нужного ассортимента и поставлялась в срок, чтобы рос жизненный уровень благосостояния граждан страны, были мир и стабильность? Конечно же, граждане страны. Почему общественный контроль? Да потому что все общество, народ непосредственно заинтересованы в этом.

Именно поэтому субъектами общественного контроля являются сами граждане, институты гражданского общества, т.е.

¹ Каримов И. А. Доверие народа — высокая ответственность // Свое будущее мы строим своими руками. Т.7. — Т., 1999. — С. 264.

средства массовой информации, политические партии, общественные объединения, профсоюзы. Эти субъекты осуществляют различные меры по наблюдению и контролю за исполнением актов законодательства органами государственной власти и управления в целях принуждения власти к обеспечению соблюдения закона, ответственному и, как следствие, компетентному исполнению своих обязанностей.

Правовой основой осуществления общественного контроля является Конституция Республики Узбекистан, так как в ней отражены принципы, из которых исходит право граждан на осуществление общественного контроля: народ является единственным источником государственной власти; государственная власть в Республике Узбекистан осуществляется в интересах народа и исключительно органами, уполномоченными на то Конституцией Республики Узбекистан и законодательством, принятым на ее основе (ст. 7.). Статья 2 Конституции Республики Узбекистан гласит, что государственные органы и должностные лица ответственны перед обществом и гражданами. Данная норма позволяет обществу и гражданам осуществлять мониторинг (контроль, наблюдение) за деятельностью государственных органов, обеспечивать надлежащее исполнение ими своих функций.

Если проанализировать национальное законодательство за годы независимости, то можно заметить, что во многих статьях, закрепленных в законах и подзаконных актах, уже нашли свое отражение нормы, регулирующие проведение общественного контроля институтами гражданского общества. К примеру, первые нормы, касающиеся общественного контроля, отражены в законах Республики Узбекистан «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан», «О государственном санитарном надзоре», «О разгосударствлении и приватизации», «Об охране природы», «О государственной власти на местах», «Об охране труда». Данные законы закрепили государственную гарантию для осуществления контроля со стороны общественности за

содержанием лиц молодого возраста в местах лишения свободы, в области охраны природы, за реализацией мероприятий по разгосударствлению и приватизации и др.

Существуют различные виды общественного контроля. Это зависит от сфер общественных отношений, в которых действует общественный контроль. К примеру, общественный контроль в сфере защиты социально-экономических прав работников, решения проблем охраны труда и занятости населения; в местах лишения свободы, психиатрических учреждениях; за реализацией мероприятий по разгосударствлению и приватизации; в жилищной сфере, в области градостроительства и пожарной безопасности; по охране окружающей природной среды, в области обеспечения радиационной безопасности, проведения общественной экологической экспертизы; по защите прав потребителей; внесение предложений в органы государственной власти и управления и участие в выработке их решений; со стороны органов самоуправления за исполнением законов и иных актов законодательства; СМИ; над деятельностью органов исполнительной власти, в том числе силовых структур и др.

Что же касается форм и методов контроля, то они зависят от того, в какой сфере общественных отношений институты гражданского общества будут осуществлять свою деятельность. Это могут быть мониторинги, социальные опросы, проверки, общественные слушания, проведение общественной экспертизы, обсуждение проектов законов и других важных вопросов государственной жизни, разработка предложений и рекомендаций, направляемых в государственные органы, по вопросам общественного и государственного строительства.

Сама жизнь требует не только усиления контроля общественных организаций, но и расширения их полномочий и прав. Однако, учитывая множественность структур гражданского общества и разнообразие отношений, для обеспечения эффективного системного подхода в осуществлении общественного

контроля необходим правовой документ, который будет регламентировать механизм взаимодействия государства и институтов гражданского общества.

Не случайно, выступая 12 ноября 2010 г. на совместном заседании палат Олий Мажлиса республики Президент И.А.Каримов в докладе «Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране» отметил, что назрела необходимость принятия Закона «Об общественном контроле в Республике Узбекистан», направленного на создание системного, эффективного механизма осуществления контроля за исполнением актов законодательства органами государственной власти и управления со стороны общества, гражданских институтов¹. В законе необходимо определить виды, формы и субъекты общественного контроля, предмет контроля, правовые механизмы его осуществления, а также условия наступления ответственности должностных лиц за неисполнение действующего законодательства в этой сфере. И сегодня над разработкой данного закона работает специальная комиссия комитета Законодательной палаты парламента.

В то же время нельзя упускать из вида вопрос об эффективности осуществления общественного контроля. Какие необходимы для этого условия?

Прежде всего, гласность, прозрачность и открытость деятельности органов государственной власти и управления. Это достигается через информированность общественности о деятельности органов государственной власти, обеспечение широкого доступа населения, общественных объединений к информации о принимаемых решениях, и прежде всего тех решений, которые затрагивают права, свободы и законные интересы граждан.

Доступ граждан к информации о деятельности органов государственной и местной власти — важная форма прямого (непосредственного волеизъявления граждан) способа общественного контроля. Только будучи хорошо информированным, общество сможет реально контролировать действия органов государственной власти и принимать участие в обсуждении важнейших проблем страны. Как отметил Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, «без обеспечения информационной свободы, без превращения СМИ в арену, где люди могут свободно выражать свои мысли и идеи, позиции и отношение к происходящим событиям, нельзя говорить об углублении демократии, политической активности населения, о его реальном участии в политической и общественной жизни страны»².

«Если мы не обеспечим общественный контроль, т.е. не сможем установить контроль общественности над государственными учреждениями на местах, — подчеркивает И. А. Каримов, — то не будет возможности вырвать с корнем имеющиеся негативные явления»³. Народ должен активно бороться за утверждение законности. Право народа контролировать деятельность всех без исключения должностных лиц и органов государства абсолютно и бесспорно.

Широкое вовлечение граждан страны в прямой контроль над деятельностью государственных органов и управления будет способствовать, с одной стороны, ответственному и компетентному исполнению представителя государственных органов и управления своих обязанностей, с другой стороны, повышению политико-правовой культуры людей, их уважения и доверия к власти, а как результат — повышению благосостояния народа и модернизации страны. И здесь необходимо эффективное взаимодействие граждан, общественных организаций и государства.

¹ См.: Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. — Т., 2011. — С. 16.

² Там же.

³ Каримов И.А. Справедливость должна быть основой нашей деятельности // Свое будущее мы строим своими руками. Т.7. — Т., 1999. — С.239.

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши ва жаҳон тамаддунида ўзига хос ўрин эгаллаши демократик жараёнлар билан боғлиқдир. Кўппартиявийлик тизимини мамлакатда мавжуд сиёсий партиялар юзага келтиради. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ва сиёсий партияларнинг юзага келиш жараёнларини таҳлилига киришишдан аввал, жаҳон сиёсий партияларининг ривожланиш фаолиятига қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳонда сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи узоқ ва мураккаб жараёнларни кечирган. Чунончи, шаклан замонавий моҳиятга эга партиялар Европада буржуа инқилобларидан сўнг вужудга кела бошлаган бўлса-да, мазмунан партияга оид бирлашмалар, гуруҳлар, уюшмалар инсоният тарихининг қадимги даврларида пайдо бўлганлиги маълум.

Жумладан, қадимги Юнонистонда вужудга келган дастлабки «партиявий гуруҳлар» ҳозирги партияларга хос хусусиятлардан фарқ қилган. Улар муайян ҳудуд ёки минтақа аҳолисининг манфаат, эҳтиёж, хоҳиш-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилган. Юнон файласуфи Арасту милоддан аввалги VI асрда қадимги Афинадаги олигархларнинг турли ҳаракатлар (ҳозирги сиёсий партияларга ўхшаш) орқали ҳокимиятни эгаллашлари, талончиларга қарши курашлари ҳақида фикр билдирган¹. Ёки айрим манбаларда эра-миздан аввалги VI асрда Аттикада паралийлар, диакрийлар ва бошқа партиялар бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд².

Қадимги Афинада ташкил этилган бошқа баъзи гуруҳлар (гетерийлар³)ни ҳам ўз даврининг партиялари деса бўлади. Қадимги Римда ҳам ҳозирдаги каби мавжуд замонавий партияларнинг моҳиятини англатган илк асослар юзага келган. Масалан, Тиберий ва Гай Гракх ташуббуси билан тузилган партия ер ислохотларини ёқлаб чиққанларни ўз атрофида бирлаштирган.

Шу манбаларга таяниб, қадимги давр партия (гуруҳ)ларига хос белгилар қуйидагилар эди, деб кўрсатиш мумкин: 1) муайян оилалар ёки машхур шахслар атрофида тўпланган; 2) ушбу гуруҳлар муайян оила ва шахсларни қўллаб-қувватлаш учун шаклланган; 3) улар маълум бир ҳудуд аҳолиси манфаатларини ифодалашга ҳаракат қилган; 4) унча катта бўлмаган кишилар гуруҳини ўзида жамлаган; 5) қисқа муддат фаолият юритган.

Қадимги даврдаги «партиявий гуруҳлар»га хос белгиларни ифодалаган, уларга нисбатан мукамалроқ уюшмалар ўрта асрларда янада кўпайган. Масалан, бундай уюшмаларга Францияда Генерал Штатларнинг шаклланишида қатнашган турли табақларни, Англияда «Оқ атиргуллар» ва «Қизил атиргуллар»ни, Йорклар ва Ланкастерларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ўрта асрларда шаклланган баъзи бир уюшмалар, кейинчалик замонавий кўринишдаги оммавий партияларга айланган. Хусусан, Англияда виглар ва торилар партияси, Италияда гвельфлар ва гебеллинлар партияси ҳам шундай уюшмалардан бўлган⁴. Буржуа инқи-

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси.

¹ Қаранг: *Аристотель*. Сочинения. В 4-х томах. Т.4. — М., 1983. — С. 539.

² Қаранг: *Мавлянова С.Н.* Многопартийность — несущая конструкция политического плюрализма в Арабской Республике Египет и Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд.полит.наук. — Т., 2004. — С.14.

³ гетерийлар — олигархлар сиёсий клуби бўлиб, асосий мақсади демократияни қулатиш бўлган.

⁴ Қаранг: *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т., 1998. — Б.16—19.

лоблари (XVII—XVIII асрлар) даврида вужудга келган «партиялар» сиёсий уюшма сифатида мустақил сиёсат юритмаган, балки улар диний, табақавий, уруғ-оилавий жамоалар таъсири остида қолган. Англияда 1831 йилда консерваторлар томонидан Чарльтон клуб (Carlton club) ва 1836 йилда либераллар томонидан Реформ клуб (Reform club) тузилади. Англияда клубларнинг вужудга келиши XVII асрга тўғри келса-да, ушбу клублар расмий равишда партиявий фаолият олиб бордилар¹.

Таъкидлаганимиздек, замонавий «сиёсий партиялар» XIX асрнинг ўрталарида Европа мамлакатлари ва АҚШда пайдо бўла бошлаган. Бунга Европада XVIII асрнинг охирида буржуа инқилобларининг ғалаба қозониши ва фуқаро сиёсий ҳуқуқ ва эркинларининг тантана қилиши сабаб бўлди.

Жамиятда содир бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ўзининг таъсирини кўрсатди. Янги сиёсий институтлар — сайлаб қўйиладиган органлар, сиёсий партияларнинг шаклланиши ушбу ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг характерида боғлиқ ҳолда кечди. Сиёсий партиялар ҳокимият учун демократик курашларда аҳоли мақсад ва манфаатларини ифодаловчи зарурат туфайли пайдо бўлган.

Ўтмишда Ўзбекистон ҳудудида сиёсий партия ва ҳаракатлар ҳам ўз-ўзидан ташкил топмаган. Дастлаб сиёсий партия ва ҳаракатларни қўллаб-қувватловчи қатлам, гуруҳ, табақа вужудга келган. Улар орқали эса ўша турли қатламларнинг мақсад ва муддаолари ифодаланган. Маълум бир қатлам, гуруҳлар ўз манфаат ва қизиқишларини ифодалашлари учун назарий жиҳатдан ҳам сиёсий партияларга эҳтиёж сезган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими яқин янги тарихда, яъни мустақилликка эришилгандан сўнггина пайдо бўлгани йўқ. Бу тарихий-сиёсий жараёни Ўзбекистон халқининг сиёсий онги ва маданиятлиги даражаси билан боғлаб изоҳлаш мумкин. Цивилизация ўчоғидан бири бўлган

Марказий Осиё XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзаро урушлар оқибатида қоқоқ давлат, сўнгра мустамлакага айланди. Аввало, бу ҳудудда олиб борилган ўзаро урушлар бир бутун давлатни бўлиб юборди, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий инқирозга юз тутди. Бунинг оқибатида ўша давр илғор мамлакатларига хос бўлган давлат ҳокимиятининг бўлиниши, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши билан боғлиқ белгилар ижтимоий ҳаётда ўз ифодасини топмади. «Ҳолбуки жамият ва давлатда қонун устуворлиги, унинг ҳуқуқий мезонлар асосида фаолият юритиши, раҳбарлик лавозимларига кадрларни шахсий фазилатларига қараб, айниқса, муқобил танлов ва сайловлар асосида тайинлаш тизими, ҳокимият бошқарувининг адолатга асосланган тартиботи, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос қонун-қоидалари, давлат вазифаларини амалга оширишда раият билан бамаслаҳат иш тутиш аъъаналари каби фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлатнинг илк белгилари, умуминсоний қадриятлар талаблари даражасидаги маданият илк бор қадимий Турон ва Туркистонда шаклланган эди. Шунингдек партияларнинг ўтмишдошлари ҳам гоҳ дунёвий, гоҳ диний шаклларда дастлаб Марказий Осиёда қарор топгани ҳам тарихдан аён»².

XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг фаолияти кучайди. Ушбу ҳаракатларнинг фаолият юритиши учун сиёсий дастур зарур эди. Бу масала Нижний Новгородда 1905 йил 15 августда чақирилган Бутунроссия мусулмонларининг I съездида кўриб чиқилди³. Съездда Россиянинг турли минтақалари - Кавказ, Қрим, Қозон, Урал, Сибирь, Туркистондан 150 га яқин делегатлар қатнашди. Съезд ташаббускорлари - таниқли вакиллар Исмоил Гаспиринский, Рашид Ибрагимов, Юсуф Акчурин, Алимардонбек Тапчибашев, Муса Бигиев Россия мусулмонларининг беш банддан иборат резолюциясини тайёрладилар. Резолюцияда Россиянинг бутун

¹ Қаранг: *Острогорский М.Я.* Демократия и политические партии. — М., 1997. — С. 84—85.

² Қаранг: *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т., 1998. — Б.90.

³ Қаранг: *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б.14.

минтақаларидаги мусулмонларнинг ижтимоий-маданий, сиёсий масалалар юзасидан замонавий рус ҳаётидаги муаммолар негизида ўзаро яқинлашишлари зарурлиги кўрсатилган эди¹.

Бутунроссия мусулмонлари биринчи съезди Бутунроссия мусулмонлар иттифоқини («Иттифоқ ал-муслимин») тузиш ҳақида қарор қабул қилди. «Каспий» ва «Ҳаёт» газеталарининг муҳаррири Алимардонбек Тапчибашев томонидан ёзилган Иттифоқ устави 1906 йил январида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган 2-Бутунроссия мусулмонлар съездида қабул қилинди. Иттифоқ устави 23 та банддан иборат бўлиб, унда Россия губернияларидаги мусулмонларнинг яшаш жойлари шартли 16 та районга бўлингани, ташкилот мажлисларининг тартиби, унга аъзолик, съездларнинг чақирилиши муддати, ташкилот аъзоларининг белгиланган қарор ва талабларга бўйсунушлари қайд этилган эди². Съездда, шунингдек, резолюция қабул қилиниб, унда: «Ҳар тарафдан келган вакиллар истагини эътиборга олган ва сайловлар яқинлигини кўзда тутган съезд мусулмонлар учун конституцион-демократик партияга қўшилишни маъқул деб топади»³, — дейилган эди. 1906 йил 16-21 августда Давлат думасининг мусулмон фракцияси ташаббуси билан 3-Бутунроссия мусулмонлар иттифоқи съезди чақирилади ва унда иттифоқнинг дастури қабул қилинади. Съезднинг 17 августдаги йиғилишида мусулмон партиясини ва 15 кишидан иборат Марказий Комитетини тузиш тўғрисида фикр билдирди. Мусулмон партияси Марказий Комитетида 75 банддан иборат дастур муҳокама қилинади. «Партия ўз олдига, — дейилган эди дастурда, — Россиянинг ўз сиёсий қарашлари билан ҳамфикр барча мусулмон фуқароларини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, диний ва бошқа ислохотларни

амалга ошириш орқали бирлаштириш вазифасини қўяди»⁴. Бундан ташқари дастурда дин ишларида бутунлай мухторият берилиши, маҳаллий ҳудудларда кенг қамровли мухтор (автоном) бошқарувга ўтиш, Россиянинг бутун ҳудудида кичик ўзини ўзи бошқариш бирликларини вужудга келтириш каби масалалар ҳам акс этди.

Аммо бу партия ҳам бошқалари сингари легал (қонуний) фаолият юрита олмади, чунки у мусулмон бирлигини юзага келтирувчи, давлат учун катта хавф солувчи, сепаратистик руҳни кучайтирувчи сифатида баҳоланди, «II Давлат думаси тарқатиб юборилганидан сўнг ўлка аҳолиси «Россия парламенти»га сайлов ҳуқуқидан маҳрум»⁵ бўлди. Бу 1910 йилда полиция департаменти томонидан чиқарилган ҳужжатдан ҳам кўринади. «Ўз вақтида панисломизмнинг жиноий ва инқилобий ташкилотлари фаолиятини очиш ва йўқ қилиш мақсадида махфий агентуранинг ролини кучайтириш керак»⁶, — дейилади. Аслида Туркистонда шу вақтда юзага келган аксарият ҳаракатлар ўзига умумтурк ёки ислом давлатчилигини қуришни эмас, балки турли турк ва мусулмон халқлари билан яқин сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатиш ва мустақамлашни мақсад қилиб олган эди.

«Марказий Осиёда сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёни 1905—1907 йиллардаги инқилобдан сўнг жадидларнинг ижтимоий ва маърифий-маданий ҳаракатлари асосида бошланди»⁷. Жумладан, бу даврда Туркистон тараққийпарвар жадидлари илк миллий ижтимоий-сиёсий ташкилотларига асос солдилар. Архив маълумотларига кўра, бу вақтда «ёш сартлар партияси ҳали вужудга келмаган, шаклланмаган бўлса-да, айтиш мумкин бўладики, бу вақтда ушбу йўналишда иш олиб борилмоқда эди»⁸. Жадидлар томонидан «Тарбияи атфол», «Падаркуш», «Умид», «Нашри маориф»,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (бундан буён — ЎЗР МДА). И-461. р.1. й.ж.1260. — Б.51—53.

² Қаранг: ЎЗР МДА. И-461. р.1. й.ж.1260. — Б. 51, 53—56.

³ Қаранг: *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б.14.

⁴ ЎЗР МДА. И-461. р.1. й.ж.1893. — Б.9.

⁵ Қаранг: *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б.19.

⁶ Қаранг: *Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.* — Т., 1999. — Б.74.

⁷ Қаранг: *Политические партии России: история и современность.* — М., 2000. — С. 276.

⁸ ЎЗР МДА. И-1. р.31. й.ж.540. — Б.23.

«Баракат», «Ғайрат», «Тараққийпарвар» каби жамият ва ташкилотлар тузилади.

Жадидчилик ҳаракати аъзолари халқнинг миллий уйғониши йўлида самарали фаолиятни амалга оширганлар. Хусусан, 1909 йилда Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида «Жамияти хайрия» ташкилотига асос солинди. Жамиятнинг асосий вазифаси талаба-ўқувчиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш билан бирга, уларга хорижий мамлакатлардаги турли ўқув юртларида таълим олишлари учун шароит яратиб бериш эди. 1910 йилда Бухорода мударрис Хожи Рафи бошчилигида «Болалар тарбияси» хайрия жамияти ташкил этилиб, умидли ёшлар Германия, Россия, Миср, Туркия каби мамлакатларга ўқишга юборилади.

Жадидлар сиёсий қарашларининг шаклланишига Мунавварқори Абдурашидхоновнинг: «Миллатларнинг маънавий ва иқтисодий тараққиётига икки таянч керак: биринчиси мактаб, иккинчиси жамиятдир»¹, — деган фикри, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг жамият ва миллатнинг равнақи учун иттифоқлар тузиш, жамиятлар ташкил қилиш лозимлиги ёки Россияда ўша вақтдаги мавжуд партиялар² ҳақидаги фикрлари жиддий таъсир кўрсатган.

Мустамлакачи маъмурлар (Чор Россияси) жадидларнинг сиёсий фаоллашуви, уларнинг бир мақсадда маълум бир сиёсий ҳаракат ёки партияларга бириктирилишига бутунлай қарши эди. Шунинг учун ҳам Туркистонда жадидлар ҳаракатини жилавлаш чора-тадбирлари кўрилган. Улар устидан назорат ўрнатилган, газета ва журналлари тақиқланган, нашриётлар бузиб ташланиб, китоб дўконлари ва қироатхоналари ёпиб қўйилар эди.

Шунга қарамадан жадидчилар фаолияти сиёсий тус ола борди. Мустамлакачиларнинг жадидларга қўллаган зўравонликлари, уларга нисбатан жадидларнинг сиёсий қаршилиқ кўрсатишларини келтириб чиқарди. Бунинг натижасида эса мамлакатда сиёсий уюшма, ҳаракат ва партиялар пайдо бўла бошлади.

Аммо илк мартаба Туркистонда тузилган миллий ташкилотлар ўзининг етарли дара-

жада мукаммал дастурларига эга эмас эди, бундан ташқари уларнинг аъзоларида профессионализм ва сиёсий малака етишмади. Шу билан бирга, уларнинг фаолияти чор Россияси махсус хизматларининг «назари»га тушди. Масалан, 1910 йилда Туркистон «охранка»си М.Абдурашидхонов ташаббуси билан «Умид» ташкилоти тузилганини аниқлади. «Умид» жамиятининг асосий мақсади барча мусулмон китоб савдосини ўз қўлига олиб, тушган фойданинг ҳаммасини янги усулдаги мактаблар учун сарфлаш бўлган эди»³. Жамият Тошкентда ҳам фаолиятини бошлашга рухсат сўрайди, лекин маҳаллий маъмурият буни буткул рад этади. Ташкилот Қўқон, Самарқанд, Тўйтепа, Пскент ва Паркентда махфий фаолият олиб боришга мажбур бўлади.

1913 йил охирида Қўқонда «Ғайрат» ташкилоти тузилади⁴. Бу ташкилотнинг «Туркистон ўлкаси» номли газетаси нашр қилинган. Ушбу ташкилотнинг раҳбари ҳамда «Туркистон ўлкаси» газетасининг муҳаррири Шоислом Шоаҳмедов бўлиб, у миллий газета ва журналларни чиқаришни мўлжаллаган эди. Бундан тушган маблағ Туркияда ислом динини қўллаб-қувватлайдиган кучларга сарфланган⁵. Шунинг таъкидлаш лозимки, «Ғайрат» жамияти Туркиядаги партиялар билан узвий алоқани амалга оширган. Бошқа ташкилотлар сингари «Ғайрат» жамиятига нисбатан ҳам қаттиқ чоралар кўрилган.

Биринчи ўзбек адвокати Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев раҳбарлигида «Тараққийпарвар» партияси тузилади ва унинг «Садои Туркистон» газетаси нашр этилади. Манбаларда келтирилишича, 1915—1916 йилларда Фарғона водийсининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида «Падаркуш» ва «Тараққийпарвар» партиялари фаол роль ўйнаган. Бу жараёнда айниқса, «Садои Туркистон» газетасининг муҳаррири А.А.Чайкин, У.Асадуллахўжаев, «Садои Туркистон» газетаси муҳбири И.Я.Шапиронинг ўрни жуда катта бўлган⁶. «Охранка» агентлари «Тараққийпарвар» партияси аъзоларининг жамиятда тутган ўрнини ўзларининг газетада бераётган

¹ Қаранг: *Абдурашидхонов М.* Танланган асарлар. — Т., 2003. — Б.151.

² Қаранг: *Бехбудий М.* Танланган асарлар. — Т., 2006. — Б. 147—151, 161, 208.

³ ЎзР МДА. И-461. р.1. й.ж.1260. — Б. 28.

⁴ Қаранг: *Аҳмад Закий Валидий Тўғон.* Бўлинганни бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар. — Т., 1997. — Б.41.

⁵ ЎзР МДА. И-461. р.1. й.ж.2115. — Б. 91.

⁶ ЎзР МДА. И-461. р.1. й.ж.2023. — Б.10.

маълумотлари орқали аҳолини довдиратиб, Россиянинг кучсизлиги ҳақидаги турли мишмишларни тарқатиб, унинг таркибидан чиқиб кетиб, мустақил давлатчилик»ка¹ эга бўлишга интилиш деб баҳолайди. Шундан сўнг Туркистондаги айрим партияларнинг раҳбарларига нисбатан турли жазо чоралари қўлланилган. Хусусан, 1917 йилнинг бошида Туркистон генерал-губернаторининг «Падаркуш» ва «Тараққийпарвар» партиялари раҳбарларидан бири У.Хўжаевнинг Тошкент ва Андижон шаҳарларида яшашини тақиқлаган фармойиши чиққан².

1917 йил 14 мартда Тошкентда «Шўро Исломия» ташкилоти тузилади³. «Шўро Исломия» Туркистон сиёсий саҳнасида мусулмон аҳолисининг манфаатларини кўзловчи ташкилот сифатида пайдо бўлди. Бу мақсад ташкилотнинг дастурий низомида, ҳокимият учун курашларида, ўз сафларини кенгайтиришга бўлган интилишлари ва бошқа ҳолатларда намоён бўлди. «Шўро Исломия» ташкилоти ўз олдига Туркистон мусулмонлари ўртасида ижтимоий-сиёсий ва илмий замонавий тараққий этган қарашларни тарғиб қилиш; умумий мақсад йўлида барча мусулмонларни бирлаштириш; таъсис мажлисига тайёрланиш; барча шаҳар, қишлоқ ва овулларда митинг ва намойишлар ўтказиш, илмий-оммабоп маърузалар ва сиёсий ахборотлар ўқиш; эски вакиллик органини янгисига алмаштиришда аҳолига ёрдам кўрсатиш; миллий низоларга қарши курашиш; ўлканинг барча халқлари билан алоқани ўрнатиш ҳамда уларга мусулмонларнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида маълумотни етказиш⁴ каби вазифаларни қўйган эди. Бу ташкилотнинг етакчилари М. Абдурашидхонов, Абдувоҳид қори, М. Мўминбоев, У.Асадуллахўжаев кабилар

эдилар. «Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида «Шўро Исломия» янги давр амри билан турмуш талаблари ва юртизмнинг ёт истило асоратларидан вужудга келган шароитни кўзда тутиб, ислохот планини ўртага ташлаган эди. Туркия, Афғонистон, Миср ва бошқа араб ўлкалари каби хур, мустақил ва ярим мустақил ислом мамлакатларида кечирилаётган тажрибалар миллий ҳаракатимизнинг қайси йўл ва истиқоматда бориши лозимлигини очиқ кўрсатмоқда эди»⁵. Туркистоннинг деярли катта шаҳарларида «Шўро Исломия»нинг қуйи ташкилотлари ҳам тузилган эди. Улар аҳоли ўртасида озодлик, ҳурлик, эрк ва демократияни тарғиб қиларди. Масалан, «Шўро Исломия»нинг Тошкентдаги «Турон», «Иттиҳоди тараққий», Андижонда «Озод халқ», «Хуррият», Самарқанддаги «Мирваж-ул ислом», «Клуб Исломия» каби қуйи тузилмалари шулар жумласидан эди.

1917 йилнинг 16-21 апрель кунлари «Шўро Исломия»нинг I қурултойи очилади⁶. Қурултойда «Шўро Исломия» жамиятининг дастурини ишлаб чиқиш кун тартибидаги энг муҳим масала сифатида қўйилган. Дастур тўрт қисмдан иборат бўлиши, биринчи қисмида ташкилотнинг мақсади, иккинчи қисмида эса аъзолик, учинчи қисмида молиявий ҳолати, тўртинчи қисмида хизмат вазифалари белгиланиши таъкидланган.

«Шўро Исломия»нинг дастурида белгиланган асосий вазифа аҳоли ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ўтказиб, Туркистоннинг барча мусулмон аҳолисини ягона бир мақсадга бирлаштириш эди. Бу дастур кенг кўламли камраб олган бўлиб, у ўзининг халқ ва давлат манфаатлари йўлида курашувчи йирик сиёсий ташкилот эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари ушбу ташкилот

¹ ЎзР МДА. И-461. р.1. й.ж. 1968. — Б.31.

² ЎзР МДА. И-461. р.1. й.ж. 2023. — Б.70.

³ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000. — Б.24; *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б. 36.

⁴ Қаранг: *Нажот.* — 1917. — 28 апр.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000. — Б. 24.

⁵ Қаранг: *Мустафо Чўқай ўғли.* Истиқлол жаллодлари. — Т., 1992. — Б. 28; *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б.39.

⁶ Қаранг: *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б. 38; Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000. — Б.31; *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т., 1998. — Б. 96.

Туркистонда мусулмон аҳолининг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилувчи, тарқоқ жамият ва иттифоқларни бирлаштиришга интиланган илк миллий кучлардан эди. Янги миллий ташкилотнинг вужудга келиши тасодифий ҳол бўлмади, бу Туркистон халқлари сиёсий тафаккурининг юксалганлигидан далolat берар эди.

«Шўрои Исломия»нинг дастурий низомига мувофиқ, унинг таркибига деҳқон ва хизматчилар ҳам аъзо бўлиб кирган эдилар. Ташкилот фаоллари маҳаллий аҳоли орасида оммавий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. «Улуғ Туркистон» газетасида, Тошкентда «Шўрои Исломия» ташкил этилган илк кунларида аъзоларининг сони 100 нафардан ортиб кетганлиги, улар орасида турли миллат вакилларининг борлиги ҳақида хабар берилган¹.

1917 йил июнь ойида «Шўрои Исломия»дан «Шўрои Уламо» ташкилоти ажралиб чиқади. Айниқса, бу ташкилотнинг Тошкентда тарафдорлари сони жуда кўпчиликини ташкил этарди. Ташкилотнинг дастури ва низоми июль ойининг бошларида тасдиқланади. Унинг асосий мақсади «мусулмон аҳолиси манфаатларига хизмат қилиши ва уларнинг руҳий-ақлий ҳамда маданий-сиёсий ривожига»² кўмаклашиш бўлган. Серали Лапин ташкилот дастури ва низомининг энг асосий муаллифи эди. Серали Лапин ва «Шўрои Уламо» ташкилоти вакиллари ғояларида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлсада, улар ўз даврида Туркистондаги миллий ҳаракатлар лидери ва йирик сиёсий фигуралардан бири ҳисобланарди.

Туркистонда ўша даврда сиёсий ҳаёт жуда мураккаб тус олган эди. Бу ердаги сиёсий кураш фақат юқорида таъкидланган икки ташкилот фаолияти билан чегараланмаган эди. Ўлкадаги рус жамиятининг сиёсийлашган

қатлами мамлакатда бўлиб ўтаётган воқеаларни фақат четдан туриб кузатмай, балки улар Россиянинг Туркистондаги социал-революционерлар, конституцион демократик (кадет), радикал демократик, социал-демократ ва бошқа партиялари атрофида аста-секин жипслашмоқда эдилар. Бу ҳудуддаги барча ташкилотлар 1917 йилнинг ёзида Туркистон шаҳар думасига сайловларда фаол қатнашиш ва ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилдилар. Туркистондаги мавжуд умумроссия партияларининг дастур ва низомларида буюклик, ўлка халқларидан ўзини устун қўйиш ғоялари яққол кўзга ташланарди, шу боис улар ушбу сайловларда маҳаллий халқ томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги сабабли мағлубиятга учради. Туркистоннинг барча йирик шаҳарларида «Шўрои Уламо» ва «Шўрои Исломия» ташкилотларининг вакиллари думада катта ўринни эгаллаб, ўз фракцияларини туздилар³.

Бу пайтда Туркистон ҳаётидаги энг муҳим сиёсий воқеа Туркистон федералистлар (Турк адами марказият фирқаси) илк мусулмон партиясининг тузилиши эди. 1917 йил 12-14 июлда Скобелев (ҳозирги Фарғона)да партиянинг дастури тасдиқланди⁴. Партиянинг дастури Озарбайжондаги «Мусават» федералистлар партиясининг дастуридаги ғояларга ўхшаш бўлган. Унда Туркистонда ва Россиянинг бошқа туркийзабон минтақаларида миллий мухторият тузиш асосий сиёсий мақсад эканлиги баён этилган. Бундан ташқари партия дастурида фуқаро ҳуқуқлари, иқтисодий ҳаёт, ер, ишчилар ҳуқуқи, таълим олиш, суд-ҳуқуқ масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган⁵. «Турк эли» газетаси партиянинг нашри бўлган.

1917 йил сентябрь ойида Туркистонда ишчи ва солдатларнинг митинги бўлиб ўтади. Ушбу митинг РСДРП (б) IV съездининг қарори

¹ Қаранг: Улуғ Туркистон. — 1917. — 25 апр.

² Қаранг: Туркестанские ведомости. — 1917. — 18 июль.

³ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000. — Б.38.

⁴ Қаранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б. 103; Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000. — Б. 34.

⁵ Қаранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б.103—106; Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000. — Б. 34—37.

асосида қуйидаги қарорни қабул қилди: капиталистлар (шу жумладан бадавлат мусулмонлар) қўлидаги ҳаётий зарур озиқ-овқат ва нарсаларни зудлик билан реквизиция қилиш; ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни тақсимлаш учун назорат ўрнатиш; ерни сотмасдан деҳқонлар қўлига топшириш; фабрика ва заводларни ишчи ва солдат депутатлари Кенгаши, касабга уюшма ва фабрика комитетлари рухсатисиз ёпиб қўйишни тақиқлаш тўғрисида қонун қабул қилиш; бутун ҳокимиятни ушбу Кенгаш қўлига топшириш¹. Бу қарор ўлкадаги мавжуд сиёсий ташкилот ва ҳаракатларнинг танқидига учради. Қарорнинг қабул қилиниши сиёсий жамият ва ташкилотларнинг бирлашиши, ўзаро ишонч, биргаликда ҳаракат қилиши ҳолатини юзага келтирди. Бунинг натижасида 1917 йилнинг 17—20 сентябрь кунлари Туркистон ва қозоқ мусулмонларидан иборат 500 нафардан ортиқ делегатларнинг съезди бўлиб ўтди. Съездда «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» ва бошқа ташкилотларни бирлаштириш йўли билан «Иттифоқи муслимин» сиёсий партиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди².

Бу пайтда нафақат Тошкент, Самарқанд, Қўқон каби шаҳарларда, балки Бухоро ва Хивада ҳам сиёсий фаоллиги кучайган ташкилот ҳамда партиялар вужудга келди. Бу жараёнларда халқни ҳаракатга келтирувчи куч албатта ўша даврнинг илғор кучлари — жадидлар эди. XX аср бошларида Бухорода жадидларнинг ҳаракати билан «Ёш фикрчилар» ташкилоти тузилади. Бу ташкилот раҳбарларидан бири Файзулла Хўжаев партия ривожига катта ҳисса қўшди. Хива хонлигида ҳам шу пайтда «Ёш хиваликлар» ташкилоти

тузилади. Ушбу ташкилотга Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоҳон Салимов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов кабилар йўлбошчилик қилдилар. «Ёш хиваликлар» ташкилоти халқ томонида ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Ташкилот ўша пайт учун илғор аҳамиятга эга бўлган парламент — Олий Мажлис тузиш ғоясини илгари суради. Хусусан, «1917 йил 5 апрелда «Ёш хиваликлар» иштирокида 50 кишидан иборат Олий Мажлис»³ тузилади. Тадқиқотларда таъкидланганидек, ушбу партия «1904-1905 йилларда ҳамфикр, 1910 йил бошларида манфаатлар гуруҳи (сиёсий партия) сифатида шаклланган. Амалдорлар, маърифатли бойлар, миллий буржуазия, зиёлилардан иборат бўлган ёш хиваликлар 1917 йилда Хива хонига муҳолифатда бўлган бўлса, 1918 йил майда эса расмий партия сифатида ташкил топди»⁴.

Туркистондаги фаол сиёсий ҳаракатлар натижасида жадид тараққийпарварлар партияси ва «Эрк» социалистик партияси тузилиб, улар халқнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини оширишга, мустақилликни қўлга киритишга қаратилган жуда кўплаб тadbирларни амалга оширади. «Эрк» партияси 9 банддан, жадид партияси 19 банддан иборат дастурига эга эди, ҳар икки партиянинг дастурида ҳам демократик жараёнлар билан боғлиқ бўлган — мустақил давлатчилик, уни идора этиш усули, шахс ҳуқуқи, иқтисодий эркинлик, дин ва маориф ишлари, ички ва ҳарбий сиёсат ҳамда бошқа ташкилий масалалар ўз аксини топган эди⁵. Шубҳасиз, ушбу дастурларда ўз даврининг илғор ғоялари баён этилган, мафкуравий жиҳатдан жадидлар партияси либерал, «Эрк»чилар социалистик йўналишни танлаганлиги кўриниб турарди.

¹ Қаранг: Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917—1918 годы: Автореф. дис. ...д-ра ист. наук. — Т., 1998. — С. 41.

² Қаранг: Улуғ Туркистон. — 1917. — 30 сент.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000. — Б.39; Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. — Т., 2000. — Б. 115—117.

³ Қаранг: Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т., 1998. — Б. 97.

⁴ Қаранг: Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900—1924 йиллар): Тарих фан.номз.олиш учун дис. ...автореф. — Т., 2005. — Б. 26.

⁵ Қаранг: Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар. — Т., 1997. — Б.110—113; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т., 1998. — Б. 99—102.

Кейинчалик (1922 йил июлда) Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси («Туркистон Миллий бирлиги» жамияти) тузилади¹. Ушбу жамият етти моддадан иборат дастурини қабул қилади. Дастурда мамлакат мустақиллиги, идора усули, иқтисодиёт, маориф, дин, қўшин ва табиий ресурслардан фойдаланиш каби масалалар ўз аксини топган эди.

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган жамият ва сиёсий партиялар фаолиятини ўрганиш жараёнида уларнинг амалий ишидаги тарқоқлик, «баъзи бир партияларнинг энди шаклланиши чоғида илгари сурган, ўз дастурларида белгилаган ғоялари билан, улар ҳокимият тепасига келгандан кейинги фаолиятлари ўртасида катта фарқ»² мавжудлиги аниқланади. Албатта, мамлакатда партия ва ташкилотларнинг ташкил топишида жадидчилик ҳаракатининг ўрни жуда каттадир. Уларнинг фаол хатти-ҳаракатлари туфайли халқнинг жипслашуви, ўзини ўзи англаши, сиёсий онги ва маданиятининг ўсиши, миллий уйғониш жараёнлари кучайди. Натижада мамлакатда демократик институтлардан бири — кўппартиявийлик тизими қарор топадиган вазиятни юзага келтирди.

Аммо ҳокимият тепасига большевиклар партияси келгандан сўнг, халқнинг миллий уйғониш жараёнларига алоқадор барча ҳодисаларга, шу жумладан, кўппартиявийлик тизимига барҳам берилди, барча бошқа партиялар таъқиб остига олинди ёки йўқ қилинди. Коммунистик партия томонидан нафақат партияларга, шунингдек маҳаллий аҳолига ҳам катта зуғум ўтказилди. «Мусулмонлардан ҳамма нарса тортиб олинди, нафақат тортиб олинди, балки улар қатағон

этилиб, ўлдирилди. Шўро тузуми солдатлари ҳимоя ўрнига босқинчилик, талончилик ва қатл этиш билан шуғулланарди. Қишлоқ аҳолиси террор қилинди ва қочди. Қароқчилар тўдаси ўсди. Кимдир бу зўрликлар бошида партия эмас, қизил армия турибди дейиши мумкин, лекин партия бу ишларнинг бошида турибди-ку. Барча ҳокимият органлари бошида партия ўртоқлари турарди, лекин улар ҳеч қандай чора-тадбирларни амалга оширмадилар»³. Ҳақиқатан, Туркистон мустамлакага айлан-тирилди, халқнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ривожига тўсқинлик қилинди, кўпфирклиликка барҳам берилди. Бу ҳақида Аҳмад Заки Валидий: «1919 йилда яхшигина демократик партиялар вужудга келди, аммо большевиклар партияси «тепа»га чиқди-ю, бутун бошли партияларни йўқ қилди ва тарихда мисли кўрилмаган мустабидлик тизимини ўрнатди»⁴, — деб ёзган эди.

Шундай қилиб, Россияда бўлиб ўтган давлат тўнтарилиши турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг аралашиб кетиш жараёнини янада тезлаштирди ва Туркистонда кўппартиявийлик тизимининг вужудга келишига шароит яратди. 1920 йилдан сўнг большевиклар партияси Туркистонда демократиянинг муҳим унсурларидан бири бўлган кўппартиявийлик тизимига барҳам бериб, яккапартиявийлик ва якка ҳокимликни ўрнатди. Бу жараён Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши арафасигача давом этди.

Демак, кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши учун Ўзбекистон ҳудудида, айниқса, XX аср бошларида реал вазият юзага келган эди. Бу жараён мамлакатда XX асрнинг сўнгги йилларига келибгина ўзининг амалий исботини топди.

¹ Қаранг: *Аҳмад Закий Валидий Тўғон*. Бўлинганни бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар. — Т., 1997. — Б.114—15.

² Қаранг: *Азизов Н.П.* Туркистондаги сиёсий партиялар дастурларида ёшлар тарбияси масаласи // Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — Т., 2008. — Б. 82—83.

³ Қаранг: *Мустафа Чокай оғлы*. Туркестан под властью советов (Х характеристик диктатуры пролетариата). — Париж, 1935. — С. 42.

⁴ Қаранг: *Аҳмад Закий Валидий Тўғон*. Туркистон, туркийлар ва миллий истиқлол // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. — 1994. — 7 янв.

Х. М. Акрамбаев*

**ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИК
ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАРБИЙ ТАРБИЯНИНГ
АҲАМИЯТИ**

«Ватан» сўзи аслида арабча бўлиб, она юрт, туғилган макон маъноларини англатади. «Ватан» тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланади. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилганда, тор маъно, бир халқ вакиллари жамулжам яшаётган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд ифодаланганда кенг маъно касб этади.

Ватан уч хусусиятдан иборат: ҳудуд, халқ ва давлат.

Ватан — бу инсон яшайдиган ҳудуд, муқаддас тупроқ, шу юрт табиати, атроф-муҳити, қушлар ва ҳайвонот дунёси, қишлоғу шаҳарлари, ер ости ва усти бойликлари, халқининг ўтмиши, маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолган мероси, миллий қадриятлари мажмуидир. Демак, инсоннинг туғилиб ўсган юртидаги бутун борлиқ унинг ватанидир.

Ватанпарварлик — одамларнинг она юрти, ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаловчи тушунча. Ватанпарварлик барча халқ ва миллатдаги кишилар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадрият. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанининг тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиши, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашлари жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулари мажмуи ҳамдир. Бу ҳолат ватаннинг ўтмиши ва ҳозирги

куни билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Ўзбек халқи ўз қаҳрамонларининг хотирасини миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, асрлар давомида ёд этиб келади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади, у ўз тақдирини Ватан равнақи билан боғлиқ, деб билади»¹.

Инсонда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихнинг ўрни беқиёсдир. Ўтмишда она Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун жонини фидо қилиб, томирида охириги томчи қони қолгунча душманларга қарши курашган аجدодларимизнинг жасоратлари бунинг исботидир. Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби аجدодларимиз, миллий қаҳрамонларимизнинг жанг майдонларида кўрсатган ҳарбий маҳоратлари, ўша замон қуроқларининг сир-асрорини пухта эгаллаганлари, жангни юксак ақл-заковат билан олиб боришлари, мустаҳкам ирода ва халқига садоқат каби олижаноб фазилатлари тўғрисидаги маълумотлар тарих саҳифаларидан маълум.

Тарихий ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмайди. Бундай одамлар юртида бирор нохушлик юз

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли ўқитувчиси.

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т., 2000. — Б. 502.

берса, дарҳол у жойни тарк этиб, бошқа қулайрақ маконга кета қолади.

Ватанпарварлик туйғуси — бу халқимизнинг мероси, анъаналари, тили ва маданиятига ҳурмат билан қараш, юртимизнинг тарихини муттасил ўрганиб боришдир. Шунингдек бу туйғу азиз ва ғўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлиш ҳам демак. Ватанга садоқатли бўлиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиз. Ватанга садоқатли бўлиш учун эса Ватанни ҳис қила билиш, унга бўлган туйғуларни уйғотиш лозим. Ватан ҳисси шу Ватаннинг эгаси бўлган халқни билишдан, унинг қадрига етиш ва тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади.

Ватанпарварлик туйғуси яна:

— ўз халқининг тарихини яхши билиш ва ундан ғурурланиш;

— буюк аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодларга етказиш;

— аждодларнинг урф-одат ва удумларини, меросини ўрганиб, уларнинг қадриятга айланган қисмини давом эттириш;

— Ватанимиз истиқлолининг барқарорлиги, келажакнинг буюклигини чин дилдан ҳис этиш, уни барпо этишга астойдил кўмаклашиш каби хислатлардан иборат.

Бугунги кунда республикамиз ички ишлар идоралари тизими ходимларини истиқомат қилаётган ҳудудига, халқига садоқатли этиб тарбиялаш, Ватанига бўлган муҳаббатини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун республика Ички ишлар вазирлигига қарашли олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларни Ватанни ҳис қила олиш, уни севишга чорлаш лозим, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар идоралари ходимларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг ўзига хос ўрни бор. Уларнинг урушдан кейинги тинчлик даврини қадрлаш, жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажриба ва сабоқларини ўрганиш, ибрат олиш, келажак авлодга етказиш вазифаси улар сафининг йидан-йилга камайиб бораётганлиги туфайли янада долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамнуният билан қайд этиш лозимки, юртимизда уруш фахрийлари чуқур ҳурмат ва эҳтиромга сазовор инсонлардир. Чунки улар инсониятни нафақат фашизм балосидан озод қилиш ишига, балки жамоат тартибини сақлаш, халқ учун хавф туғдирувчи жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар. Уларнинг ҳаётий тажрибаларидан мамлакатимиз тинчлиги ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида жанговарликни оширишда, ИИВ олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш муҳим аҳамиятга моликдир.

Буни амалга ошириш учун эса қуйидаги тамойилларга асосаниш зарурати туғилади:

— авлодлараро ворисийлик тамойили ҳаётий ва малакавий тажрибага эга бўлган кекса авлоднинг янги авлод билан бевосита ҳамкорлигини ташкил қилиш орқали ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси шакл ва усулларини такомиллаштиришга асосланади. Айни чоғда, у нафақат орттирилган тажрибага, балки назарий билимларга таянишни талаб қилади;

— тингловчи ва курсантларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихийлик тамойили тарихий тараққиётнинг барча даврларидаги ҳарбий саркардаларнинг жанговар фаолиятини ўрганиш, оддий аскардан то бош қўмондонгача ҳарбий таркибнинг хулқи, муомаласи, билими ва малакаларини ўрганишга асосланади;

— ҳарбий ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва бошқа ижтимоий институтлар билан ҳамкорлик тамойили. Бу эса жамоа орқали амалга оширилади. Жамоавий тарбия тизими ички ишлар идораларининг ходимларини Ватан ҳимоясига тайёрлаш стратегияси ва тактикасига асосланади. Фақат жамоагина юксак масъулиятли, Ватанга муҳаббат ҳиссига эга, ҳар жиҳатдан ривожланган шахсни тарбиялаши мумкин (индивидуал ёндашув бундан мустасно).

Юқорида таъкидланган тамойилларга асосланганда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси мустаҳкам бўлади. Бироқ ушбу тамойиллар мажбурий қоида эмас, балки комплекс ёндашувнинг бир қисмидир. Зеро, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига комплекс ёндашув тарбияни оптималлаштириш, ёшларнинг ахлоқий-сиёсий, психологик, ҳарбий техник ва жисмоний тайёргарликларини яхшилаш воситаси сифатида «майдонга чиқади». У, бир томондан, тарбиянинг санаб ўтилган жиҳатларини, бошқа томондан эса ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия билан ўзаро боғлиқликни тақозо этади.

Комплекс ёндашувдан фойдаланишнинг муҳим шarti ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишдир. Тингловчи ва курсантларнинг онглилик даражаси уларнинг ғоявий эътиқоди, ватанпарварлик туйғусида, шунингдек сиёсий, ҳарбий-техник ва жисмоний тайёргарлиги ҳамда иқтисодий манфаатдорлигида намоён бўлади.

Афсуски, баъзида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бирёқлама баҳоланади. Бунда фақат ватанпарварлик тарбиясига эътибор қаратилиб, жисмоний ва ҳарбий-техник тайёргарлик ҳолатлари ҳисобга олинмайди. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг кўрсаткичлари ёшларнинг юқори ахлоқий-сиёсий тайёргарлиги, ҳарбий машқларни ўрганишдаги фаоллиги, оммавий спорт машғулотларидаги иштирокида намоён бўлади. Бизнинг бу борадаги энг асосий мақсадларимиздан бири — ҳар бир ходимда Ватанни севиш, унинг ишига бутун куч-ғайратини бағишлаш, шаън-шавкати, номи, мавқеи билан ғурурланиш хислатларини шакллантиришдир.

Ички ишлар ходимларида Ватанни ҳис қила билиш, унга садоқатли бўлишга эришиш учун муҳим ҳаётий омиллардан бири — таълим-тарбиядир. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо маънавий бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат раванқининг энг асосий шarti ва гарови деб билганлар¹.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига комплекс ёндашувни амалга ошириш учун ҳарбий ватанпарварлик иши тажрибасини умумлаштириш зарурдир. Бу жараёнда педагогиканинг илмий қоидалари ва амалий хулосалари муҳим роль ўйнайди. У тарбия жараёни қонуниятлари, таркиби ва механизмларини билиш, ҳарбий ватанпарварлик иши назарияси ва методикаси, шунингдек тамойиллари ва ташкилий шаклларини эгаллашга ёрдам беради. Педагогика фани тадқиқотчилар ва амалиётчиларни ёшларда ватанпарварлик ҳиссини ва ҳарбий ишни эгаллашга интилишни шакллантириш усуллари билан «қуроллантиради».

Кишилар руҳий ҳолатининг ўзига хослиги ҳақидаги билимларга таяниш ички ишлар идоралари ходимларининг Ватан ҳимояси ҳамда ўз бурчини бажаришга психологик тайёргарлиги борасидаги амалий тавсияларни янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилишда ҳарбий машқларга оид билимларни ўргатувчи ҳарбий фаннинг қоида ва хулосаларига таяниш керак. Ҳарбий фанлар «Ватан ҳимоячиси қандай жанговар, ахлоқий-сиёсий ва психологик сифатларга, қандай билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак», деган саволга жавоб топиб беради.

Ҳарбий таълим ва ҳарбий тарбия ватанпарварликни шакллантиришнинг муҳим воситаси бўлиб, Ички ишлар вазирлигига қарашли олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларнинг маънавий-ғоявий қиёфасини, билим ва кўникмаларни ўстиришда муҳим роль ўйнайди.

Тарбия - шахс онгини муайян жамиятнинг мақсад, вазибаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, инсонларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга йўналтирадиган барча таъсирлар мажмуидир.

Таълим-тарбия борасида оила, турли жамоат ташкилотлари, фан, техника, адабиёт,

¹ Қаранг: Каримов И. А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 60.

санъат, оммавий ахборот воситалари, турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам самарали таъсир кўрсатади.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган тингловчи ва курсантларнинг умумий ҳарбий руҳини кўтаришда, матонатли, шижоатли қилиб тарбиялашда аждодларимиздан бизга мерос қолган ҳарбий билимларни, ҳарбий жанг санъати сирларини ўқитиш ҳам самарали омиллардан ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, туркий халқларда қадимда бутун дунё бўйича энг қудратли кўшинлар мавжуд бўлган, Амир Темурдек буюк лашкарбошилар етишиб чиққан, ҳарбий стратегия ва тактика пухта ҳамда мукаммал ишлаб чиқилган¹.

Тарбиянинг қайси тури бўлмасин, унинг тарихи, аждодларимизнинг тажрибаси, уларнинг панднома ва ўғитларини ўргатиш бугунги тарбиячи учун муҳим аҳамият касб этади. Модомики, «Тарбиячи-устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»².

Шу боис Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2008 йилда чоп этилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида асосий диққат-этибор аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини ўрганиш ва ундан умумий хулосалар чиқариб, фаолият олиб боришга қаратилган.

Бугунги кунда «ҳарбий ватанпарварлик» тушунчасининг мазмуни, умуман таълим-тарбия билан алоқадорлиги ва истиқболлини ўрганиш зарур. Муҳими, бу масаланинг назарий жиҳати эмас, балки амалий аҳамиятини кўрсатишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шўролар замонида миллатимиз вакилларининг ҳарбий таълим-тарбия олишига имконият ва

зарурат бўлмаган эди. Шунинг учун ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига етарли эътибор берилмаган. Чунки шўро ҳукумати миллий ҳарбий кадрлар етиштириб чиқаришга қарши турган. Оз сонли миллий офицерларимиз ва аскар йигитларимиз совет халқига хизмат қилишга, ҳарбий қасамёд қабул қилишга мажбур эдилар. Бошқа соҳалар сингари ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳам мафкуралаштирилган, яъни фақат коммунистик тарбияга мосланган эди.

Мустақиллик шарофати билан республикамизда Мудофаа ва Ички ишлар вазирликларига қарашли олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган бўлажак офицерлар энди бегона мамлакатга эмас, она Ўзбекистонига, мамлакатига, халқига қасамёд этиб, садоқат билан хизмат қиладилар. Улар мақсад ва вазибаларини аниқ биладилар.

Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислоҳ Каримов Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам табригида Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай вазиятдан, ҳар қандай машаққатли синовдан шараф билан чиқиш ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий техника, ҳарбий ускуналар ва қурол-яроғларнинг сир-асрорини пухта эгаллашни тақозо этишини таъкидлаган³.

Шунинг учун ҳам ички ишлар идораларида нафақат мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий ва ғоявий асослар, балки ҳарбий фанларни ўқитиш жараёнида ҳарбий ускуналар ва қурол-яроғларнинг сир-асрорини пухта эгаллашни кучайтириш билан бирга, ҳарбий ижтимоий-сиёсий йўналиш сифатида ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, Ватан тинчлигини таъминлаш жисмоний тайёргарлик ва ҳарбий таълим-тарбия тизими орқали шаклланади.

¹ Қаранг: *Иброҳимов А., Султанов Х., Жўраев Н.* Ватан туйғуси. — Т., 1996. — Б.130—132.

² Қаранг: *Каримов И. А.* Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. — Т., 2003. — Б. 168.

³ *Каримов И. А.* Миллий Армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. — Т., 2003. — Б. 5.

Ҳарбий ватанпарварлик жисмоний, руҳий тарбия ва ҳарбий таълимдан иборат бўлиб, унда жисмоний тарбия инсоннинг танасини, соғлигини тарбиялайди, ҳарбий таълим инсонга ҳарбий билим ва малака беради, ватанпарварлик тарбияси эса инсоннинг руҳини тарбиялайди.

Тингловчи ва курсантларнинг Ватан ва халқ тинчлиги ҳимояси йўлида жисмоний чинқишлари ҳамда юқори даражали ҳарбий кўникмаларга эга бўлишлари, уларда касбига муҳаббат ҳиссини шакллантириш ҳамда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг моҳиятини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда ҳарбий ватанпарварликнинг нуфузини оширишда бундай тарбиянинг ажралмас қисми жисмоний тарбия ҳисобланади. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини жисмоний тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки жисмоний тарбия орқали совуқ ва иссиқ об-ҳаволарга бардошли бўлиш, қийинчиликларни енгиш, иродалилиқ, сабот-мотонатлилиқ, чидамлилиқ, тез ва чаққон ҳаракат қила билиш каби Ватанга ва халқига садоқатли бўлиш кўникмалари ривожлантирилади.

Ватанпарварлик тарбияси орқали тингловчи ва курсантларнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатишда Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари раҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларининг имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Ички ишлар вазирлигига қарашли олий таълим муассасаларида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигини ошириш учун бу борадаги иш тажрибасини умумлаштириш зарурдир. Бунда ҳарбий педагогиканинг илмий қоидалари ва амалий хулосалари муҳим ўрин тутди. У тарбия жараёни қонуниятлари, таркиби ва механизмларини билиш, ҳарбий ватанпарварлик иши назарияси ва методикаси, шунингдек тамойиллари ва ташкилий шаклларини эгаллашга ёрдам беради.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилишда ҳарбий машқлар ҳақидаги билимларни ўргатувчи ҳарбий фанларнинг қоида ва хулосаларига таяниш керак.

Хуллас, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида тингловчи ва

курсантларни ҳарбий ватанпарвар этиб тарбиялаш барча тадбирларнинг бош мақсадидир. Ватанпарварлик эътиқодини шакллантириш таълим-тарбия ишларининг заминидир. Тингловчи ва курсантларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғулари қанчалик кучли бўлса, уларнинг маънавий камолотга, Ватан ҳимоясига ва халқ тинчлигини сақлашга бўлган эҳтиёжлари ҳам мустаҳкам ва барқарор бўлади. Ватанпарварлик эътиқоди, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш тарбиячиларнинг ўзларида ҳам шундай фазилатлар мужассам бўлишини тақозо этади. Бунинг учун эса:

— ижтимоий-гуманитар фанларни ўқиш жараёнида тингловчи ва курсантлар томонидан миллий ғоянинг асослари билиб олинади, янги дунёқараш шаклланади, Ватанга муҳаббат туйғулари кучаяди, Ватан ҳимоясига тайёргарлик сифатлари тарбияланади;

— тингловчи ва курсантларнинг ватанпарварлик эътиқоди, Ватан ҳимояси ва халқ тинчлигини таъминлаш тайёргарлиги соф ҳарбий фанларни ўқитиш жараёнида ҳам шаклланади. Бу жараёнда тингловчи ва курсантлар ҳарбий билим ва техниканинг устувор йўналишлари, кашфиётлар, армия қудрати ҳақида билимларга эга бўладилар;

— тингловчи ва курсантларда ватанпарварлик эътиқодини шакллантиришда халқимизнинг бой тарихий мероси ва анъаналарини билиш муҳимдир. Бу борадаги анъаналарнинг моҳиятини узоқ ва яқин ўтмишда Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатган халқ қаҳрамонларининг фаолиятлари, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидаги ютуқлари мисолида улар онгига сингдириш мақсадга мувофиқдир;

— тингловчи ва курсантларга ҳарбий фанларни ўқитиш жараёнида миллий манфаатларни англаш ва қадрлаш билан боғлиқ ҳолда ватанпарварлик фазилатини сингдиришни таъминлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий фанларнинг ўқитилиши жараёнида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси Ватанга, халқига содиқлик руҳида тарбиялаш ишининг устувор вазифаларидан биридир.

И. Х. Арифходжаева*,
О. М. Жумает**

КЕЙС СТАДИ МЕТОДИНИ ЮРИДИК ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҚўЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги замонавий педагогик технологияларнинг янги авлодларига «case study» методи, лойиҳалар усули, ҳамкорликда ўқитиш, «амалий ўйин», интерфаол таълим ва бошқалар киради. Жаҳон тажрибасида ижобий натижаларни бераётган ноанъанавий ўқитишнинг энг самарали ва такомиллашган методларидан бири кейс стади (case study)дир.

Хўш, кейс стади нима? Кейс стади (инглизча case — ҳолат, вазият, study — таълим, ўрганиш деган маъноларни англатади) - аниқ масалалар, вазиятлар, мисолларни (кейсларни) ечиш усули¹.

Кейс стади — амалий вазиятларни текширишга асосланган метод, реал вазиятни тавсифлашдир. Кейс — фаолиятнинг у ёки бу соҳасида реал амалга ошган ёки муаллиф томонидан ўқув аудиторияси учун мунозара келтириб чиқаришга мўлжалланган тавсифланган воқеа. У воқеаларнинг оддийгина тўғри тавсифи эмас, балки вазиятни тушунишга имкон берувчи ягона ахборот мажмуи.

Ушбу методнинг ватани Америка Қўшма Штатлари, аниқроғи, Гарвард университетининг бизнес мактаби бўлиб, илк бор у 1870 йилда шу университетининг ҳуқуқ мактабидаги таълим жараёнида қўлланилган. У асосан ҳуқуқшунослар ва менежерлар тайёрлашга мўлжалланган эди. Сўнги вақтларда ундан тиббиёт, юриспруденция, математика соҳаларида, масофадан туриб таълим беришда, мактаб таълимида ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Кейс стади хорижда иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, менежмент ва биз-

несга оид фанларни ўргатишда кўп қўлланилаётган методдир.

Кейс стади методи назарияни реал ҳодисаларга асосланиб намойиш этишга имкон беради. У талабалар ва ўқувчиларни фанга қизиқтиради, турли вазиятларни ифодаловчи ахборотларни мустақил равишда тўплаш, улар устида ишлаш, таҳлил қилишга доир билим ва кўникмаларни жадал шакллантиришга, масала ёки муаммоларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш, ечимларини таклиф қилишга имкон беради.

Кейс стади методининг моҳияти шуки, унда таълим олувчиларга реал ҳаётини вазиятни ўйлаб кўриш, мушоҳада қилиш таклиф этилади. Тавсифи айтилиши вақтда қандайдир амалий муаммони акс эттирибгина қолмай, балки ушбу муаммонинг ҳал қилиниши чоғида ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларнинг муайян мажмуини долзарблаштиради. Бунда муаммонинг ўзи бир хил ечимга эга бўлмайди. Кейсларнинг афзаллиги шуки, улар назария ва амалиётни мақбул даражада уйғунлаштиради, бу эса бўлғуси мутахассисни тайёрлашда муҳим ҳисобланади.

Анъанавий ўқитишда талаба учун таълим жараёни асосан икки босқичдан иборат бўлади: маъруза эшитиш — олган билимини имтиҳонда намойиш этиш. Бу жараённи «топшириш ва унутиш» деб атаса бўлади. Бундан ташқари, унга мотивларнинг йўқлиги, материални тақдим этишнинг «қуруқлиги», жараёнга жалб этилмаганлик ва бошқа жиҳатлар хос.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий фанлар цикли ўқитувчиси, психология фанлари номзоди.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий фанлар цикли ўқитувчиси.

¹ Қаранг: Сурмин Ю.П. Ситуационный анализ или анатомия Кейс-методик. — Киев, 2006. — С. 286.

Янги жараён эса тўрт босқичдан иборат бўлиши лозим: янги материалга мустақил тайёргарлик кўриш — маъруза эшитиш — кейснинг гуруҳий қарори (муҳокамаси) (материални эслаш — гуруҳда муҳокама қилиш — ечимини излаш) — ечимни жамоа олдидида тақдим этиш.

Кейснинг ҳал қилиш босқичи ниҳоятда муҳим, чунки бунда таълим олувчи жараёнга бевосита жалб этилади, унинг мотивацияси кучаяди, янги билимлар анча яхши ўзлаштирилади, чунки унда қуйидаги жараёнлар юз беради:

- илгари эшитилган материални эслаш;
- муаммони гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш;
- муаммонинг янги ечимларини қидириш;
- жамоа бўлиб ҳаракат қилиш.

Ушбу ҳолат жамоа бўлиб самарали ишлашга ундайди, бу эса таълим жараёнига жонлилик бахш этиб, ижобий таъсир кўрсатади. Шу мақсадда кейс методи асосида ўқув жараёнини ташкил этиш бугунги таълим тизимининг асосий техник таъминотига айланди. Ҳар қандай кейс таълим жараёнининг турли босқичларида, унинг натижаларини текширишда фойдаланиш учун энг қулай замонавий воситадир.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва жорий қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Ҳозирги вақтда ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш таълим жараёнида юқори натижаларга олиб келмоқда. Ноанъанавий дарс шаклларини қўллаш, уларни турли замонавий усуллар билан бойитиш таълим олувчилар ўзлаштириш даражасининг кўтарилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда замонавий таълим усулларининг янги авлодини яратишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Кейс стади методини ИИВ тизимидаги таълим муассасаларининг ўқув жараёнига ҳам

жорий этишнинг аҳамияти муҳимдир. Таъкидлаш жоизки, ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари фаолияти кўплаб муаммони вазиятларни ўрганиш, текшириш, уларни ҳал этиш билан боғлиқдир. Жиноят ишини қўзғатиш, криминалистик ҳолатлар, тезкор-қидирув ҳамда тергов жараёнларида мураккаб вазиятлар вужудга келади. Тингловчи ва курсантларга ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга қарши курашишдаги муаммони ҳолатларнинг ечимларини назарий жиҳатдан ўргатишда кейс стади методига таяниб ўқув жараёнларини ташкил қилиш, бу орқали аниқ вазият (муаммо)ни баён этиш, сўнгра уни таҳлил қилиб, тегишли тавсиялар бериш самарали натижаларга олиб келади. Масалан, тақдим этилган жиноят иши акс эттирилган кейс материалига тингловчилар ўйлаган ечимлари ва тавсия ҳамда таклифлари билан ёндашиб, вазиятга формал оғзаки баҳо берадилар, яъни тақдимот қилдилар. Бу усул таълим берувчининг жараёнига назорат қилишини осонлаштиради, гарчи бу усул айрим тингловчиларнинг ўқишдаги саъй-ҳаракатларини биров камайтирса-да, машғулот давомида улардан бир-икки марта сўралади. Шу тариқа мақсад ягона тўғри ечимни излашга қаратилади. Бу эса тингловчиларда коммуникатив кўникмаларни ривожлантиради, муаммонинг ечимидеги кўп вариантликни таъминлаб, уларни ўз фикрларини аниқ ифодалашга ўргатади. Бунда асосий эътибор тайёр билимларни эгаллашга эмас, балки уларни ижодий ишлаб чиқишга, талаба ва ўқитувчининг ҳамкорлигини ташкил этишга қаратилади. Методни қўллаш орқали нафақат билимлар ўзлаштирилади, шунингдек касбий-психологик фаолият кўникмалари ҳам шакллантирилади. Ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари учун зарур билимларни бўлғуси мутахассисларга кенг қамровли, амалий кўникмалар ҳосил қилиш билан боғлаб ўргатишда кейс стади методининг аҳамияти беқиёс. Замонавий педагогик технологияларни тинмай ўзлаштириш ва татбиқ этиш таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишнинг омилдир.

А. А. Бабаев*

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ВА АЙРИМ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ**

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш борасида муҳим юридик халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар ўз амалий натижаларини бераяпти.

Хусусан, БМТнинг 1985 йилда қабул қилинган «Ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятлари бўйича судловни амалга ошириш тўғрисида» ва 1996 йилдаги «Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши курашиш тўғрисида»ги декларациялари, 2000 йилдаги «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида», 2003 йилдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенциялари, Европа Иттифоқининг 1997 йилдаги «Коррупцияга қарши курашишнинг 20 тамойили ҳақида»ги декларацияси, 1999 йилдаги «Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида» ва «Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида» Конвенциялари, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг 1997 йилдаги «Халқаро тижорат операцияларида хорижий мансабдор шахсларнинг сотқинлигига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) 1999 йилдаги «Халқаро операциялар ва ишларни олиб боришда мансабдор шахсларнинг хориж давлатларига сотилишига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияси, Интерполнинг 2002 йилдаги «Полиция ва Интерпол органларида коррупцияга қарши курашишнинг умумэътироф этилган стандартлари», Америка ҳукуматлараро ташкилотининг 1996 йилдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияси, МДҲнинг 1999 йилдаги «Коррупцияга қарши курашиш

тўғрисида»ги модел қонуни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидан.

Шу ўринда қайд этиш керакки, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш жараёнида БМТнинг коррупцияга қарши курашишдаги халқаро ҳуқуқий нормалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, БМТ Ҳалқаро жиноятчиликка қарши кураш марказининг Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ҳамда Жиноятчилик ва судлов масалалари бўйича минтақавий илмий тадқиқот институти ҳамкорликда коррупциянинг олдини олишда аъзо давлатларга ёрдам бериш мақсадида 1999 йилда «Коррупцияга қарши курашиш бўйича Глобал дастур»ни ишлаб чиқди.

Ушбу дастурга асосан, барча миллий дастурлар ўз вазифаларида коррупцияни содир этувчи мансабдор шахсларнинг имкониятларини қонун доирасида камайтириши, жамиятда «коррупцияни қоралаш» ижтимоий муҳитини яратиши, унга қарши курашиш жараёнида назоратни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Коррупция миллий манфаатларга жиддий зиён етказди. Ўтиш даврида ушбу муаммога дуч келаётган давлатлар учун БМТнинг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияси амалий аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланади. Ҳужжат мансабдор шахсларнинг сотқинлиги, давлат мулкани ўзлаштириш, қонунга хилоф равишда ва ўз манфаати йўлида давлат мансабидан фойдаланиш, ғараз ниятларда мансабни ва хизмат ваколатларини суиистеъмол этиш, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш, жиноятчиларга сотилиш каби 28 та коррупцион жиноятларнинг турлари кўрсатилган.

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ички ишлар идоралари офицерлари малакасини ошириш факультети махсус фанлар кафедрасининг ўқитувчиси.

Конвенция БМТга аъзо барча давлатларнинг коррупцияга қарши курашда фаол ҳамкорликни йўлга қўйишини кўзда тутган. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда қатор самарали қоидалар юридик жиҳатдан асослаб берилган. Хусусан, унда коррупцион жиноятлардан орттирилган бойлик ва бошқа даромадлар ноқонуний йўл билан давлат чегарасидан ўтказилганда давлатга қайтарилиши қоидаси, ушбу йўл билан олинган маблағларни бошқа давлатга қайтаришда техник ва амалий ёрдам бериш, коррупцион жиноятларни содир этган шахсларни ушлаб бериш механизми, коррупцияга қарши курашишда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлигини фаоллаштириш, коррупцион жиноятларни тергов қилишда ёрдам бериш каби масалалар кўзда тутилади.

Дунё давлатларида коррупцияга қарши курашишда муҳим халқаро ҳужжат саналган мазкур Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2008 йил 27 июнда қабул қилинди. Айна пайтда юртимизда ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асосларни янада ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида», «Коррупциянинг олидини олиш тўғрисида»ги қонунлар ва коррупцияга қарши курашиш миллий дастурлари қабул қилинган.

Бундан ташқари, коррупциянинг олидини олишда айрим соҳаларга доир муҳим аҳамиятли қонун ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Масалан, фуқароларнинг ахборот эркинлиги борасида «Ахборот эркинлиги тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқарувига оид ахборотлар дахлсизлиги тўғрисида»ги қонунлар, жамиятда ахлоқий бошқарувни таъминлашга доир «Ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда мансабдор шахсларнинг ахлоқи тўғрисида», «Давлат хизматчиларининг ахлоқ-одоби тўғрисида»ги кодекслар, «Давлат хизматчиларининг этика асослари тўғрисида»ги низом, давлат таъминоти борасида «Давлат учун зарур бўлган нарсалар сотиб олишни ташкил этишда коррупциянинг олидини олиш ва бюджет харажатларини камайтириш тўғрисида»ги қонун, сайлов ва сиёсий партияларга доир «Давлат хизматчиларининг сиёсий партиялар ва сайлов компанияларини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона

қоидалари ҳақида»ги меъёрий ҳужжатлар шулар жумласига киради.

Юқорида тилга олинган ҳужжатлар коррупция оқибатида миллий манфаатларга етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, ривожланаётган ва ўтиш даврида ушбу иллатга дуч келаётган давлатлар учун айниқса муҳим юридик аҳамиятга эгадир.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги тадқиқотлардан фойдаланиш туфайли айрим давлатларда ижобий натижаларга эришилган. Жумладан, дунёнинг ривожланган мамлакатларидан саналган Америка Қўшма Штатлари миллий қонунчилигидан мазкур жиноятларга қарши кураш борасидаги тажрибалар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Дунёда коррупцияга қарши курашга бағишланган илк қонун 1977 йилда АҚШда қабул қилинган бўлиб, у мамлакатда мазкур жиноятнинг олдини олиш борасида юзага келган ҳуқуқий ҳужжатлар учун асос бўлади.

Вақт ўтиши билан Умумамерика коррупцияга қарши конвенциясида¹ мансабдор шахсларнинг бойлик орттиришига қарши нормалар ишлаб чиқилди. Унга асосан ноқонуний йўллар орқали бойлик орттириш — давлат ишида ишлайдиган ҳар амалдорнинг мулкида мўмайгина ўсиш пайдо бўлса, амалдор ўзининг қонуний фаолияти нисбатан катта маблағ қандай келиб қўшилганини ишончли асослаб бера олмаса, у ҳолда бу жиноят ҳисобланади.

АҚШ давлат хизматчиларининг молиявий даромадлари декларацияси масаласи 1978 йилда ҳал этилди. Шу йили «АҚШ давлат хизматчиларининг фаолияти тўғрисида»ги Акт қабул қилинди. Унга асосан, ҳар бир давлат органи раҳбари ўша муассасадаги мансабдор шахслар тўғрисида юқори инстанцияга ушбу ахборотларни беришга мажбур. Агар Акт талаблари бузилса, мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

АҚШ ҳукумати 1995 йилда коррупция ҳолати бўйича хабар берувчиларнинг манфаатдорлигини ва яширин жиноятчиликнинг олдини олишни таъминлаш мақсадида «Гувоҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Унга асосан муайян ташкилот ходими федерал ҳукуматга молиявий зарар келтирадиган ҳар қандай ҳолат ёки битимлар тўғрисида хабар берса,

¹ АДТ Бош Ассамблеясининг қарори AG/res/1398/ 26-0/ 96 vfn 1996 илова.

натижада гумон қилинувчи судда айбдор деб топилса, хабар берган шахс моддий зарарнинг 25—30% миқдоридан рағбатлантирилади¹.

Бугун АҚШда қабул қилинган бундай қонунлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, мансабдор шахсларнинг коррупцион ҳаракатлари учун шикоят берувчилар томонидан аниқланган жиноятлар сони бошқа йўллар билан фош қилинган жиноятларга қараганда кўпни ташкил этмоқда.

Федерал қидирув бюросининг маълумотларига қараганда, 34,2 фоиз мансабдор шахсларнинг жинойи ишлари мазкур корхона ишчилари, 25,4 фоизи бошқа гувоҳлар ва жабрланувчилар, 20,2 фоизи муассаса раҳбарлари тақдимномаси асосида, 19,2 фоизи тергов давомида, 12 фоизи эса назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган. Аксарият давлатларда қабул қилинган хизматчиларнинг ахлоқ кодекси ва шунга ўхшаш ҳужжатларда хизматчилар ўз иш фаолияти давомида қандай совға олишлари мумкин ва бу совғалар қай тарзда ёзиб қўйилиши лозимлиги борасида аниқ тартиб-қоидалар бўлишига катта аҳамият берилмоқда.

Хусусий шарт-шароитларда совғаларни бериш сабабларини тушунтириш талаб этилмайди ва улар берувчининг ташаққурини англашиб, унинг қайтарилиши кутилмайди. Бундан ташқари, совғалар иш жараёнида ҳам берилиши мумкин. Бундай совғалар одатда уларни олувчиларда қарздорлик ҳиссини туғдириб, манфаат кўриш учун берилади. Совға яхши ниятда ёки ходимга таъсир ўтказиш учун берилиши ҳам мумкин. Совға берувчида дўстлик, меҳмондўстлик ва ташаққурдан тортиб, пора бериш ва тамағирлик каби турли ниятлар бўлиши мумкин.

Иш фаолиятида совға камдан-кам ҳолларда ёрдам ёки меҳмондўстлик юзасидан берилади. Совға ёки мукофотнинг қиймати жуда кичик бўлса, беғараз совға бўлиши мумкин. Бироқ совға ёки мукофот ўз қийматидан каттароқ бўлган тақдирда, у қарздорлик ҳиссини туғдириш учун ёки ўрнига бошқа нарса берилишини кутган ҳолда тақдим этилади.

Чет давлатларда совға ёки турли мукофотларни тақдим этиш орқали коррупцияга кириб кетиш сабаблари қуйидагича:

— ходим совға ёки мукофот олиш сабабларини оддий ҳол деб тушуниши ва буни ҳамма ҳам қилишини эътироф этиши;

— совға берувчи хотамлик, раҳмдиллик ёки дўстлик юзасидан бериши;

— совға ва мукофотлар фойдали иш муносабатларини ривожлантиришга ундайди, улар қоғозбозликни қисқартириш орқали бошқарув самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади, деган фикр юритиш;

— совға ва мукофотлар урф-одат ёки анъаналарнинг бир қисми бўлиб, уларни олмаслик хафагарчиликка олиб келиши мумкинлигини эътироф этиш;

— давлат хизматчиларининг етарли маош олмаслиги.

Бу мулоҳазалар «ижтимоий бурч» тушунчасини инобатга олмайди. Давлат ходими сифатида хизматчиларнинг бурчи ҳукумат ишларини холислик ва софдиллик билан бажарилишини таъминлашдир. Шундай экан, улар хизмати давомида совға ва мукофотларни қабул қилсалар, уларни берган одамга нисбатан қарздорлик ҳисси уйғониши мумкин. Бу эса, мансабдор шахсларнинг холислигига путур етказиб, умуман давлат хизматида нисбатан бўлган ишончга ҳам зарар етказиши.

Австралиядаги Нью Саут Уэльс давлат сектори идораларининг² намунавий ахлоқ кодексида таъкидланишича, хизматчилар вазифаларини бажаришда ўзларини совға берувчининг фойдасига иш юритишга ундаши мумкин бўлган ҳадя ва мукофотларни олмаслиги керак. Агар совға ёки мукофотнинг номинал қиймати қиммат бўлса, хизматчилар ўз бошлиқларини бу ҳақда хабардор қилишлари шарт.

Яна бир қизиқ маълумот: АҚШнинг айрим қонунчилигида фуқаролар томонидан давлат хизматчиларига совға бериш қоидаси юридик жиҳатдан белгилаб қўйилган. Унга кўра, давлат хизматчиларининг фарзанди касал бўлганда, фарзандининг туғилган куни ва тўй маросимлари вақтида совға билан тақдирланишлари мумкин, мансабдор шахсларнинг

¹ Қаранг: *Сьюзан Роуз-Аккерман*. Коррупция и государство: причины, следствия, реформы. — М., 2003. — С.75.

² Қаранг: Нью Саут Уэльс давлат идораларининг намунавий ахлоқ кодекси (Австралия): http://www.premiers.nsw.gov/au/pubs_dload_part4/prem_circs_memos/prem_memos/1997/m97-10/html.

хизмат хоналарида бундай совғаларни бериш тақиқланган. Давлат хизматчисига бериладиган бир марталик совға, унинг сонидан қатъи назар, умумий миқдори 50 АҚШ долларидадан ошмаслиги лозим.

Шу ўринда, Литвада қабул қилинган давлат хизматчиларининг ахлоқ нормалари коррупцияга қарши курашишнинг халқаро ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилиб, унда бир қанча қоидалар жорий этилган. Хусусан, Литванинг 1995 йилда қабул қилинган «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонуни ҳуқуқлар, бурчлар ва асосий тамойиллар ҳамда коррупциянинг олдини олишни белгилаб берган. Қонун жиддий жинойтлар ёки давлат хизматларига қарши жинойтлар учун жазоланганлар ҳамда охириги ўн йил ичида ножўя хатти-ҳаракатлари учун давлат хизматидан бўшатирилганларни давлат хизмати учун ҳуқуқсиз деб белгилаган.

Ходим яқин қариндошлик ёки эр-хотинлик муносабати билан ўзининг бевосита бошлиғига алоқадор бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, у бевосита ўзининг қўли остида ишлайдиган хизматчига ёки ўз мансабини назорат қилиш ваколатига эга ходимга алоқадор бўлиши мумкин эмас. Ходим давлат хизматида иккинчи иш жойига эга бўлмаслиги керак.

Хизматчидан ўзи ноқонуний деб ҳисобланган вазифа ёки буйруқлар ҳақида кечиктирмай ўз бошлиғини хабардор қилиш талаб этилади. Хизматчи, шунингдек, ўзи ноқонуний деб билган вазифа, буйруқ ёки ҳукумат қарорини бажармаслик ҳуқуқига эга. Хизматчи ўз бошлиғи томонидан ёзма равишда хабардор қилиниши ва берилган вазифа ёки буйруқни фақат ёзма кўрсатма асосидагина бажариши керак.

Бу борада Канада давлатининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тажрибаси жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилганлиги билан катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, Канаданинг бир қанча вилоятлари ва федерал ҳукумати Парламент аъзолари ва катта амалдорларга ахлоқ масалаларида раҳбарлик қилиш мақсадида алоҳида лавозимларни жорий қилдилар. Бу лавозимлар қуйидагича аталади: ахлоқ комиссари, ҳалоллик комиссари,

мансабни суиистеъмол қилиш ишлари бўйича комиссар, аъзоларнинг манфаатлари комиссари ва ахлоқ маслаҳатчиси. Мазкур институтларнинг барчаси ахлоқ борасида ҳуқуқий тизимга тўлиқ таянишда иккита асосий хавф борлигини эътироф этадилар.

Биринчи хавф шуки, давлат хизматчилари ҳақиқий ахлоқий қонун нималигини осонгина унутишлари мумкин.

Иккинчиси, оддийгина тушунчаларни ҳам қоидалар асосида батафсил тавсифлаш жамоатчилик ишончини кучайтириш ўрнига сусайтириб юбориши мумкин. Давлат ходимлари ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан фаолият юритаётганлиги инобатга олиниб, ҳукумат тақиқлаган тартиб-қоидалар ва хатти-ҳаракатларни белгилаб бермаган.

Ахлоқ тизимини яратиш ва жорий этишда Канада тажрибаси асосий эътиборни мансабни суиистеъмол қилиш эҳтимолининг олдини олишга қаратади. Жумладан, ахлоқ маслаҳатчиси хизмати федерал ҳукуматнинг барча аъзолари ҳамда бош вазирга хизмат кўрсатади. Шунингдек, ҳукумат аъзоларининг умр йўлдошлари ва қарамоғидаги фарзандларига, ҳукумат вазирликларининг ходимлари ва юқори лавозимдаги федерал давлат амалдорларига хизмат кўрсатиб, уларнинг пул маблағлари, даромадлари ва қарзлари билан шуғулланади.

Жинойт қонунининг бузилиши тўғрисида шубҳа туғилган тақдирда, ахлоқ маслаҳатчиси албатта полиция, прокурор ёки судья ролини бажармайди. У кўпроқ амалда ноқонуний бўлмаган, лекин фуқаролар томонидан ахлоқсизлик деб эътироф этилиши мумкин бўлган масалалар юзасидан иш олиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бу борада айрим давлатларнинг тажрибаси ўзининг ижобий самарасини бераётган экан, ушбу ҳуқуқий асослар ва тажрибаларни жиддий ўрганиб, миллий урф-одат, анъана, маънавий қадриятларимизга таяниб, ўзимизнинг қонунчилигимизда акс эттириш муҳимдир.

**ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
БЕЛГИЛАНИШИГА ОИД АЙРИМ ДАВЛАТЛАР
ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига эришилганидан сўнг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам инсон манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, жиноят процесси иштирокчилари ҳимояланиш ҳуқуқларининг янада кенгайтирилиши бунинг далиллари дир. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Юртбошимиз Ислон Каримов суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш борасидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида бир қанча ташкилий-ҳуқуқий чораларнинг амалга оширилиши зарурлигини таклиф этдилар. Ушбу таклифлардан бири ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш эди. Ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асослангани ва сифатига нисбатан талабларнинг сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этаётир¹.

Албатта, ушбу ислохотлар ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида амалга

оширилди, яъни хорижий мамлакатларнинг ижобий ютуқлари миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниб, бугунги кунда мамлакатимизда шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза этишнинг самарали механизми яратилди².

Шундан келиб чиқиб, дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтини ҳам хорижий давлатларнинг қонунчилигида тартибга солиниши ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилишга оид ижобий ютуқларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш ҳақида ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Молдова, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари ва Россия Федерацияси каби хорижий давлатларнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, уларга мувофиқ, жиноят процесси иштирокчилари ўзига хос ҳуқуқий мақомга, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Лекин ушбу давлатларнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиладиган тегишли таъсир чоралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига ўхшаш ёки бошқача тарзда ҳал этилганлигини ёхуд умуман ўз ечимини топмаганлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, терговчи ёки прокурорнинг қақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбурияти Молдова, Беларусь, Арманистон, Қозоғистон, Туркменистон республикалари ва Россия

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.

² Ўша манба.

Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигининг тегишли моддаларига мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, холис, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, ҳимоячи, мутахассис, эксперт, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ва фуқаровий жавобгарнинг вакилларига юклатилади. Эстония Республикаси ЖПКнинг 36-моддасига мувофиқ ушбу мажбурият юқорида қайд этилган процесс иштирокчиларидан ҳимоячида, Озарбайжон Республикасининг ЖПКнинг 97-моддасига мувофиқ экспертда, Қирғизистон Республикасининг ЖПКнинг 54, 57-моддаларига мувофиқ вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг вакили, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарларнинг вакилида мавжуд эмас.

Терговчи ёки прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини узрсиз сабабларга кўра бажармаган айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ ва жабрланувчилар Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари ва Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигининг тегишли моддаларига мувофиқ мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чораси қўлланилса, Эстония, Озарбайжон, Молдова, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари ва Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигининг тегишли моддаларига мувофиқ терговчи ёки прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини узрсиз сабабга кўра бажармаган фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ва фуқаровий жавобгарнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, ҳимоячи, холисга нисбатан суд томонидан ёки ваколати бўлган бошқа мансабдор шахслар томонидан белгиланган миқдорда пул жаримаси ундирилади.

Арманистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида эса терговчи ёки прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини узрсиз сабабларга кўра бажармаган фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ва фуқаровий жавобгарнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, ҳимоячи, холисга нисбатан ҳеч қандай таъсир чоралари белгиланмаган.

Бизнингча, Молдова, Эстония, Озарбайжон республикаларининг жиноят процессуал қонунчилигида чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини бажармаган фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакиллари, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ва фуқаровий жавобгарнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, ҳимоячи, холисга ҳам мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чорасининг қўлланилиши тўғри эмас. Чунки жиноят процессида мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чораси зарурат туфайли шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқдир¹, шунинг учун мажбурий келтириш жиноят ишидан бевосита манфаатдор бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилар доираси билан чегараланиши лозим.

Шу билан бирга, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПКга мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилардан ташқари чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини бажармаган процесс иштирокчиларига нисбатан суд ёки ваколати бўлган мансабдор шахслар томонидан энг кам иш ҳақининг белгиланган миқдорида жарима таъсир чорасининг қўлланилишини қувватлаш мумкин.

Жиноят иши бўйича ҳаққоний кўрсатувлар ва тўғри хулоса бериш, тўғри таржима қилиш,

¹ Бу ҳақида тўлиқроқ қаранг: *Тўлаганова Г.З.* Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: Монография. — Т., 2005. — Б.192.

дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилмаслик мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун юқорида қайд этилган давлатларда жиний жавобгарлик белгиланган.

Молдова, Беларусь, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПКларида ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслик мажбурияти мавжуд эмас.

Жиний ишини тергов қилишда тартибга риоя қилиш мажбурияти Молдова, Беларусь, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларининг ЖПКларида мазмунан яқин бўлса-да, бошқачароқ тарзда, масалан, Молдова Республикаси ЖПКда «жиний таъқибни амалга оширувчи орган вакилининг қонуний талабларига бўйсунуш», Беларусь Республикаси ЖПКда «жиний ишини юритаётган органнинг қонуний талабларига бўйсунуш» ёки «тергов ҳаракатларини ўтказишда тартибга риоя қилиш» деб ифодаланган. Жиний ишини тергов қилишда тартибга риоя қилиш мазмунида ифодаланган мажбурият Молдова, Арманистон, Озарбайжон ва Туркманистон республикалари жиний-процессуал қонунчилигининг тегишли моддаларида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогарларнинг қонуний вакиллари ва таржимон, эксперт, мутахассис ва холисга нибатан юклатилади. Беларусь Республикаси ЖПКда эса юқоридаги иштирокчилардан фақат холисининг зиммасига юклатилмаган (64-мод.). Қозоғистон Республикаси ЖПКда фақат жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, таржимон, эксперт, мутахассис ва холисга нибатан юклатилган. Қирғизистон Республикаси ЖПКда гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий жавобгар, холис, эксперт ва мутахассисга нисбатан юкла-

тилган. Эстония ва Россия Федерацияси ЖПКда юқоридаги мазмундаги мажбурият мавжуд эмас.

Жиний ишини тергов қилишда тартибга риоя қилиш мазмунидаги мажбуриятни бажармаганлик учун тегишли таъсир чоралари юқорида қайд қилинган хорижий давлатларда деярли бир хил ҳал этилган, яъни суд ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан қонунда белгиланган миқдорда жарима таъсир чораси қўлланилиши белгиланган. Лекин Арманистон ва Озарбайжон республикалари ЖПКда ушбу мажбурият бажарилмаганлиги учун ҳеч қандай таъсир чораси белгиланмаган.

Демак, юқоридагилардан кўриш мумкинки, жиний ишини тергов қилишда тартибга риоя қилмаслик ҳолатлари ҳар қандай жиний процесси иштирокчилари томонидан содир этилиши мумкин. Юқорида таъкидланган хорижий давлатларнинг амалдаги ЖПКда жиний ишини тергов қилишда тартибга риоя қилмаганлик учун тегишли таъсир чораларининг аниқ белгиланганлиги эса ижобий ҳолдир.

Эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариш мажбурияти Молдова, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон республикалари ва Россия Федерацияси ЖПКнинг тегишли моддаларига мувофиқ айбланувчи, шахсий кафилга олувчилар, жамоат ёки жамоа кафилликка олувчилар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувида олувчиларга нисбатан юклатилади. Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 169-моддасига мувофиқ, эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариш мажбурияти юқорида кўрсатилган шахслардан ташқари, айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини назорат қилувчи полицияга ҳам юклатилади. Эстония, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ва Россия Федерациясининг ЖПКга кўра эҳтиёт чораси сифатида жамоат ёки жамоа кафиллиги мавжуд эмас.

Ушбу хорижий давлатларда эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам бир-бирига ўхшаш ёки бошқача тарзда ёхуд умуман ўз ечимини топмаганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Молдова Республикаси ЖПКнинг 179, 181-моддалари, Арманистон Республикаси ЖПКнинг 145, 146-моддалари, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 166, 167-моддаларига мувофиқ шахсий кафиллик ёки жамоа кафиллигига олувчилар давлат депозит ҳисоб рақамига белгиланган миқдорда пул маблағини ўтказишлари шарт, агарда эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талаблар улар томонидан бажарилмаса, қўйилган пул маблағи давлат фойдасига ўтказилади. Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 151-моддасида шахсий кафиллик ёки жамоа кафиллигига олувчилар эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун қози томонидан белгиланган миқдорда жарима пули ундирилиши белгиланган. Беларусь Республикаси ЖПКнинг 121-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 145-моддаси, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 106-моддасида шахсий кафиллар эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун судья томонидан белгиланган миқдорда жарима пули ундирилиши белгиланган. Эстония Республикаси ЖПКнинг 70, 71-моддаларида эса шахсий кафилнинг эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган, фақат ўз вақтида қақирувга кўра келмаганлик учун жарима пул маблағи ундирилиши белгиланган.

Демак, хулоса қилсак, хорижий давлатларнинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига нисбатан ўхшаш ёки бошқача тарзда тўлиқроқ ҳал этилганлиги ёхуд умуман ўз ечимини топмаганлигини кузатиш мумкин. Хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки

терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтининг қуйидаги ижобий томонларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, яъни:

— қақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини узрсиз сабабларга кўра бажармаган процесс иштирокчиларига нисбатан (гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилардан ташқари) суд ёки ваколати бўлган мансабдор шахслар томонидан энг кам иш ҳақининг белгиланган миқдорида жарима таъсир чорасининг қўлланилиши (Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари ва Россия Федерацияси ЖПК);

— жиноят ишини тергов қилишда тартибга риоя қилиш мажбуриятини бажармаган процесс иштирокчиларига нисбатан суд ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан қонунда белгиланган миқдорда жарима таъсир чорасининг қўлланилиши (Молдова, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари ЖПК);

— шахсий кафиллик ёки жамоа кафиллигига олувчилар ва вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун суд ёки ваколатли шахс томонидан белгиланган миқдорда жарима таъсир чорасининг қўлланилиши, ҳарбий хизматчининг хулқатвори устидан қўмондонлик кузатувида олувчилар эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажармаганликлари учун ҳарбий устав низомларига (Молдова, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон республикалари ва Россия Федерацияси ЖПК) мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилишларини киритиш мумкин.

Ушбу хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги ижобий ютуқлари Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги тармоғи — амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига, яъни дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик институтидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун имплементация қилиниши мақсадга мувофиқ.

О РОЗЫСКЕ ЛИЦ, СКРЫВШИХСЯ ОТ ОРГАНОВ ПРАВОСУДИЯ (ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ)

Динамика развития общественных отношений, формирование демократического государства с сильным и действенным гражданским обществом порождают необходимость проработки вопросов оптимизации и совершенствования деятельности всех элементов системы обеспечения безопасности государства от существующих угроз в условиях глобализации. В наши дни явление преступности стало носить во многом трансграничный характер, и бороться с ней можно только при открытом и широкомасштабном международном сотрудничестве правоохранительных структур.

Интенсификация международных отношений, налаживание связей, развитие науки и техники используются и преступниками, в связи с чем появляется необходимость рассмотрения особенностей системы борьбы с преступностью, объединяющей страны мирового сообщества. Как справедливо отметил Президент Узбекистана Ислам Каримов, «...наша цель — не слепое копирование моделей развитых стран, а использование передового опыта в сочетании с нашими национальными традициями и особенностями реформирования нашего общества»¹.

Изучение опыта правоохранительных органов зарубежных стран свидетельствует о различных подходах к нормативной регламен-

тации деятельности оперативных аппаратов, обусловленных системой права и построением правоохранительной сферы в каждом конкретном государстве².

Следует согласиться с мнением ученых³, утверждающих, что рассматриваемую задачу борьбы с преступностью невозможно решить без знания и учета практического опыта организации и функционирования полицейских систем ведущих государств мира. В этой связи особое значение приобретает изучение зарубежного опыта в области теории, правовой регламентации, организации и функционирования полиции — одного из важнейших и действенных правоохранительных механизмов всех стран мира.

В системе правоохранительной деятельности любой страны в борьбе с преступностью выделяется основное направление — розыск лиц, скрывающихся от следствия и суда, уклоняющихся от ответственности и тем самым препятствующих назначению уголовного судопроизводства. Учитывая, что розыскная деятельность представляет собой самостоятельное направление, по которому действуют правоохранительные органы, вопросы совершенствования данной сферы приобретают важное практическое значение, ведь низкая результативность розыскной работы может подорвать веру граждан в неотвратимую силу закона, препятствовать

* Стажёр-исследователь-соискатель Академии МВД Республики Узбекистан.

¹ См.: Каримов И.А. Наша цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа // Наша высшая цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Т. 8. — Т., 2000. — С. 323.

² См.: Саитбаев Т.Р. Структура правоохранительных органов США и организация их взаимодействия в борьбе с преступностью // Щит. — 1999. — № 4-5. — С. 10—12.

³ См.: Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие. — Т., 2010. — С. 3.

реформированию общества, нарушать нормальный нравственно-психологический климат, повлечь за собой распространение преступности.

Хотя иностранные государства имеют разные уровни развития, традиции, инфраструктуры, другие специфические черты, придающие своеобразию стратегии и тактике их полицейских формирований, тем не менее, существуют объективные предпосылки для применения зарубежного опыта, поскольку Узбекистану, как и другим странам, приходится решать немало сходных проблем в борьбе с преступностью, в частности, в розыске скрывающихся лиц, при этом используя по существу идентичные формы и методы, часто объединяя усилия с иностранными органами полиции. Кроме того, международное сотрудничество, помимо совместного противодействия преступности, поднимает на новый уровень организацию работы органов внутренних дел в сфере розыска. Целесообразно выделить особенности рассматриваемой сферы в структуре правоохранительных органов ряда стран мира, что, в свою очередь, позволит использовать положительный опыт в целях организации деятельности по розыску лиц, скрывающихся от следствия и суда.

Австрийская Республика. Модель полицейской системы, действующей в Австрии, формировалась после окончания Второй мировой войны с учетом положительного опыта деятельности правоохранительных органов Великобритании, Франции и особенно Федеративной Республики Германии.

Организует и координирует деятельность по борьбе с преступностью на региональном уровне и в национальном масштабе *Федеральное ведомство криминальной полиции*, организационно включающее в себя такое подразделение, как отдел международной полицейской кооперации, ведающий вопросами международного сотрудничества в

области борьбы с уголовной преступностью, развития контактов с зарубежными полицейскими органами. Именно в структуру данного отдела входят Национальное бюро Интерпола и Европола и *Центральная розыскная служба*, отвечающая за разработку стратегии розыскной работы в стране, её организационно-ресурсное обеспечение. Она координирует деятельность по розыску скрывшихся от правосудия преступников Федеральной полиции (*Bundespolizei*) в землях (их всего девять), управления которой, в свою очередь, руководят деятельностью районных и городских полицейских подразделений¹. Таким образом, система розыскной работы носит централизованный характер, в одном ведомстве сочетаются оба вида розыска (местный и международный), способствуя их наступательности и мобильности, и осуществляется четкий контроль над низовыми структурами.

Китайская Народная Республика. Полицейская система Китая является строго централизованной. Роль национальной полиции в стране осуществляет Министерство общественной безопасности (МОБ), которое является функциональным департаментом при Государственном Совете КНР, отвечающим за общественную безопасность всей страны. Это руководящий (руководство всеми территориальными и так называемыми «отраслевыми» специальными органами МОБ) и командный орган народной полиции Китая.

Территориальные органы общественной безопасности, начиная от управлений МОБ провинций, автономных районов или городов центрального подчинения и до низовых подразделений (полицейских участков), находятся в двойном подчинении — местных народных правительств и высших органов МОБ. Структура данных органов зависит от местных особенностей и может отличаться от той

¹ Подробнее см.: Официальный сайт Федерального министерства внутренних дел Австрийской Республики — <http://www.bmi.gv.at/>

структуры, которая лежит в основе центрального аппарата МОБ.

В структуре Министерства общественной безопасности КНР функционирует *Департамент розыска*, который разрабатывает стратегические основы розыскной работы в стране, координирует деятельность территориальных подразделений, где функционируют розыскные подразделения.

Значительный объем в розыскной работе падает на низовой орган — постоянный (выездной) Пост общественной безопасности, или пайчусо, состоящий из начальника поста, политрука, двух-трех полицейских, ответственных за учет населения и общественный порядок на участке. В задачи постов входит проверка мест возможного появления разыскиваемых, информация о которых поступает в виде ориентировки¹.

Именно территориальные подразделения непосредственно устанавливают местонахождение скрывшихся преступников посредством тех или иных розыскных мер с учетом особенностей местных условий, а регулирование этих мер осуществляет Министерство общественной безопасности государства.

Соединенное Королевство Великобритании и Северной Ирландии. Полиция Великобритании — это ряд крупных территориальных формирований, которые подчинены местным властям и находятся под контролем Министерства внутренних дел (в Англии и Уэльсе).

Политику и стратегию борьбы с преступностью определяет Министерство внутренних дел Великобритании (Home Office), руководящее и организующее деятельность лишь территориальных полицейских служб Англии и Уэльса, однако, оно является и общенациональным ведомством, координирующим деятельность полиции на территории всей страны.

МВД Великобритании определяет общую политику, стратегию и финансирование борьбы

с преступностью, не имея при этом права оперативного управления. Оперативно-розыскную деятельность по розыску скрывающихся преступников осуществляет управление разведки в составе Агентства по борьбе с организованной преступностью. Это агентство также выступает как Национальное бюро Интерпола и Европола, в полномочия которого входит организация розыска лиц, скрывающихся от следствия и суда, в том числе международного.

В Великобритании территория Англии, Уэльса и Шотландии разбита на полицейские зоны, где функционируют управления местными полицейскими отрядами. В объединенных полицейских зонах создаются объединенные полицейские органы власти, представляющие охватываемые зоной графства и города-графства. Таким образом, в стране сформирована трехуровневая система ответственности за обеспечение безопасности, борьбу с преступностью и розыск скрывающихся преступников.

Низовым полицейским органом является полицейская станция («управление констеблей»), которая ответственна за решение множества задач на местном уровне, включая и проведение розыскных мероприятий.

Особый статус в полицейской системе Великобритании имеет Служба столичной полиции (Metropolitan police Service), или, как ее часто называют, Скотланд-Ярд, которая является крупнейшим территориальным полицейским управлением страны и одним из самых крупнейших полицейских подразделений в мире. В отличие от других территориальных полицейских управлений, оно подчинено непосредственно МВД, зачастую выступая в роли центрального полицейского органа страны. В структуре Службы столичной полиции функционирует Управление по борьбе с преступностью — особая служба, занимающаяся расследованием и борьбой с тяжкими видами преступлений и организованной

¹ Подробнее см.: Официальный сайт Министерства общественной безопасности Китайской Народной Республики — <http://www.mps.gov.cn/>

преступностью. В ее состав входит подразделение розыскной работы. Данная структура выполняет функции Национального бюро Интерпола Великобритании, осуществляет выдачу преступников и оказывает международную помощь — отвечает на национальном уровне за розыск и задержание преступников, скрывающихся за рубежом, а также реагирует на запросы из других стран¹.

Франция. Полицейская система Французской Республики относится к одной из старейших систем Европы, которая считается типичным образцом так называемой континентальной модели системы обеспечения внутренней безопасности страны.

Основные функции розыскной работы в структуре французской полиции выполняет Национальная полиция, на которую в соответствии с законами, регламентирующими её деятельность, возложены три основные миссии: обеспечение безопасности и общественного порядка, разведка и информирование, а также уголовная полицейская деятельность, на основе которой концентрируется розыск скрывшихся от правосудия обвиняемых, контроль за миграционными потоками и борьба с незаконной миграцией.

Выполнение последней миссии возложено на Центральную дирекцию судебной полиции, директор которой одновременно является и главой Национального бюро Интерпола во Франции. Дирекция координирует деятельность региональных подразделений, управлений полиции провинций и городов, жандармских провинциальных формирований. Именно в это структурное формирование входит *Центральное управление по розыску скрывшихся преступников и*

без вести пропавших, разрабатывающее стратегические основы и обеспечивающее руководство розыскной работой во всей стране. Необходимо отметить, что и пограничная служба Франции обязана выполнять задачи, находящиеся в ведении данного управления².

Изучение опыта деятельности различных полицейских систем с точки зрения возможностей его использования в Узбекистане целесообразно как теоретически, так и практически с учетом современных реалий международного сотрудничества.

С принятием Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности»³ возникнет необходимость пересмотра подходов к организации и нормативному регулированию одного из основных направлений деятельности органов внутренних дел — розыскной работы.

Вместе с тем необходимо учитывать, что эффективность розыскной работы может быть достигнута путем анализа собственного опыта, особенностей национальной системы права, организации уголовного судопроизводства, сложившейся структуры правоохранительных органов.

Таким образом, творческое осмысление и использование зарубежного опыта, на наш взгляд, позволит лучше понять современные проблемы, даст возможность определить закономерности развития теории и практики, которые трудно выявить без тщательного анализа. На основе научно обоснованных выводов можно будет использовать те или иные особенности структур зарубежных стран, что позволит совершенствовать механизмы организационных и тактических основ оперативно-розыскной деятельности.

¹ Подробнее см.: Официальный сайт Министерства внутренних дел Великобритании — <http://www.homeoffice.gov.uk/>.

² Подробнее см.: Официальный сайт Министерства внутренних дел Французской Республики — <http://www.interieur.gouv.fr/>; официальный сайт Национальной жандармерии Французской Республики — <http://www.bgendarmerie.interieur.gouv.fr/>.

³ См.: *Каримов И.А.* Дальнейшее углубление демократических реформ и формирование гражданского общества — основной критерий развития нашей страны. Т. 19. — Т., 2011. — С. 34-96.

А. П. Тўраев*

ХУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИ ТАВСИФИ

Маълумки, ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солишдан иборат. Бироқ давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормалар уларни амалга оширишнинг мураккаб механизмларисиз тартибга солиш ролини бажара олмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаб ўтганидек, «қонун қабул қилиш — бу ишнинг ярми холос. Уларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизмни яратиш лозим»¹.

Ҳуқуқий нормалар ҳаётга татбиқ этилмас экан, улар ўзларининг ижтимоий аҳамиятини йўқотади. Бу ҳақида рус ҳуқуқшуноси Л. С. Явич: «Ҳуқуқ агар унинг қоидалари одамлар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида, ижтимоий муносабатларда амалга оширилмаса, ҳеч нарса эмас. Агар ҳуқуқни жамият ҳаётига татбиқ этиш механизмидан четга чиқилса, уни тушуниш мумкин эмас»², — деб таъкидлайди.

Ижтимоий ҳаётда ҳуқуқни амалга ошириш муаммосини ҳал қилиш учун унинг тушунчаси, аҳамияти ва моҳиятини теран англаш лозим. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси ҳақида манбаларда турли ёндашувлар мавжуд. Умуман, ҳуқуқни амалга ошириш деганда, юридик нормалар қоидаларини ижтимоий муносабатлар субъектлари (давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар)нинг

ҳуқуқий хатти-ҳаракатлари орқали ҳаётга жорий қилиш, татбиқ этиш тушунилади.

Ҳуқуқни амалга ошириш шахсларнинг фақат ҳуқуқий хатти-ҳаракатлари, яъни ҳуқуқ нормаларига мос келадиган хатти-ҳаракатлари билан боғлиқдир. Жумладан бир ҳолатда бу фаол ижобий хатти-ҳаракат (ҳуқуқдан фойдаланиш ёки мажбуриятни бажариш), иккинчи бир ҳолатда эса субъектларнинг ҳаракатсизлиги (ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишдан сақланиши)дир. Демак, ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий хатти-ҳаракатлари ҳуқуқ нормаларини амалга оширади, ғайриҳуқуқий ҳаракатлари эса уни бузади.

Ҳуқуқшунос олим Ҳ.Т.Одилқориевнинг асосли таъкидлашича, ҳуқуқни амалга ошириш — давлат томонидан юридик мустаҳкамланган ва кафолатланган имкониятларни рўёбга чиқариш, уларни одамлар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга татбиқ этиш демақдир³.

Таъкидлаш жоиз, ҳуқуқни амалга ошириш жараёни ҳуқуқ ижодкорлигида ҳам юз беради, чунки ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ҳам ҳуқуқ билан тартибга солинади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий нормаларнинг, хусусан, қонуннинг қабул қилиниши бу — ҳуқуқий тартибга солишнинг илк босқичи, холос. Бинобарин, қонуннинг асосий вазифаси ижтимоий амалиётга татбиқ этилишдан иборат. Бу борада мамлакатимиз Президенти шундай таъкидлаган: «Биз қонунчилик тизимини тубдан ўзгартиришгагина эмас, балки қабул қилинган қонунлар ва бошқа

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг ўқитувчиси.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т., 1999. — Б.156.

² Явич Л. С. Общая теория права. — Л., 1971. — С. 201.

³ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. — Т., 2009. — Б.410.

норматив ҳужжатларни рўёбга чиқариш борасида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари уйғун ҳаракат қилишига катта аҳамият бермоқдамиз. Шу сабабли қабул қилинган қонунларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш масаласи биз учун ҳамма вақт долзарбдир»¹. Зеро, ижтимоий муносабатларга ижобий таъсир этиб ижтимоий ҳаётни батартиблаштиришга хизмат қилмайдиган қонун самарасиз ҳисобланади.

Ҳуқуқни амалга ошириш механизмлари хилма-хил бўлиб, уларнинг мазмун-моҳияти ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Чунончи, роман-герман ҳуқуқий тизимида бу жараён қуйидаги уч йўналишни ўз ичига олади:

1. *Табиий ҳуқуқни қонун даражасига кўтариш (ижобий ҳуқуқ), унга норматив шакл бериш.* Инсон ва жамият табиатидан келиб чиқувчи инсон ҳуқуқлари, унинг ижтимоий-ҳуқуқий даъволари табиий ҳуқуқ асосини ташкил этади. Мазкур даъволарни амалга ошириш учун улар давлат томонидан қонуний, норматив эътироф этилиши даркор. Инсон ҳуқуқларини қонун даражасига кўтариш, уларни конституциявий асосда ҳамда жорий қонунларда мустаҳкамлашни англатади.

2. *Қонунни амалга оширишнинг хилма-хил механизмлари.* Ушбу механизмлар ёрдамида қонун талабларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг аниқ мазмун-моҳиятига айланиши содир бўлади.

3. *Ҳуқуқнинг бевосита амалга оширилиши жараёни.* Айнан шу жараёнда ҳуқуқ имкониятдан ҳақиқатга айланади ва бу ҳол ҳуқуқ соҳибининг иродаси асосида рўй беради, яъни ҳуқуқнинг амалга оширилиши, шунингдек, қачон ва қандай чегараларда рўёбга чиқарилиши айнан шу ҳуқуқ субъектига боғлиқ бўлади².

Ҳуқуқни амалга ошириш шаклларини турли асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Жумладан, субъект таркибига кўра, ҳуқуқни амалга оширишнинг якка тартибдаги ва жамоавий шакллари фарқланади. Айрим ҳуқуқий талабларни бир-бири билан бирлаштирмасдан, ҳуқуқнинг жамоавий субъектига айлантормасдан, ҳаётга жорий этиб бўлмайди.

Норматив ҳужжатларда акс этган қоидаларни амалга ошириш даражаси (теранлиги) нуқтаи назаридан ҳуқуқни амалга оширишнинг қуйидаги уч шаклини кўрсатиш мумкин: а) қонунларнинг муқаддимасида, ҳуқуқий фаолиятнинг умумий вазифалари ва принципларини қайд этувчи моддаларда ифодаланган умумий қоидаларни татбиқ этиш; б) ҳуқуқий мақом ва ваколатларни белгиловчи умумий нормаларни татбиқ этиш; в) аниқ ҳуқуқий муносабатларда аниқ нормаларни татбиқ этиш.

Субъектлар ҳаракатининг хусусиятига, улар фаоллигининг даражаси ва йўналишига кўра, ҳуқуққа риоя этиш, ҳуқуқни ижро этиш (одатдаги ёки оддий шаклларда), ҳуқуқдан фойдаланиш ҳамда амалга оширишнинг алоҳида шакли — ҳуқуқ нормаларини қўллаш ўзаро фарқланади.

Ҳуқуқ нормасига риоя этиш ҳуқуқда тақиқланган ҳаракатларни содир этишдан сақланиш кўринишида ҳам бўлади. Бу субъектларнинг ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ҳатти-ҳаракатларининг сушт шаклидир. Аксарият ҳолларда ҳуқуққа риоя этиш сезиларсиз кечади, одатда, қайд этилмайди. Айнан шунинг учун ҳам унинг юридик табиати яққол намоён бўлмайди. Бу шаклда тақиқловчи нормалар амалга оширилади.

Ҳуқуқ нормаларини ижро этиш (ҳуқуқ талабларини бажариш) субъектлар ўзларига юклатилган юридик мажбуриятларни бажарганда юз беради. Бундай ҳолларда улар фаол ҳаракат қилади. Ушбу шаклда ҳуқуқнинг мажбурловчи нормалари амалга оширилади. Масалан, жамоат транспортининг йўловчиси

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — Б. 289.

² Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Теория государства и права: Учебник. — М., 2001. — С.393—394.

чипта оларкан, юридик мажбуриятни бажаради — йўлкира ҳақини тўлайди, демак, ҳуқуқ нормасини ижро этади.

Ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш — субъектларнинг ўз хоҳиш-ихтиёрига кўра, ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланишидир. Тақиқлар ва юридик мажбуриятларнинг қўлланилиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва уни ижро этишдан фарқли ўлароқ, ҳуқуқ рухсат берган ҳаракатларни содир этишдан иборатдир. Ҳуқуқдан фойдаланиш орқали қонуний ҳуқуқ берадиган нормалар татбиқ этилади. Ҳуқуқни амалга оширишнинг ушбу шакли қонуний ҳуқуқ берадиган (ҳуқуқдорлик) нормалар ва субъектив ҳуқуқдан иборат манфаат тариқасидаги қудратли рағбатлантирувчи омил (стимул) билан таъминланади. Бироқ бу ерда ҳам давлат иштирокчи бўлмай қолмаслиги керак: у ҳуқуқдан фойдаланиш учун шароит яратиши ва унинг ҳимоя қилинишини таъминлаши лозим.

Ҳуқуқни амалга оширишнинг ушбу уч шаклини бевосита ҳуқуқни амалга ошириш шакллари деб аташ қабул қилинган. Мазкур шаклларда кўплаб ҳуқуқ нормалари (бирок ҳаммаси эмас) татбиқ этилади.

Риоя қилиш, ижро этиш ва фойдаланиш кабилар юридик нормаларнинг амалда тўлиқ татбиқ этилиши учун етарли бўлмасдан, ушбу жараёнга ваколатли давлат ҳокимияти органларининг аралашуви талаб қилинадиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, нафақага чиқиш, ишга кириш, ҳарбий хизмат мажбуриятини бажариш ва бошқалар.

Ҳуқуқни амалга оширишнинг алоҳида шакли ҳисобланадиган «ҳуқуқни қўллаш» тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларига, уларда мустаҳкамланган тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни

амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек ушбу жараённи назорат қилишни мақсад қилиб олган ваколатли уюштирувчи фаолиятдир¹. Жамиятда ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг фаолияти, уни такомиллаштириш муаммолари муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов адлия органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини бериши, бу эса ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаган².

Ҳуқуқни амалга ошириш методлари муаммоси бу — фуқаролар, мансабдор шахслар, ташкилотларда юридик нормаларни ижро этиш ва риоя қилиш мотив (сабаб)ларини шакллантиришдир.

Жамиятда ҳуқуқий бошқарув мақсадига, умуман ҳуқуқнинг самарадорлигига эришиш ҳуқуқий воситаларни тўғри танлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқий тартибга солишнинг норматив асосидаги мавжуд юридик воситалар, усулларни тўғри баҳолай олмаслик, нотўғри танлаш ҳуқуқни амалга оширишда янглишишларга, ҳуқуқий таъсирнинг пасайишига олиб келади³.

Ҳуқуқшунослик анъанавий тарзда ҳуқуқни амалга оширишнинг икки усули — ишонтириш ва мажбурлов методини қайд этган.

Ишонтириш усули кенг халқ оммасига қонунлар ва ҳуқуқий нормалар мазмунини тушунтириш, улар онгига сингдириш ва бошқа тарбиявий чоралар кўриш йўли билан амалга оширилади. Бунда қонунларга ихтиёрий риоя

¹ Қаранг: *Ислонов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: акад. Ҳ. Раҳмонқулов, ю.ф.д., проф. Ҳ. Бобоев. — Т., 2007. — Б.814.

² Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б. 56.

³ Қаранг: *Современное государство и право. Вопросы теории и истории.* — Владивосток, 1992. — С. 18.

қилиш, уларнинг талабларини бажаришга эришилади.

Мажбурлаш усулида қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормалар бузилган тақдирда, давлат органлари томонидан мажбурий чоралар қўллаш амалга оширилади. Шу тариқа ҳуқуқий нормалар ва қонуннинг бажарилишига эришилади.

Маълумки, ҳуқуқни нормал амалга ошириш воситаларидан бири бу — ҳуқуқий хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бу ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ нормаларига мос юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи, ижтимоий фойдали аҳамиятга эга, онгли равишдаги хулқ-атворидир. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат қонунга мос, юридик шаклда ифодаланган ижтимоий хатти-ҳаракат бўлиб, ҳуқуқ шу туфайли амалга ошади. Ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар доираси ва чегараси ҳуқуқий норманинг диспозиция қисмида белгиланади.

Ҳуқуқий хатти-ҳаракат йўли билан жамият бошқарилади, тартибга солинади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилади. Жамиятда вужудга келадиган ва амалда бўладиган ҳуқуқий муносабатларнинг асосий қисми ўз мазмунига кўра ҳуқуқий хатти-ҳаракатлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни амалга оширишдан субъектив ҳуқуқ

эгалари, яъни ҳуқуқ субъектигина манфаатдор. Бошқа барча субъектлар мажбурият ўтовчи томон, ҳуқуқни қўлловчи, қонун чиқарувчилар — пировард натижада қонуний ҳуқуққа эга бўлган шахс манфаатига хизмат қиладилар.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг амалга оширилиши ёки татбиқ этилмаслиги масаласини ҳал этиш шу ҳуқуқ эгасига боғлиқ бўлади. Бунда субъектив ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари, яъни юридик жавобгарлик механизмлари ҳуқуқни татбиқ этиш механизмнинг бир қисми сифатида намоён бўлади. Ҳимоя жараёнида ҳуқуқ тикланади ва яна уни татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади¹.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни амалга оширишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уни тўғри, тўла ва юридик жиҳатдан аниқ билиб олиш, уни амалга оширишнинг мос усул ва механизмларини танлашга боғлиқ. Шундай экан, ҳозир фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ҳуқуқни самарали татбиқ этиш учун жамоатчилик назоратини, фуқароларнинг шахсий масъулияти, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу борада мамлакатимизда ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини жадаллаштириш даркор.

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Проф. Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. — Т., 2009. — Б.413.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТУВЧИ МУАССАСАЛАР ВА ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир тури ўз хусусиятига эга. Жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатларининг асосий турлари – жазони ижро этиш муассасаларининг озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш борасидаги фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумлар хулқ-атворини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар мазмунининг хусусиятлари алоҳида диққатга сазовор.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳуқуқий муносабатлар мазмунига ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятлари объекти ҳисобланадиган ижтимоий неъмат (ҳуқуқий муносабат предмети) ҳамда ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари киради. Турли жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатларида улар ўзининг турлича ифодасини топади.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этувчи муассасалар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар мазмунининг хусусиятлари улар тартибга солувчи фаолиятнинг хусусияти билан белгиланади¹.

1. Улар жазолаш фаолиятини амалга оширганларида ҳуқуқий муносабат предмети сифатида маҳкумнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амал қилади. Ҳуқуқлар ва эркинликлар маҳкум учун ижтимоий неъмат ҳисобланади. Озодликдан маҳрум қилиш

тарзидаги жазони ўташ даврида маҳкум бу неъматдан маҳрум бўлади ёки унинг мазкур неъматдан баҳраманд бўлиш имкониятлари чекланади. Айни ҳолда ҳуқуқий муносабат мазмунига ижтимоий неъмат (маҳкумнинг ҳуқуқ ва эркинликлари)дан ташқари, жазони ижро этиш муассасасининг маҳкумни муайян ҳуқуқлар ёки эркинликлардан маҳрум қилишга ёки уларни чеклашга бўлган ҳуқуқи ҳамда маҳкумнинг қонунда назарда тутилган маҳрумликлар ва чеклашларга тоқат қилиш мажбурияти киради. Бу ҳуқуқлар ва мажбуриятлар жазони ижро этиш пайтида маҳкумнинг маҳрумликлар ва чеклашларга қонунда ва суд ҳукмида белгиланган чегарадан четга чиқмайдиган ҳажмда йўлиқишга бўлган ҳуқуқини белгилайди.

Мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи юридик фактлар сифатида суд ҳукми, юридик актлар, айрим ҳолларда эса жазони ижро этувчи органларнинг техник ҳаракатлари, маҳкумлар хулқ-атворининг ҳар хил турлари амал қилади. Баъзан ҳуқуқий муносабатлар жазони ижро этувчи орган томонидан ижтимоий муносабат иштирокчиларига ҳуқуқлар берувчи ва уларга мажбуриятлар юкловчи юридик ҳужжат қабул қилиниши натижасида юзага келади. Айрим ҳолларда ҳуқуқий муносабатлар маҳкумларнинг у ёки бу хулқ-атвори натижасида юзага келади. Масалан, маҳкумлар томонидан жазони ўташ тартибининг бузилиши жазони ижро этувчи органнинг уларга интизомий жазолар қўллаш

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент Олий ҳарбий техник билим юрти ўқув бўлимининг ходими.

¹ Қаранг: Жиноят-ижроия ҳуқуқи: Маърузалар курси. — Т., 2010. — Б.28—29.

ҳуқуқини ва маҳкумларнинг бу жазоларга тоқат қилиш мажбуриятини юзага келтиради. Жазо тайинлаш тўғрисидаги юридик акт уларнинг ҳар бирига аниқ белгиланган интизомий жазо чорасига йўлиқиш мажбуриятини юклайди.

2. Ахлоқ тузатиш чораларини қўллаш масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар жазони ижро этиш муассасалари ва маҳкумлар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари предметининг бошқачалиги билан тавсифланади. Уни маҳкумнинг меҳнат фаолияти ва унинг хусусияти, бошланғич касб-ҳунар маълумоти олиш ёки касб-ҳунар тайёргарлигидан ўтиш, шунингдек умумий ўрта маълумот олиш тўғрисидаги масалани мустақил ҳал қилиш эркинлигидан иборат ижтимоий неъмат ҳосил қилади. Маҳкумнинг ижтимоий неъматига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроя кодексига ва жазони ижро этиш муассасасининг кун тартибига назарда тутилган айрим тарбиявий тадбирларнинг ўзи учун мажбурийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш эркинлиги ҳам киради. Айти ҳолда ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни жазони ижро этиш муассасасининг маҳкумга кўрсатилган ахлоқ тузатиш чораларини қўллаш ҳуқуқи ва маҳкумнинг ўзига қўйилган талабларни бажариш мажбурияти билан белгиланади.

Ахлоқ тузатиш чораларини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи юридик фактлар сифатида энг аввало жазони ижро этувчи органларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари амал қилади. Бундай фактлар сифатида маҳкумларнинг қилмишлари амал қилиши ҳам мумкин. Масалан, маҳкумнинг ишлашдан бош тортиши жазони ўташ тартибини бузиш ҳисобланади ва жазони ижро этувчи органнинг унга жазо қўллаш ҳуқуқини юзага келтиради. Меҳнат фаолиятдан бўйин товлаш меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш билан мос келмайди, шу туфайли ҳам маҳкумни жазони ўташнинг енгилроқ шароитига ўтказишга монелик қилувчи юридик факт ҳисобланади¹.

3. Жазони ижро этиш муассасаларининг маҳкумлар ахлоқан тузалиши учун шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатларнинг предметини улар фаолияти ва маҳкумлар ҳулқ-атворининг жазони ижро этиш муассасалари ўз олдига қўйилган вазифаларни лозим даражада амалга оширишлари учун зарур бўлган турлари ташкил этади. Мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг предмети сифатида жазони ижро этиш муассасаларининг фаолияти ҳам, маҳкумлар ҳулқ-атвори ҳам амал қилиши туфайли бу ҳуқуқий муносабатлар икки хил бўлиши мумкин: *биринчиси*, предметини жазони ижро этиш муассасаларининг фаолияти ташкил қилувчи ҳуқуқий муносабатлар; *иккинчиси*, предметини маҳкумлар ҳулқ-атвори ташкил қилувчи ҳуқуқий муносабатлар. Ҳуқуқий муносабатнинг предмети сифатида маъмурият фаолияти (масалан, маҳкумларнинг моддий-маиший ва тиббий-санитария таъминоти) амал қилган ҳолда, ҳуқуқий муносабат маъмуриятнинг ўзига амр этилган ҳаракатларни бажариш мажбуриятида ва маҳкумларнинг бу ҳаракатлар бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқида ифодаланади. Ҳуқуқий муносабатнинг предмети сифатида маҳкумлар ҳулқ-атвори амал қилган (масалан, жазони ижро этиш муассасаси ва унга туташ ҳудудни ободонлаштириш ишларини меҳнатга ҳақ тўламасдан бажариш) ҳолда эса, ҳуқуқий муносабатлар мазмунига маъмуриятнинг маҳкумларни мазкур ишларга меҳнатга ҳақ тўламасдан жалб қилиш ҳуқуқи ва маҳкумларнинг ушбу ишларни кўрсатилган шартларда бажариш мажбурияти киради.

Маҳкумлар ахлоқан тузалиши учун шароитлар яратиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи юридик фактлар сифатида, одатда, жазони ижро этувчи органлар маъмуриятининг ҳуқуқий ҳужжатлари амал қилади. Маҳкумлар ҳулқ-атвори кўпинча улар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган ҳолда мазкур ҳуқуқий муносабатларни

¹ Қаранг: *Юлдашев М.Ш.* Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этиш. — Т., 2010. — Б.47—53.

амалга оширишга таъсир кўрсатувчи юридик фактга айланади.

4. Маҳкумларни жазодан озод қилиш ва жазодан озод бўлаётган маҳкумларга ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатларнинг предмети-ни маҳкумларни жазодан ва жиноят-ҳуқуқий тусдаги бошқа чоралардан озод қилиш асослари ва тартиби, шунингдек жазодан озод бўлаётганда уларга кўрсатиладиган ёрдамнинг муайян турлари ташкил қилади.

Бу ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари энг аввало озод бўлиш асослари, озод бўлиш вақти, жазодан муддатидан илгари ва муддатидан илгари шартли озод қилишга тақдим этиш тартиби, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги туфайли жазони ўташ кечиктирилган аёлларни жазодан озод қилиш тартибига нисбатан белгиланади. Маҳкумлар жазони ижро этувчи орган маъмуриятидан жазодан озод қилиш асослари ва тартибини белгиловчи қонун-қоидаларнинг барчасини бажаришни талаб қилишга ҳақлидирлар. Жазони ижро этувчи органлар маъмурияти бу талабларни бажаришга мажбур. Жазодан озод қилинаётган маҳкумларга ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари маҳкум жазодан озод бўлганидан сўнг уни ишга жойлаштириш, турар жой билан таъминлаш, унга бошқа турдаги ижтимоий ёрдам кўрсатишга нисбатан белгиланади. Ушбу гуруҳ ҳуқуқий муносабатларига жазони ижро этувчи муассасалар маъмурияти ва маҳкумларнинг уларни кийим-кечак ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, йўлкира ҳақини тўлаш кабиларга доир ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам киради. Бундан олдинги ҳолда бўлганидек, маҳкумлар маъмуриятдан қонунда назарда тутилган ёрдам турларининг барчаси ўзларига

кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, маъмурият эса бу ёрдам турларининг барчасини уларга кўрсатиши шарт¹.

Ҳуқуқий муносабатларнинг мазкур гуруҳини тартибга солувчи юридик фактларга энг аввало муайян воқеалар (жазони ўташ муддатининг тугаши, маҳкумнинг касаллиги, аёлнинг ҳомиладорлиги ва ш.к.) киритилиши лозим. Улар амнистия ва афв этиш актлари, суд қарорлари, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган бошлиғининг тақдимномаси, бошқа ҳуқуқий қарорлар бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда юридик факт сифатида маҳкумларнинг ҳаракатлари ҳам амал қилади (масалан, жазони ўташ кечиктирилган маҳкум яшаш жойига етиб келгандан сўнг уч кунлик муддат ичида шу ердаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳозир бўлиш ҳақида тилхат бериши назарда тутилган).

Энди жазони ижро этиш муассасаларининг жазоларни ижро этишни ташкил қилиш масалаларини ҳал қилиш борасидаги фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатларга тўхталамиз.

Жазоларни ижро этишни ташкил қилишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ўз табиатига кўра процессуал ҳуқуқ нормалари ҳисобланади. Шу туфайли ҳам улар яратувчи ҳуқуқий муносабатларни процессуал ҳуқуқий муносабатлар туркумига киритиш ўринли бўлади. Аммо, жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатларини таснифлаш мезони сифатида уларнинг ижтимоий йўналиши танлангани боис, уларнинг бу гуруҳи жазоларни ижро этишни ташкил қилишни тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар деб аталади.

Таснифлашнинг мазкур мезони жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатларини тавсифлаш учун уларни моддий ва процессуалга ажратишга қараганда кенгроқ имкониятлар яратади. Н.Б.Маликова қайд этганидек, моддий нормалар қўлланиш жараёнида шаклланади-

¹ Қаранг: *Шамансуров А.А.* Прекращение наказания и социальная адаптация лиц, освобождаемых из мест лишения свободы. — Т., 1998; *Пулатов Ю.С., Қодиров У.* Ижтимоий алоқани ривожлантириш // Ҳаёт ва қонун. — 1997. — № 10. — Б.76—81; *Пулатов Ю.С., Пайзиев А.Р.* Ҳаётга қайтиш машаққатлари // Ҳаёт ва қонун. — 1998. — № 9—10. — Б.29—34.

ган, норматив мустаҳкамланган тартиб-таомиллар, бир томондан, улар субъектлар томонидан амалга оширилишининг зарурий шarti ҳисобланади, бошқа томондан эса, маҳкумлар субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолати сифатида амал қилади. Аини вақтда, асосли процессуал тартиб-таомилларнинг йўқлиги маҳкумларнинг субъектив ҳуқуқлари қониқарли даражада таъминланмаслигига ёки уларнинг бузилишига олиб келиши мумкин¹.

Жазони ижро этиш муассасаларининг жазоларни ижро этишни ташкил қилиш фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар жазолаш фаолиятини, маҳкумларга ахлоқ тузатиш чораларини қўллаш борасидаги фаолиятни, маҳкумлар ахлоқан тузалишлари учун шароитлар яратиш борасидаги фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш имкониятини таъминлайди. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида улар асосан техник роль ўйнаса-да, лекин жазоларни ижро этиш тизимида улар муҳим бўғин ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган муносабатлар бу – асосан жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти билан маҳкумлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлардир. Уларнинг тартибга солиш предметини асосан асосий жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатларини амалга ошириш усули ва муддатлари ташкил этади.

Ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш усули жазони ижро этувчи муассаса ёки органлар томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар номини келтириш ёки тавсифлаш йўли билан очиб берилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖИК 55-моддасида жазони ўташ жойига маҳкум етиб келгандан сўнг, унинг оиласига бу ҳақда хабарнома юбориш, Ўзбекистон Республикаси ЖИК 27-моддасида эса, ахлоқ тузатиш ишла-

рига ҳукм қилинган маҳкумнинг жазони ўташни давом эттиришига монелик қиладиган оғир касаллиги туфайли уни жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома юбориш ҳақидаги қоида белгиланган.

У ёки бу ҳуқуқий муносабатни амалга ошириш муддати одатда бажарилиши лозим бўлган ҳаракатни кўрсатиш билан бир вақтда белгиланади. Масалан, жазоларни ижро этиш инспекцияси ахлоқ тузатиш ишлари муддати тамом бўлган кунда, бу жазодан бошқа асосларга кўра озод этилганда эса, тегишли ҳужжатлар олингандан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан маҳкум ахлоқ тузатиш ишларини ўтаган ташкилот маъмуриятига унинг иш ҳақидан чегириб қолишни тўхтатишни таклиф қилиши шарт. Кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи, ўзгартирувчи ёки тугатувчи юридик фактлар сифатида кўпинча у ёки бу воқеалар: маҳкумнинг жазони ўташ жойига келиши, жазони ўташ муддатининг тугаши, маҳкумнинг касаллиги, маҳкумни муддатидан илгари шартли озод қилишга тақдим этиш учун асосларнинг юзага келиши қаби-лар амал қилади. Ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг юридик фактлари сифатида ҳуқуқий актлар, суд қарорлари, идоровий фармойишлар, шунингдек маҳкумларнинг аризалари ва шикоятлари амал қилиши ҳам мумкин.

Юридик фактлар пайдо бўлганида мавжуд ҳуқуқий нормаларга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солишнинг юқорида зикр этилган предметларига нисбатан жазони ижро этувчи муассаса ёки орган ва маҳкумларнинг тегишли ҳуқуқлари ва мажбуриятлари юзага келади. Айрим ҳолларда жазони ижро этишни ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ечишда ҳуқуқлар ва улар билан белгиланадиган мажбуриятлар мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари (жамоат бирлашмалари, маҳкумларнинг қариндошлари ва ҳ.к.)да юзага келиши ҳам мумкин.

¹ Қаранг: *Маликова Н.Б.* Процессуальные нормы уголовно-исполнительного права и их функции при исполнении лишения свободы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Рязань, 2005. — С.13.

◆ Нашрга тайёрланди ◆

Фуқаролик ва оила ҳуқуқи: Маърузалар курси / О. А. Камалов, О. А. Ниятов, Н. А. Қўлдашев, Ш. М. Қўйчиев, Д. И. Самандаров, Х.М. Қиличев; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, проф. Ҳ. Раҳмонқулов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. — 517 б.

Ушбу маърузалар курсида «фуқаролик ҳуқуқи» тушунчаси, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектлари, фуқаролик ҳуқуқи объектлари, битимлар, вакиллик, ишончнома, даъво муддати, мулк ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш усуллари, мажбурият ҳуқуқи ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари ва шартлари, муаллифлик ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа шу каби муҳим институтлари ёритиб берилади. Шунингдек, «оила ҳуқуқи тушунчаси», оила ва унинг жамият ҳаётида туганган ўрни, никоҳ, васийлик ва ҳомийлик, қон-қардошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент мажбуриятлари ва оила ҳуқуқи муносабатларини тартибга соладиган бир қатор бошқа масалалар хусусида фикр юритилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий ўқув юртларининг курсантлари ва тингловчиларига мўлжалланган бўлиб, ундан республикамиздаги бошқа юридик олий ўқув юртларининг талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Суд бухгалтерияси: Дарслик / Ш. М. Рустамов, З. Р. Умаров, М. А. Холбаев. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. — 147 б.

Мазкур дарслик «Суд бухгалтерияси» фанини ўрганишда муҳим манба бўлиб, унда бухгалтерия ҳисобидаги сўнги ўзгариш ва янгиликлар ҳисобга олинган.

Дарслик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари, юридик таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, тингловчилар ва талабаларга мўлжалланган.